

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№26 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
Жаҳон Тиллари Университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошқи
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -
Технология Институтида*

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Пардаев Тошкентбой Ражабович, Турсунов Жавли Нарзуллаевич САНОАТДА МАҲАЛЛИЙ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШГА ТАРИХИЙ НАЗАР.....	4
2.Маҳмудова Муҳаббат Мадиримовна МУҚАДДАС "АВЕСТО"ДА ТИББИЁТГА ОИД ҚАРАШЛАР.....	9
3.Mattiyev O'tkir Begmatdulobovich XIX-XX ASRLARDA O'RTA OSIYODA YASHAGAN AFG'ON FUQAROLARI FAOLIYATINING TARIXSHUNOSLIKDA YORITILISHI.....	18
4.Файзуллаева Мавлюда Ҳамзаевна, Ёрматов Фахриддин Жойловович ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ИРРИГАЦИЯ ИНШООТЛАРИ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ РОССИЯ ШАРҚШУНОСЛАРИ ТАЛҚИНИДА.....	25
5.Ярматов Ойбек Шайманович ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИ ВА ҲИНДИСТОН ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	29
6.Жўраев Ўткир Ортиқбоевич ҚАЙТА ҚУРИШ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАРАКАТЛАР.....	36
7.Норкўчқаров Хушвақт Эшназарович АФҒОНИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ СОНИ ВА ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ МУАММОСИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	42
8.Хўжамов Санъат Ҳайитбоевич СОМОНИЙЛАР КУМУШ ДИРҲАМЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА.....	56
9.Валиева Зайнаб Омонбаевна ТИББИЁТ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АЛЛОМАЛАР МАЪНАВИЙ МЕРОСИНING АҲАМИЯТИ.....	61
10.Мадраҳимов Зоҳид Шарофович ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАРКАЗЛАРИ.....	67
11.Нуркулова Рая Рузиевна ИСЛОМ КАРИМОВ - МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ.....	74
12.Ражабова Дилноза Ярашовна АМИР САЙИД АБДУЛАҲАДХОН ФЕНОМЕНИ ВА УНИНГ ТУРКИСТОН ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ.....	80

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Пардаев Тошкентбой Ражабович,
Турсунов Жавли Нарзуллаевич
Термиз давлат университети доцентлари

САНОАТДА МАҲАЛЛИЙ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШГА ТАРИХИЙ НАЗАР

For citation: Pardayev Toshkentboy Rajabovich, Tursunov Zhavli Narzullaevich. A look into the history of the preparation of local professionals in the industry. 2019, vol. 26, issue 2, pp. 4-8



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-26-01>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XX асрнинг иккинчи ярмида жанубий Ўзбекистон ҳудудларида саноат соҳасида маҳаллий мутахассислар тайёрлаш жараёнининг ҳолати, шунингдек, совет ҳукуматининг бу борадаги туганган сиёсати каби жиҳатлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: мутахассис, саноат, жараён, малака ошириш, чекланганлик, бандлик, ишчи кучи, касб-ҳунар билим юрти, иш ҳақи, муаммо.

Пардаев Тошкентбой Ражабович,
Турсунов Жавли Нарзуллаевич

доценты Термезского государственного университета

ВЗГЛЯД НА ИСТОРИЮ ПОДГОТОВКИ МЕСТНЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ В ПРОМЫШЛЕННОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье на основе достоверных сведений анализируется процесс подготовки местных специалистов в области промышленности на южном Узбекистане во второй половине XX века, перемены, происшедшие в этой отрасли. Также изучены проблемные процессы возникшие в результате политической дискриминации советского правительства по отношению местных специалистов.

Ключевые слова: специалист, промышленность, процесс, повышение

квалификации, ограниченность, занятость, рабочие силы, профессиональное техническое училище, оклад, проблема.

**Pardaev Toshkentboy Razhabovich,
Tursunov Zhavli Narzullaevich**
Associate professors of Termez State University

A LOOK INTO THE HISTORY OF THE PREPARATION OF LOCAL PROFESSIONALS IN THE INDUSTRY

ANNOTATION

In the article : In the second half of the 20 century the process of preparation of local experts in South Uzbekistan industry changes in this field a clear evidence-based analysis of the problematic processes that resulted from the discriminatory policy toward the Soviet government-dominated local policy makers.

Key words: specialist, industry, process, professional development, restriction, employment, job power, technical college, salary, problem.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон саноатида мутахассис ва ишчи ходимларга катта эҳтиёж сезилди. Чунки кўплаб ишчи ва инженер техник ходимларнинг фронтга сафарбар қилиниши уларнинг аксариятининг жанг майдонларидан қайтмаслиги туфайли Ўзбекистон саноатида ишчи кадрларга бўлган муҳтожлик кучайди. 1946 йил сентябр ойида Иттифоқ ҳукумати "Ҳунар ва темир йўл билим юрларида ҳамда ФЗУ мактабларида тайёрланган ишчилар сонини кўпайтириш ва меҳнат резервлари тайёрлашни яхшилаш чоралари тўғрисида" қарор қабул қилди. Қарордан кейин Республикада саноатни ишчи ходимлар билан таъминлашга эътибор кучайтирилди [1]. Хусусан, Қарши тикувчилик бирлашмасида 1946 йилда 45 та ишчи, 1948 йилда эса 30 ишчи тайёрланди ва 87 ишчи ўз малакасини оширди. Ўрганилаётган даврда ишчи-ходимларни тайёрлаш тизимининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, қолаверса жанубий вилоятларнинг республика марказидан узоқлиги туфайли бу ердаги саноат корхоналарида асосан ишчи кадрлар бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида тайёрлана бошлади. Масалан, 1948 йилда Шеробод пахта тозалаш заводида 12 та, Денов пахта тозалаш заводида 24 та, Китоб пахта тозалаш заводида эса 17 та ишчи ходим худди шу тартибда тайёрланди.

1950-йилларидан саноат соҳасида кадрларни тайёрлашга эътибор бироз кучайди. Масалан 1953 йилда Қашқадарё вилояти саноат корхоналари учун 505 нафар ишчи ходим ва мутахассислар тайёрланди. Бироқ шунга қарамасдан саноат соҳасида малакали ва олий маълумотли мутахассислар ниҳоятда кам эди. Масалан 1950 йилда Сурхондарё вилоятидаги пахта тозалаш трестига қарашли 4 пахта тозалаш ва 17 пахта қабул қилувчи пунктларнинг директорлари нафақат олий маълумотли балки, ўрта махсус маълумотга ҳам эга эмас эди. 1946-1960 йилларда маҳаллий миллат вакиллари саноат корхоналарига ишга жалб этиш борасида ҳам маълум ишлар амалга оширилди. Масалан: 1960 йилга келиб Денов саноат корхоналарида хизмат қилаётган маҳаллий миллат вакиллари 63 фоизни, Шаҳрисабз пахта тозалаш фабрикасида эса 961 ишчидан 566 нафарини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этарди. Аммо бу даврда кадрлар қўнимсизлиги ишлаб чиқариш

жараёнига жиддий салбий таъсир кўрсатаётган эди. Бунинг бош сабаби ишчи-ходимларга яратиб берилган шароитларнинг яхши эмаслиги, уй-жой ва бошқа ташкилий ишлардаги етишмовчиликлар, ойлик маошларининг камчилиги сабаб бўлаётган эди. Масалан, 1953 йилда Денов заводига 121 киши ишга қабул қилинган ҳолда 80 киши ишдан бўшади. Ёки 1970 йилда Шарғун ғишт заводида фаолият юритаётган 1110 та ишчидан 107 таси ишдан кетган[2]. 1979 йилга келиб эса ушбу заводдан ишдан бўшаб кетганлар сони 175 нафарни ташкил этди.

Ўрганилаётган даврда Жанубий вилоятларнинг саноати асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга йўналтирилган бўлиб, пахта тозалаш, пиллакашлик, ёғ ишлаб чиқариш корхоналари кўпчиликни ташкил қилар эди. Шу даврда Қашқадарё вилоятидаги саноат корхоналарининг 51 фоизи, Сурхондарё вилоятидаги корхоналарнинг 56 фоизи шу турдаги корхоналар бўлган [3].

1958 йилда Ўзбекистон бўйича саноат ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг умумий сони 299,8 минг кишини ташкил этган бўлса, шундан 4,2 минги Қашқадарё вилоятига, 5,2 минги Сурхондарё вилоятига тўғри келди [4].

Ушбу вилоятларда ишчиларнинг салмоғи Республика ишчиларининг ҳатто 4 фоизини ҳам ташкил этмади. Ваҳоланки 1959 илги аҳоли рўйхати бўйича Ўзбекистонда жами 8261 минг киши яшаган бўлса, шунинг 930 минги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келар эди [5].

Ўрганилаётган даврда маҳаллий миллат вакиллари саноат ишчилари сафига жалб қилиш жуда секин борди. Чунончи 1962 йилда Республика озиқ-овқат, енгил саноат, нефт-газ саноатида маҳаллий миллат вакилларида ишчилар сони 30 фоизни ташкил этди [6]. Бу ҳолатни Жанубий вилоятлар мисолида ўргансак, бу ерларда маҳаллий миллат вакилларида ишчиларнинг етишиб чиқиши анча охириги ўринларда турганлигини англаш қийин эмас. Масалан, Қарши қурилиш бошқармасининг 11782 нафар ишчисининг 1050 нафарини маҳаллий мутахассислар ташкил этган [7]. Мавжуд саноат корхоналарининг ишчи кучига бўлган эҳтиёжини қондиришга маҳаллий ишчилар ҳисобидан эмас балки четдан келган ишчилар ҳисобига қондиришга ҳаракат қилишди. Мутахассисларни марказдан олиб келиш йил сайин одат тусига кириб борди. Қолаверса кўплаб саноат корхоналарини йирик шаҳарларда барпо этилиши, малакаси мутахассислар тайёрлайдиган ўқув юртларининг номутоносиб жойлаштирилиши, жойлардаги хунар-техника билим юртларининг фақат қишлоқ хўжалиги доирасида тор доирадаги мутахассисларнинг тайёрланиши, корхоналари ишчилари учун ажратилган уй-жой захираларининг четланганлиги, иш ҳақининг камлиги ва бошқа шу каби омиллар жойларда ишчи-ходимлар орасида маҳаллий миллат вакиллари камчиликни ташкил этишига олиб келди. Бундан ташқари совет ҳокимияти маҳаллий миллат орасидан етишиб чиққан ишчи-ходимларга беписандларча муносабатда бўлди. Уларни камситувчи сиёсатни олиб борди.

Ўрганилаётган даврда малакали мутахассислар тайёрлаш масаласида бундай ноҳолис муносабатда бўлишнинг асосий сабаби маҳаллий ишчи ва мутахассисларни ишлаб чиқаришнинг асосий бўғинларига эмас, балки уларни асосан иккинчи даражали соҳаларга жалб этишга қаратилганлигидир. Саноат корхоналарининг кенгайтирилиши, янгидан саноат корхоналарининг бунёд этилиши, туфайли ишчи-ходимларга бўлган эҳтиёж ҳам анчагина ошиб берди. Корхоналарнинг ишчи кучига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида корхоналарга ишга кирган ёшларни бўлажак касбга уч ойдан олти ойга қадар яқка тартибда ёки бригада усулида иш жойида тайёрлашга ҳам ҳаракат қилинди. Кўпгина

корхоналарда ишчи ходимлар устоз-шоғирдлик анъаналари асосида тайёрланди. Бундан ташқари ҳунар-техника билим юртлари ҳам ишчи ходимлар тайёрлашнинг зарур бўғинларидан бири эди. Бироқ ҳунар техника билим юртларининг аксарияти асосан қишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлашга ихтисослашган эди. Пахта тозалаш, тикувчилик, тўқимачилик корхоналари учун кадрлар тайёрлайдиган билим юртларининг йўқлиги бу долзарб вазифани бажаришга имкон бермасди. Қолаверса совет даврида ҳунар-техника билим юртларига мактаблардан асосан ўзлаштириши паст, тарбияси оғирроқ ўқувчиларни жалб этиш одат тусига кириб борган эди. Бу эса омма орасида ҳунар-техника билим юртларининг обрўсини анча тушириб қўйган эди.

Ҳунар-техника билим юртларининг мутахассислар тайёрлаш тизими эскирган услубларда бўлиб, замонавий техника тараққиётидан фан-техника янгиликларидан анча орқада ўқувчиларга умумқасбий кўникмалар бериш ўрнига ўқитишда кўпроқ сиёсий фанларни ўқитишга кўпроқ эътибор берилган эди. Чунки ўша даврдаги маъмурий-буйруқбозлик тизими ўқитиш жараёнини ҳаддан ташқари сиёсийлаштириб юборган эди. Шунга қарамасдан ўрта махсус ўқув юртларига жалб этилаётган ўқувчилар сони йил сайин ошиб борди. Масалан 1970-71 ўқув йилида Қашқадарёда 8600 нафар, Сурхондарёда эса 4800 нафар ўқувчи ўрта махсус ўқув юртларида таълим олган бўлса, 1985-86 ўқув йилида уларнинг сони, Қашқадарёда 15100 нафарни, Сурхондарёда эса 10400 нафарни ташкил этди [8]. Аммо жойлардаги мавжуд имконият ва шароитни инобатга олмасдан мутахассислар тайёрлаш борасидаги ва нотўғри режалаштириш сиёсати туфайли саноат корхоналарини мутахассис ва ишчи ходимлар билан таъминлашда номутаносиблик юзага келди. Оқибатда айрим корхоналарда керакли мутахассислар етишмаслиги ўткир муаммога айланиб бораётган бўлса, айрим корхоналар мавжуд мутахассисларга иш топиб беришда қийналди. Масалан, 1980 йилда Бойсун экспериментал шойи тўқиш фабрикасида 300 нафардан ишчи-техниклар янги касбни эгаллаган бўлса-да, улар иш билан таъминланмади. 1990 йилга келиб яна қўшимча тарзда қисқа муддатли курсларда 230 нафар ишчи тайёрланди.

Ўрганилаётган даврда саноат корхоналарида фаолият юритаётган ишчи-ходимларнинг малакасини оширишда ҳам маъсум даражада ўзгаришлар қилинди. Масалан, 1970-1975 йилларда Қашқадарё пахта тозалаш заводларининг 55 нафар ишчиси Тошкент ва Қўқон шаҳарларига ўқишга юборилган бўлса, 1985-1987 йилларда 177 нафар, 1988-1990 йилларда эса 110 нафар ишчи-ходимлар Тошкент, Харьков, Киев, Боку ва Андижон шаҳарларига малака оширишга юборилди. 1980-1990 йилларда Сурхондарё вилоят саноат корхоналарининг 105 нафар ишчиси Челябинск, Москва ва Тошкент шаҳарларига бориб малакасини оширди.

1985 йилда Қашқадарё вилояти саноат корхоналарининг 14100 нафар ишчи ходимлари янги мутахассисликларни эгаллаш бўйича малака оширган бўлса, 50600 нафар ишчи ходим эса ўз мутахассислиги юзасидан малака оширди. Шу йили Сурхондарё вилояти саноат корхоналарида фаолият юритаётган ишчи-ходимлардан 10200 нафари малака ошириш курсларида янги мутахассисликларнинг сирларини ўрганган бўлса, 27700 нафар ишчи ходим эса ўз касби бўйича ходим эса ўз каби бўйича малакасини оширди [9].

Совет ҳукуматининг империяча бошқарув тартиботи асосида Ўзбекистон халқ хўжалиги мажмуининг иттифоқ халқ хўжалиги доирасида ихтисослашуви, унинг иқтисодий ривожланиши бир томонлама хусусиятга эга бўлишига олиб келди. Иттифоқ директив органлари республикага хом ашё манбаи сифатида

қараб, юқоридан туриб ишлаб чиқилган буйруқ ва кўрсатмаларни сўзсиз бажартиришга ҳаракат қилди. Кадрларни ҳам шу йўсинда ушлаб туришга ҳаракат қилди. Миллий кадрларни ўстириш, уларни уй-жой, етарлича маош, керакли шарт-шароит, сифатли тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш масалаларига етарлича эътибор бермади. Оқибатда кадрлар қўнимсизлиги, юқоридан туриб берилган режа ва топшириқларни бажаришга йўналтирилган носоғлом муҳит вужудга келди. Мавжуд муаммоларнинг ҳал этилмай келиниши, ишчи ходимларнинг ўз меҳнат натижаларидан етарлича манфаатдор эмаслиги, баландипарвоз шиорлар ва берилган вадаларнинг ҳақиқий ҳаётда ўз тасдиғини топмаётганлиги ишчи-ходимларнинг эртанги кунга бўлган ишончини тобора сўндириб борди. Бироқ шунга қарамасдан яратувчанлик бунёдкорлик ва изланувчанлик кайфияти билан яшаган ўзбек халқи ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг яратувчанлик фазилатидан асло воз кечмади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. Ўзбекистон ССР тарихи, IV-жилд, - Тошкент:1971. 179-бет. (History of the Uzbek SSR, Volume IV, -Tashkent, 1971. -P.179.)
2. Ленин байроғи. 1971 йил, 3 сентябрь. (The Lenin Flag. September 3, 1971)
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи 2-китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. -Тошкент: Шарқ. 2000. 530-бет. (New history of Uzbekistan 2 books. Uzbekistan is in the Soviet era. -Tashkent: Sharq, 2000. -P. 530)
4. История рабочего класса. Т.III. -Ташкент, 1966. С.64 (The history of the working class. -Tashkent, 1966. -P.64)
5. Очилов Ф.Э. XX асрнинг 50-60 йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий аҳволи ва муаммолари (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида) Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент, 2011. 18-бет. (Social status and problems of Uzbekistan in the 50-60s of the XX century (on the example of Kashkadarya and Surkhandarya regions).Dissertation for the degree of candidate of historical sciences. -Tashkent, 2011. - P. 18.)
6. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 г. Статический ежегодник. - Ташкент: Узбекистан, 1981. 56-стр (The national economy of the Uzbek SSR in 1980. Static Yearbook. - Tashkent: Uzbekistan, 1981. - P. 56)
7. Алимардонов Т. кўрсатилган асар. 111-бет.(Alimardonov T. The work shown. - P. 111)
8. Узбекистан за годы одиннадцатой пятилетки (1981-1985 гг) Статический сборник. -Ташкент, 1986. С.123-147 (Uzbekistan for the years of the eleventh five-year period (1981-1985) Static collection. -Tashkent, 1986. S. 123 147)
9. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. -Ташкент: Узбекистан. 1986. 233-стр (The national economy of the Uzbek SSR in 1985. - Tashkent: Uzbekistan, 1986. 233-page)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Маҳмудова Муҳаббат Мадиримовна,
Тошкент тиббиёт академияси
Урганч филиали "Ички касалликлар пропедевтикаси"
кафедраси катта ўқитувчиси

МУҚАДДАС "АВЕСТО"ДА ТИББИЁТГА ОИД ҚАРАШЛАР

For citation: Makhmudova Mukhabbat Madirimovna. Medical opinion in the sacred "Avesta". 2019, vol. 26, issue 2, pp. 9-17

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-26-02>

АННОТАЦИЯ

Инсониятнинг маданий меросида "Авесто" ўрин эгаллайди. Оташпарастлик динининг якка илоҳликни тарғиб қилувчи мазкур муқаддас китоб авлодларга ўтмиш ва кундалик турмуш, манъавият ва маданият, саломатликни сақлаш, касалликлардан сақланиш ва беморларни даволаш каби билимларни етказиб беради. Китобдаги тиббий ўғитлар бугунги кунда ҳам таъботат тадбирларини амалга ошириш, атроф муҳит тозалиги ва ободонлигини таъминлаш, инсонларнинг тўлақонли ва узоқ умр кечиришларига амалий дастур бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: Аҳура Мазда, оташпарастлик, зароастризм, тиббиёт, таъботат, даволовчи табиб ва ҳақимлар, эзгу фикр, тўғри сўз, унга мос амал ва ҳоказо.

Махмудова Муҳаббат Мадиримовна,
старший преподаватель кафедры "Пропедевтика внутренних
болезней" Ургенчского филиала
Ташкентской медицинской академии

МЕДИЦИНСКИЕ ВОЗЗРЕНИЕ В СВЯЩЕННОЙ "АВЕСТЕ"

АННОТАЦИЯ

В культурном наследии человечество особое место занимает "Авеста". Это священная книга зароастризма, единобожной мировой религии, несла людям новые духовные основы, знание об их истории, обиденной жизни, лечение болезней. Медицинские воззрение и наставление зароастрийцев и поныне имеют большую ценность в предохранении и сохранении здоровья людей, обеспечении

их благополучной и долгой жизни.

Ключевые слова: Ахура Mazda, огнепоклонники, зараостризм, медицина, врачеватели, лекарства, здоровье, чистые помысли, истинное слова, благие действия и др.

Makhmudova Mukhabbat Madirimovna,
senior teacher of department "Propaedeutics of vnutrenny
diseases" Urgench branch of the
Tashkent medical academy

MEDICAL OPINION IN THE SACRED "AVESTA"

ANNOTATION

In cultural heritage the mankind holds a specific place Avest. It is the sacred book of Zoroastrianism, edinobozhy world religion, bore to people new spiritual bases, knowledge of their history, lunch life, treatment of diseases. Medical view and manual of Zoroastrians also until now are of great value in protection and maintaining human health, an obepecheniya of their safe and long life.

Key words: AkhuraMazda, fire worshippers, zoroastrianism, medicine, aesculapians, drugs, health, clean think, true words, good actions, etc.

Ўрта Шарқ халқларининг қадимги тарихида оташпарастлик динининг муқаддас китоби "Авесто" муҳим ўрин эгаллайди. Зардушт (Заратуштра, мил. олд.618-541 йиллар) оташпарастлик таълимотининг асосчиси ҳисобланса-да, унинг матнлари (муқаддас кўшиқлари) қоҳинлар томонидан умумлаштирилган тарзда баён этилган. Қўлёзма "Яшт", "Виспарат", "Видевдат", "Ясна" ва "Хорда" каби 5 қисмдан иборат бўлиб, дастлаб уни ёдда сақлаганлар, кейин эса ёзув пайдо бўлгач, кўп марта қайта кўчирилган. Масалан, Бақтра подшоси Виштапс (Гиштапс) даврида китоб 12 минг хўкиз терисига махсус олтин сиёҳлар ёрдамида битилган ва пойтахтдаги ибодохоналардан бирида сақлаган [1]. Академик Е.Э.Бертельс маълумотларига қараганда, мазкур тўпламда 8 миллион 300 та сўз мужассамланганди [2].

"Авесто"нинг 2 минг мисрадан ортиқ нусхаси Александр Македонский томонидан лотин тилига таржима қилиниб, устози Аристотелга (Афлотун) юборилган, қолганлари ёқиб юборилган. "Авесто"даги тиббий билимлар Ражаббой Раҳимов, Отаназар Абдуллаев, Ҳамидула Ҳомидий, Бахтиёр Дўстжонов, Мирсодиқ Исҳоқов, Асқар Маҳкам, Мадирим Маҳмудов каби ўзбек олимлари томонидан ўрганилган ва тарғиб қилинган.

Марказий Осиё, хусусан Хоразм воҳаси аҳолисининг қадимги даврдаги маданий мероси муҳим намунаси ҳисобланган "Авесто"да тиббиётга оид билимлар муҳим ўрин олган. Китобда тиббиёт фани ва амалиётининг бош вазифаси инсонлар саломатлигини сақлаш, одамларнинг эса бу борадаги бурчи ва энг муҳим вазифаси - ўз танасини тоза-озода тутиши ва эҳтиёт қилиши зарурлиги масаласи тўғри белгиланган.

"Авесто"да фуқаролар саломатлигини сақлашда мамлакат ободончилиги, озиқ-овқатнинг мўл-кўллиги, тоза сув, уй-жойлар етарли бўлиши, хунармандчилик ва деҳқончиликнинг ривожлантиришга боғлиқ эканлиги кўрсатилади. Инсон

саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида ахлат ва мурдадан узоқроқ бўлиш тавсия қилинган. Хавфли нарсалар орасида одамнинг ўз танаси чиқиндилари, ҳаттоки нафаси ҳам зарарли бўлиши кўрсатилган. Ер, сув ва ҳавони ифлослантириш қаттиқ гуноҳ ҳисобланган. Бу талабга риоя қилмаганларга 400 қамчи-дарра уриш жазоси белгиланган. "Авесто"да "ариқларда оққан сув ўз ўзини тозалаб туради ва фақат оқар сувдан истеъмол қилиш керак", деб кўрсатилган.

"Авесто"да одам анатомияси ва физиологияси масалаларига ҳам эътибор қаратилган. Хусусан, одам танаси суяк, гўшт, ёғ, мия моддаси, томирлар, қон, жигар, уруғ каби 8 та қисмдан иборат бўлади. Инсон организмидаги суяк ва унинг ичидаги иликка алоҳида эътибор берилган. Ҳаётнинг асосий манбаи деб ҳисобланган суяк илигида эркакларнинг уруғи ишлаб чиқилади, деган тасаввурлар ҳам мавжуд эди.

"Авесто"да одам танасини озиқлантириб турадиган қон юракда, ўт жигарда, уруғ орқа мияда ишлаб чиқилади, дейилган. Китобдан одамнинг қонини ташиб турадиган 3 та томир бор ва улардан 2 таси (қизил ва қора) қон олиб юради, биттаси эса қон олиб юрмайди, сезги аъзолари, эшитиш, кўриш, таъм билиш марказлари бош мияда жойлашганлиги каби фикрларни ўқиш мумкин.

Одам анатомияси ва физиологияси ҳақида "Авесто"да мавжуд тасаввурларнинг жуда содда ва кўп ҳолларда юзаки эканлигини айтиш керак. Ҳатто унда асаб томирлари, яъни нервлар ҳақида тасаввурлар ҳам тўла шаклланмаганлигига қарамадан инсоннинг ҳаёти асосан мана шу "учинчи томирга" бевосита боғлиқлиги кўрсатилган.

"Авесто"да инсон касалликларининг муҳим сабабларидан бири - овқатланиш тартибининг бузилиши, деб кўрсатилади. Инсонларнинг вақтида ва сифатли овқатлана олмаслиги, ёки ҳаддан ташқари кўп овқат истеъмол қилиши натижасида ошқозон-ичак, юрак-асаб, қон-томир касалликлари вужудга келади. "Еб-ичмайдиған одамнинг тоат-ибодат қилишга кучи бўлмайди, эр-хотинлик вазифасини адо этишга қуввати етмайди, бола туғдира олмайди. ...Озиқ-овқат яхшиланиши билан халқнинг ахлоқ-одоби ҳам кучаяди. Овқат мўл-кўл бўлса, илоҳий сўзлар яхши идрок этилади", - дейилган "Ясна"нинг 33-бобида [3]. Демак, одамларнинг тирикчилик ташвишларидан ҳолос бўлишлари ўз навбатида уларнинг илм-маърифатга бўлган чанқоқлигини қондириши учун вақт ва имконият яратади. Бу ҳолат эса ўз навбатида маънавиятнинг мезони ва мустаҳкам асосларидан биридир.

"Авесто"да инсон касалликларини уч хил усул билан даволаш мумкинлиги кўрсатилган. Булар орасида: 1. Пичоқ билан даволаш. 2. Доривор ўсимликлар билан даволаш. 3. Сўз билан даволаш усули тилга олинган. Қадимги табиблар илоҳий кучларнинг мадади билан бир қаторда инсонлар саломатлиги учун курашда табиатнинг кучи ва эҳсонларидан фойдаланиш зарурлигини яхши тушунганлар. Шу сабабли ҳам улар тоғлар, саҳроларда учрайдиған шифобаҳш гиёҳларни тўплаш, қуритиш, сақлаш ва улардан дори-дармонлар тайёрлашга интилганлар. Бу борада ўсимликларнинг шифобаҳш ва заҳарли турларини аниқлаш катта аҳамиятга эга бўлган. "Авесто"да тилга олинган даволаш усуллари орасида энг мураккаби ва якуний босқичи ҳисобланган жарроҳликга алоҳида эътибор берилган. Агар табиб беморни дори-дармонлар ва руҳий таъсир кўрсатувчи сўз ёрдамида даволай олмаса, ҳамда касаллик одамнинг ички органларда мавжуд бўлса, жарроҳ ўз ҳамкасблари билан бамаслаҳат бир хулосага келиши ва зарур муолажани вақтида амалга ошириши зарур [4].

"Авесто"да кўрсатилишича, одамларга зарар келтирувчи 9999 та касаллик мавжуд

бўлиб, уларни жоҳил илоҳ Анҳра-Манью юборар ва дард танага руҳ орқали кираркан. Ўз навбатида о дил илоҳ - Аҳура-Мазда эса барча касалликларни қайтариш ва даволаш имкониятини табибларга берган. Фақат икки нарса - қарилик ва ўлимнинг давоси йўқ, деган хулоса қадимги даврларда шаклланган.

"Авесто"да кўрсатилишича, табобат илмининг отаси ва биринчи табиб Трита исмли киши бўлган экан. Шу билан бир қаторда авестошунослар Тритани эронлик жангчи, Саюдри деган кишининг ўғли ва Ашавазди исмли шахсининг укаси эканлигини қайд қиладилар. Ривоятларга қараганда инсонларни хар ҳил касаллик ва ҳаттоки ўлимдан сақлаб қолиш қудратига эга бўлган Аҳура-Мазда Тритага 10000 та дори юборган. Демак, дорилар сони касалликларга қараганда биттага кўп бўлиб, истеъдодли табиблар одамларни дарддан ҳолос этишга қодирлар, деган хулосага келинган.

Зардуштнинг эътироф этишича, Тританинги ўзи ҳам жуда кўплаган шифобаҳш ўсимлик ва минераллардан дори-дармонларни тайёрлашни кашф қилган. Улар орасида энг кучлиси, бургут қиёфасидаги қуёш илоҳи Митра тоғдан келтирган муқаддас ўсимлик шарбати - хаома (сома) бўлиб, у "Саломатлик ва ҳаёт манбаи" деб аталган. Бу ичимлик "Авесто"нинг энг муҳим гоёси - ҳақиқат рамзи сифатида қабул қилинган [5]. Шу боис китобга "Ҳаоманинги шарбатидан сўнг, келадир ҳақ, келадир ҳақиқат" деган сўзлар киритилган [1].

"Авесто"нинг кейинги матнларида бебаҳо шифобаҳш "хаома"ни кашф қилган одам Эрон шоҳи Йиманинги отаси Вивахвант бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Хаома сут билан аралаштирилиб истеъмол қилинадиган илоҳий ичимлик бўлиб, унинг таркиби ҳақида жуда кўп баҳс мунозаралар давом этмоқда. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, у намгарчилик натижасида пайдо бўладиган қўзиқорин, замбуруғ, моғор каби нарсаларнинг сут билан аралаштирилиши натижасида тайёрланади. Бизнинг фикримизча, бу ичимлик тоғлар ёрларида учрайдиган аччиқ мўмиёнинг шифобаҳш хусусиятлари билан сутнинг аралаштирилиши натижасида инсон танасини қиздирадиган ва кучлантирадиган дори-дармон сифатида кашф қилинган. Уни Хитой ва Кореяда, Россиянинг Приморье ўлкасида кенг истеъмол қилинадиган "ҳаёт томири" - женьшень ва эултроккок каби шифобаҳш ўсимликларга қиёс қилса бўлади [1].

"Авесто"да ҳаётнинг муҳим манбалари қаторида олов ва сув кўп марта тилга олинади. Инсон танаси учун муҳим нарсалардан бири иссиқлик ва уни бошқариш имконияти бор экан одамзод соғлом яшайди. Аммо инсон танасидаги иссиқлик мувозанатининг бузилиши натижасида касалликлар хуруж қилади ва уни вақтида тўғрилаш имконияти бўлмаса одам танаси ўлимга маҳкум бўлади.

"Авесто"да одам танасининг тез қизиши ва совуши ҳам оғир касалликларга олиб келиши кўрсатилган. Жазирма қуёш ва иссиқ шамол ҳаддан ташқари қиздирган вақтда одам танасидаги мувозанатни сақлаб туриш учун жуда кўп миқдорда суюқлик талаб қилинади. Аксинча жуда совуқ ва изғирин шамол эсган вақтда одам томирларидаги қоннинг қуюлиши оқибатида унинг ҳаракати сусаяди ва айланиши пасаяди. Шу сабабли одамларнинг ҳаво ўта иссиқ ва совуқ бўлган вақтда ўзларини эҳтиёт қилишлари зарурлиги кўрсатилган [1].

Юқорида қайд этилганидек "Видевдат"нинг барча фаргардларида (боб) тиббиётга ва табобатга оид фикрлар бор. Энди мазкур бўлимдан ўрин эгаллаган фикрларнинг мазмунига эътибор қаратайлик.

"Видевдат"нинг биринчи фаргардида Аҳура-Мазда дастлаб яратган 16 та ўлканинги географик муҳити ҳақида қисқача сўз юритилади. Эзгулик илоҳи яратган

ўлкалардан биринчиси "Арёнам Вайжо" бўлиб, "Авесто"ни ўрганувчиларнинг аксарияти зардуштийлик таълимоти илк бор мана шу ерда пайдо бўлган, деган фикрни илгари суришади. Бу диёрнинг ўзига хос томони - деҳқончилик учун қулай дейилса, ноқулайлиги эса, қиш фаслининг чўзилиб, илк баҳорда эса кўп жойларини сув босишидир. Айрим олимларнинг фикрича, "Арёнам Вайжо" худуди қадимги Хоразмнинг географик ўрнига тўғри келади [6].

Иккинчи фарғардда Эронда ҳукмронлик қилган подшоҳ Йима (Жашмид) тўғрисида афсона бўлиб, у олдин подачи бўлган. Абулқосим Фирдавсий "Шоҳнома"да шундай ёзади: "Жамшид биринчи подшоҳлардан, қайсики у инсонлар тақдирини белгиловчи ва ерда истеъқомат қилиш қонун-қоидаларини ўргатувчидир. У одамларга қурол - аслаҳа ясашни, кандир ва канопадан ип ва арқон эшишни, матолар тўқишни, кийим тикиб кийишни ўргатган. У инсонларни тўртта гуруҳга - ҳарбийлар, деҳқонлар, хунармандлар ва қоҳинларга бўлган. Шунингдек, у одамларга ҳайвонларни ишлатишни ўргатган, лойдан иморат қуришни кўрсатган подшоҳлардан ҳисобланади. У илм ҳикмати билан мушк, анбар, сабур каби гиёҳлар сирини билган, касалликларни даволаш чорасини топган, яъни табиблик хунарини бунёд этган" [7]. Йима отасидан ўрганган кўпгина билимларини одамларга беришга интиланган ва уларга бошқа касблар қаторида табибликни ҳам ўргатган.

Учинчи фарғардда инсонларнинг қувончи ва ғам-ғуссаси, тирикчилиги ва турмуш қийинчиликлари, уй-жой тараддуди борасида сўз юритилади. Бунда одамлар олдида ғам-ташвиш ва қайғу, азоб-уқубатга чидамли, матонатли бўлиш, кийинчиликларга бардош бериш ва уларни енгиш чораларини ахтариши каби мураккаб жумбоқ турганлиги ёзилган. Бу бўлимда табобат соҳасига доир яна бир муҳим масала - гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш зарурлиги ҳақида сўз юритилади.

Тўртинчи фарғардда ҳар бир кишининг ўз сўзи устидан чиқиб, бировга берган аҳду-паймонини бузмаслиги; ваъдага вафо қилмаса, унга жазо берилиши; ёлғон ваъда бериш илоҳ олдида гуноҳ эканлиги; бировга тан жароҳати етказганда унга тўланадиган жарима ҳақида; тўғри ўқитиш, таълим-тарбия бериш каби масалалар тўғрисидаги фикрлар баён этилган [8].

Бешинчи фарғардда айрим айбли ишларга йўл қўйган кишиларнинг ўз гуноҳларини қандай ювишлари ҳақида ёзилган.

Олтинчи фарғардда табиблик алоҳида касб эканлиги эътироф этилади. Ёш табиблар мустақил иш бошлашларидан олдин имтиҳон қилинган. Табиб беморни даволаш ҳуқуқига эга бўлиши учун кам деганда 3 та касални даволаб, ўз билим ва маҳоратини намойиш қилиши керак эди. Яна улар зардуштийлик дини ва унга сифинмаган беморларни даволаганларидан кейин ҳам махсус текширишлардан ўтказилган.

Табибнинг меҳнатига қандай тарзда ҳақ тўланиши кераклиги ҳақида "Авесто"да шундай ёзилади: "Қоҳинларга ибодат этгани ва табибларга муолажа қилганлари учун ҳақ тўлаш зарур" [9]. Тўланадиган ҳақнинг миқдори беморларнинг мавқеи ва имкониятларига қараб белгиланган, яъни, йирик амалдорлар ҳизмати эвазига табибга от-арава, қорамол, қўй-эчки беришлари керак эди. Қизларини даволаган табибга меҳнат ҳаққини ота-оналари ва аёллари учун эрлари тўлаган.

Жарроҳлик билан шуғулланадиган табибларга алоҳида юқори талаб қўйилган. Агар у жарроҳлик усули билан 3 та беморни даволай олса, унга мустақил ишлашга руҳсат берилган. Бундан ташқари тиш, кўз касалликларни даволайдиган ва

хомиладор аёлларга қарайдиган табибларга ҳам талаб-эътибор катта бўлган.

Еттинчи фаргардда ўликларга муносабат масаласи ёритилган. Мурда соғлом одамлар учун энг хавfli нарса деб кўрсатилган ва унга яқинлашмаслик тавсия этилади. Зардуштийликда вафот қилганлар жасадини ерга кўмиш, уни ёндириш ва сувга чўктиришга руҳсат берилмаган. Чунки ер, сув ва ҳаво муқаддас саналган ва уларни доимо тоза сақлаб туриш талаб қилинган.

Вафот қилганларни 3 кун давомида уйда сақлашган ва уларнинг ҳақларига дуолар ўқилган. Шундан сўнг, мурдларни ювадиган махсус кишилар - "насса"лар уларни зарур урф-одатлар асосида одамлар яшайдиган жойдан узоқроқ ерга, тепаликлар ва тоғларга қўйиб келганлар. Жасад қушлар, ёввойи ҳайвонлар, қурт-қумурсқалар томонидан "тозаланган" ва суяклари муқаддас кўеш нури остида маълум вақт тургач, уларни йиғиб келиб хумларга (оссурий, остадон) солиб ибодатхоналар, баъзида эса уйлардаги махсус токчаларга қўйганлар.

Айрим тадиқиқотчилар ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида мавжуд Чилпиққалъа ёдгорлигини жасадлар олиб бориб қўйилган муқаддас жойлардан бири (дахма,) деб таҳмин қилишмоқда. Аммо, 40 метрдан баландроқ тепалик устига қурилиб, баландлиги 10-12 метр пахса девор билан ўралган бу мустаҳкам қалъа ўликлар сақланадиган даҳма эмас, балки қадимги Хоразмнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган кучли мудофаа иншоатларидан биридир [1].

Саккизинчи фаргардда афсонавий Бахромнинг ("Шоҳнома"да Жамшид авлодидан булган Хўжанг исмли киши) оловни олиб келганлиги ва уни илк бор одамларга кўрсатгани, ҳамда ундан фойдаланишни ўргатганлиги тўғрисида ёзилган. Бу мадҳия қадимги эллин маданиятига оид довюрак Прометей ҳақидаги афсоналарга ўхшаб кетади [10].

Тўққизинчи фаргардда "Катта тозаланиш ва танани пок қилиш" маросими бўладиган "Баршиум" деб аталувчи тўққизинчи кеча тўғрисида сўз юритилади.

Ўнинчи фаргардда ҳам тозалик ҳақидаги фикрлар давом эттирилади ва дунёга келган инсон учун энг азиз нарса - озодалик деб тушунтирилади. "Одамнинг фикри, сўзи ва танаси доимо тоза бўлиши керак",- дейилади зардуштийлик таълимотида. Шу боисдан ҳам Зардушт "Дунёда энг яхши нарса тозалиқдир", - деган бўлса ажабмас.

Зардушт ва унинг издошлари ўз даврида бугунги кунда эътироф этилаётган санитария-гигиена қоидаларига катта эътибор берганлар. Одамлар соғ-саломат, жисмонан ва руҳан бақувват бўлишлари учун тозаликга риоя қилишлари зарур эди. Ифлослик эса барча касалликларнинг келиб чиқиши, тарқалиши ва ҳавф-хатар туғдиришининг асосий сабабларидан бири эканлигини одамлар аста-секин тушуна бошлаганлар.

Қадимги вақтларда жуда кўплаб қонли урушлар бўлиб турганлиги оқибатида минглаган одамлар қуллик асоратига тушиб қолганлар, жисмонан ва руҳан эзилганлар. Ана шу одамларнинг аксарияти бераҳмлик билан оғир меҳнатга маҳкум қилинганлиги сабабли бедаво касалликларга чалинган. Шунинг учун ҳам одамларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, уларни муҳофаза қилиш масалаларига зардуштийлик динида қадимдан эътибор берилган.

Ўн биринчи фаргардда диний мадҳия ва оятлар ўқиш орқали покланиш маросимлари қандай ўтказилиши таърифланган [1].

Ўн иккинчи фаргардда ўлган одамларга аза тутиш маросими баён қилинган.

Ўн учинчи фаргардда одамзодга фойдаси тегадиган ва садоқатли ҳайвонлар,

хусусан итлар ҳақида фикрлар бор. Инсонларга наф келтирадиган вафодор итлар, уларнинг насли ва парвариши, феъл-атвори ҳақида сўз юритилади ва оҳири итларга мадҳия ўқиш билан тугалланади. "Кимдаким кучугини яхши боқса, унинг рисқи бутун, ери ҳосилдор, хонадони ғам-ғуссасиз, бола-чақаси дардларга чалинмайдиган бўлади", [11]. - дейилади "Авесто"да.

Ўн тўртинчи фарғардда жониворларни бесабаб ўлдирганда одамларга муқаррар равишда бериладиган жазолар тўғрисида сўз юритилади. Айниқса одамлар ўз итлари, мушуклари ва уларнинг болаларини хўрлаши, калтаклаши ёки қасддан ўлдирishi гуноҳлар ичида олий гуноҳлардан бири ҳисобланган.

Ўн бешинчи фарғардда 5 та ҳолатда (жумладан бегуноҳ чақалоқ ва кучукларни ўлдирсалар) одамларга ўлим жазоси берилиши муқаррарлиги ҳақида айтилади. Мабодо хотин-қизлар ўз эрларидан бошқа номаҳрамдан фарзанд туғсалар, қаттиқ таъқиб остига олинган [6].

Ўн олтинчи фарғардда эр-хотин ўртасидаги жинсий муносабатлар, аёлларга ҳайз кўрган пайтда қўйиладиган гигиена талаблари, хотин-қизларнинг касалликлари ва физиологик ҳолатлари тўғрисида фикрлар бор. Эркакларга ҳайз кўрган аёллар билан жинсий алоқада бўлиш таъқиқланади. Бундан ташқари ҳомиладорликнинг оҳирги ойларида ва бола туғилгандан кейин маълум вақтгача аёл билан жинсий алоқа ман қилинган.

Ўн еттинчи фарғардда (ўнинчи фарғанддагидек) инсон боласи танаси тозалигига алоҳида аҳамият бериши кераклиги айтилган. "Авесто"да одамларнинг руҳий поклик билан билан бир қаторда тана тозалигига ҳам алоҳида эътибор қаратишлари, "Поклик кишининг буюк бахт-саодатидир", деган ҳикматга риоя этишлари зарурлиги кўрсатилган. Одам боласига соч, соқол ва тирноқларини парвариш қилиши, уларни ўсган вақтида олиб туриши ва дуч келган жойга ташламасликлари уқтирилган. Ривоятларда тирноқ ёки соч одамнинг ичига тушса ўсишни давом эттиради ва оқибатда улар ичакларни тешади ёки ўралиб қолади, деб кўрсатилган. Шу боисдан кўпгина халқлар қатори Хоразмда ҳам тирноқ ва сочни тўғри келган жойга ташламаслик ҳақида урф-одатлар мавжуд.

Ўн саккизинчи фарғардда ҳақиқий ва фирибгар олим тўғрисида сўз юритилади.

Ўн тўққизинчи фарғардда табиб олимнинг ҳолати ва унинг табобат соҳасидаги хизмати таърифланади [3].

Йигирманчи фарғардда. Аҳура-Мазда мадҳи ва шу даврдаги маълум деб ҳисобланган кўпгина касалликнинг номи келтирилган.

Йигирма биринчи фарғардда кишига малҳам ва даво бўладиган сўзлар ҳақида, одамларни дуо ва сўзлар билан даволаш таърифи, ҳамда ҳомиладорнинг қорнидаги бола ва унинг барча гуноҳларини ювиш тўғрисида фикрлар мавжуд. Инсон мураккаб ва фикрловчи жонзот бўлганлиги сабабли у ўз ҳаётидаги жуда кўплаб жараёнларни онгли равишда мулоҳаза қилиб кўради, ҳис-хаяжонга берилмасдан яшай олмайди. Ана шу руҳий ҳолатларнинг таъсирида инсонда баланд ёки тушкунлик кайфияти шаклланиб, улар бевосита саломатлигига таъсир қилади. Шу сабабли ҳам Зардушт одамларнинг руҳий жиҳатдан соғлом бўлишлари, ўз танасига жоҳил руҳларнинг кириб қолишларига йўл қўймаслик кераклигини уқтирган [11].

"Авесто"да сўз билан даволашга алоҳида эътибор берилган. Китобда ёзилишича, энг таъсирли даво усули - диний урф-одатларга риоя қилишдир. Бунинг учун хаста одам Аҳура-Маздага мурожаат қилиб, зарур оятлар ва дуоларни тинимсиз ўқиши, энг муҳими соғайиб кетишга ишониши керак.

Зардуштийлик дини ёйилгунча Ўрта Осиё ва Эрон халқлари кўпгина илоҳларга

сифинганлар. Жумладан, Зардушт тилга олган Ардвисура ва Анахита номли илоҳлар одамларнинг саломатлигига ҳомийлик қилишган ва ҳомиладор аёлларга мурувват кўрсатишган. Шу боисдан ҳам "Авесто"да: "Ардвисура-Анахита тўлғоқ дардини қилар енгил ва туққан аёлларнинг кўкракларини сутга тўлдирар", - деган фикрлар ёзилган. Ўз навбатида Зардушт "Авесто"да ҳомиладор ва фарзанд кўрган аёлларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш кераклиги ҳақида уқтирган. Чунки ҳомилани 9 ой ўз бағрида авайлаб ўстирган ва чақолоқни дунёга келтирган аёл танаси анчагина ожизланган ва физиологик жиҳатдан муҳим ўзгаришларга дуч келган бўлади [5].

Йигирма иккинчи фарғардда юқумли касалликлар ва улардан қандай сақланиш усуллари таърифи берилади. "Авесто"да касалликларни тарқатувчи жонзотлар орасида ҳашоратларнинг алоҳида ўрни кўрсатилган. Айрим ҳашоратларнинг наштарига эса юқумли ва заҳарли моддаларни Аҳриман солиб қўяди, дейилган [12]. Мана шу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда инсонлар яшайдиган бинолар, уларнинг атрофида пашша-чивин, суварак, қурт-қумурсқа, сичқон, каламуш каби жонзотлар кўпаядиган аҳлатхоналарнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик зарур.

Хулоса қилиб айтганда, "Авесто"даги тиббиёт ва инсонлар саломатлигини сақлаш тўғрисидаги фикрлар Зардуштнинг табобат илмидан хабардор бўлганлигини кўрсатади. Пайғамбар давлат ва жамиятнинг одамлар соғлигини сақлаш учун учун масъул бўлиши, атроф муҳитни тоза ва озода сақлаши, мўл-кўлчилик ва тинч осойишта турмушни таъминлаши зарурлигини таъкидлаган. Шу билан бир қаторда, фуқаролар ҳам ўз саломатликларини муҳофаза қилишлари, тиббиётнинг зарур қонун-қоидаларига риоя қилишлари кераклиги уқтирилади. Зардушт одил илоҳ Аҳура-Мазда ва унга ишонч билан илтижо қилиш одамларга албатта саломатлик ва эзгулик келтиради, деб кўрсатади. Ишонч эса ўз навбатида инсоннинг саломатлиги ва унинг барча ютуқлари гаровидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Махмудов, М. "Авесто" - буюк маънавий мерос. - Урганч, 2001. - 44 б. (Makhmudov M. Avesto - the great encyclopedia. -Urganch, 2001. -P.44).
2. Бертельс, Е.Э. Избранные труды. Том 5: История литературы и культуры. - Москва, 1988. - 558 с. (Bertels E,E. Chosen works. Volume 5: History of literature and cultures. - Moskva, 1988. -558 p)
3. Бойс Мери. Зароастрийцы: верования и обычаи. Пер.с англ. И.М. Стеблин-Каменского. Изд. 2-е. - М.: ИВЛ "Наука". 1988. - 303 с. (Mary B. Zoroastrians: beliefs and customs. The lane from English I.M. Steblin-Kamensky. Moskva: Nauka, 1988. -303 p).
4. Абу Райхан Бируни. Памятники минувших поколений // Избранные труды. Т. 1. - Ташкент: Фан, 1968. - С.236-237. (Abu Raykhan Biruni. Monuments of the past generations//Chosen works. - Toshkent: Fan, 1968. - P. 236-237).
5. "Авеста". Форсчадан Асқар Маҳкам таржимаси. - Ташкент: Шарқ, 2001. - 852 б. (Avesto. The translation from the Persian skar of Makhkam. -Tashkent: Sharq, 2001. - 852 p.).
6. Каримов, Т. Муқаддас "Авесто" изидан. - Ташкент: Чўлпон, 2000. - 174 б. (Karimov T. In the wake of "sacred" Avesta. Tashkent: Cho'lpon, 2000. - 174 p).
7. Ҳамидов, Ҳ. "Шоҳнома"нинг шуҳрати. -Тошкент: Ўзбекистон, 1991. - 64 б. (Hamidov H. "Shoخنoma shuhraati". -Tashkent: O'zbekiston, 1991. - 64 p).


8. Бабоев, Х., Ҳасанов, С. "Авесто" - маънавият манбаи. - Тошкент: Адолат, 2000. - 80 б. (Baboyev, H., Hasan, S. of Avesto - a spirituality source. - Tashkent: Adolat, 2000. - 80 p).
9. Маковельский А.О. "Авеста". - Баку: Изд-во АН АзССР. 1960. - 144 с. (Makovelsky, A.O. Of Avest. - Baku, 1960. - 144 p).
10. "Авеста". Избранные гимны. Перевод с авестийского и комментарии проф. И.М. Стеблин-Каменского. (Avesta. Chosen anthems. The translation with avestiysky and comments of the prof. I.M. Steblin-Kamensky). - Душанбе: Адиб. 1990. - 176 с.
11. Исҳоқов, М. Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал ҳақидаги китоб. -Тошкент, 2000. - 62 б. (Isharov, M. Book of good thought, good word, good cause. - Tashkent, 2000. - 62p).
12. Авеста. Древне иранские гимны и тексты. Составитель - проф. Дж. Дустхак. - Тегеран: Марварид, 1992-2012. (Avista. To Drevna Iranian anthems and texts. The originator - the prof. J. Dustkhak. - Tegeran: Marvarid, 1992-2012).

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Mattiyev O'tkir Begmatdulobovich,
Samarqand davlat universiteti
Tarixshunoslik va manbashunoslik
kafedrası mustaqil izlanuvchisi

XIX-XX ASRLARDA O'RTA OSIYODA YASHAGAN AFG'ON FUQAROLARI FAOLIYATINING TARIXSHUNOSLIKDA YORITILISHI

For citation: Mattiyev O'tkir Begmatdulobovich. Historical coverage of the activities of afghan citizens living In Central Asia in the 19th and 20th centuries. 2019, vol. 26, issue 2, pp. 18-24

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-26-03>

ANNOTATSIYA

Maqolada asosiy e'tibor Markaziy Osiyoda yashagan afg'on fuqarolarining mazkur hududga kelib qolish tarixi va ularning bu yerdagi faoliyatiga qaratilgan. Ushbu tadqiqot ishida mavzuni yoritish uchun keltirib utilgan manbaa va adabiyotlardan ma'lum buladiki, mahalliydashib borayotgan afg'on xalqlari o'lka aholisining ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy va siyosiy hayotida muhim rol uynay boshlagan. Yurtimizga kelgan afg'on fuqarolarining mamlakatimiz aholisi, madaniyati va siyosiy jarayonlar haqida berib o'tgan fikrlari XIX-XX asr siyosiy hayotini o'rganib o'lish uchun muhim manba bo'lib xizmat qiladi.

Kalit so'zlar: etnik jarayon, aborigen, millat, ingliz-rus raqobati, gubernator, sigan, urug', qabila.

Маттиев Уткир Бегматдулович,
независимый соискатель кафедры историографии и источниковедения,
Самаркандский государственный университет

ИСТОРИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АФГАНСКОГО НАРОДА, ЖИВШЕГО В XIX И XX ВЕКАХ В СРЕДНЕЙ АЗИИ

АННОТАЦИЯ

В статье основное внимание уделяется на историю прибытия афганских граждан на территорию Центральной Азии и их деятельности. В процессе исследования работы из использованной литературы и других источников стало известно, что

локализованный афганский народ начал играть большую роль в социально-экономической, культурной и политической жизни края.

Взгляды афганских граждан, которые приехали в нашу страну на культуру и политические процессы нашей страны, служат важным источником для изучения политической жизни XIX - XX веков.

Ключевые слова: этнический процесс, аборигены, нация, англо-русское соперничество, губернатор, цыган, род, племя.

Mattiyev O'tkir Begmatdullobovich,

an independent researcher of the
Department of History and source studies of SamSU

HISTORICAL COVERAGE OF THE ACTIVITIES OF AFGHAN CITIZENS LIVING IN CENTRAL ASIA IN THE 19TH AND 20TH CENTURIES

ANNOTATION

This article illustrates the history of the arrival of Afghan citizens in Central Asia and their activities here. It is possible to know from the source used in this research paper that the localized Afghan people played an important role in the socio-economic, cultural and political life of the region's population. The views of Afghan citizens who came to our country on the people, culture and political processes serve as an important source for studying the political life of the 19th and 20th centuries.

Key words: ethnic process, aboriginal, nation, english russian rivalry, governor, signan, tribe

Мarkaziy Osiyo, jumladan, Vatanimiz ko'p millatli mamlakatdir. O'tmishda tili, madaniyati, urf odati, dini bir biriga yaqin mintaqa xalqlari savdo-iqtisodiy, siyosiy, madaniy aloqalar olib borganlar. Ushbu tadqiqot ishida xuddi shunday xalqlardan biri bo'lgan afg'on xalqining mamlakatimiz hududiga kelib qolish tarixi qisqacha yoritib o'tiladi.

Davlatimizning janubida joylashgan Afg'oniston aholisining yoki afg'on millatiga mansub fuqarolar Buxoro amirligida, Xiva xonligida, Turkiston general gubernatorligining Sirdaryo, Samarqand, Farg'ona, Kaspiyorti viloyatlarida istiqomat qilgan bo'lib, o'lka aholisining ijtimoiy-iqtisodiy hayotida muhim rol uynagan. Ular, ayniqsa Afg'oniston, Eron, Hindiston bilan bo'ladigan savdo-iqtisodiy aloqalarda muhim rol o'ynagan.

S.N.Abashin o'zining "Национализм в Средней Азии" nomli ishida ko'p etnik tarkiblilik haqida fikr bildirib, ko'p etnik tarkiblilikning siyosiy barqarorlikni ushlab turishga ta'siri haqida fikr bildiradi. Chunonchi, Markaziy Osiyo davlatlari tarkibidagi asosiy xalqlar va kamsonli millatlar haqida fikr bildiriladi. Asarning tadqiqotimiz uchun ahamiyatli jihati mintaqadagi xalqlarning Afg'oniston bilan olib borgan aloqalaridir. Masalan, Qalmoqlarning XVIII asr oxirida Afg'oniston hukumati poytaxti Qobul shahriga borishi haqida fikr bildiriladi. [5,C.49]. Shuningdek, asarda I.P.Magidovichning Markaziy Osiyoda yashovchi xalqlarni milliy til belgisiga qarab 3 guruhga bo'lishi (Turkiy tillarda suzlashuvchilar, Eroniy tillarda suzlashuvchilar va semit tilida suzlashuvchilar) hamda afg'onlar eroniy tillarda suzlashuvchi xalqlar sifatida O'rta Osiyo xalqlari qatorida tilga olinishi haqida tuxtalib o'tilgan [5].

Farg'ona vodiysida yashovchi afg'onlar ham o'lkaga Rossiya bosqinidan keyin kelib qolmasdan, hududda avvaldan yashab kelgan. Ular Qo'qon xonligining Afg'oniston bilan savdo iqtisodiy hamda harbiy aloqalarida muhim rol uynagan. Quqon xonligi (keyinchalik Farg'ona viloyati)da yashagan afg'on fuqarolarininng tarixini o'rganish jarayoniga e'tibor asosan XIX asrning 2-yarmidan qaratila boshlagan bo'lib, buning sababini mustamlakachilik manfaatlaridan kelib chiqqan holda o'rganish deb izohlash mumkin. Tadqiqotchi olim S.S.Gubayevaning Farg'ona vodiysi etnografiyasi bo'yicha olib borgan tadqiqotlarini e'tirof etgan holda aytish mumkinki, uning tadqiqot ishlari natijalari Farg'ona mintaqasi etnografiyasi uchun muhim manba hisoblanadi. Tadqiqotda asosiy e'tibor Vodiy aholisidan asosan o'zbeklar, tojiklar, qirg'izlarga katta e'tibor qaratilgan. Ularning kiyinishi, urf-odati haqida gap ketgan. Afg'oniston bilan esa asosan savdo aloqalari mavjudligiga e'tibor qaratilgan. Shuningdek, Farg'ona vodiysida yashovchi eroniy tillarda so'zlashuvchi "aborigen" xalqlar haqida gap ketadi, lekin ularning aynan afg'on millati ekanligini aytib o'tmagan. Shuningdek, olim Farg'ona vodiysida yashovchi arab, dungan tatar, hind millatiga mansub xalqlarning sonini aniq foizlarda ko'rsatib o'tadi. [11,C.261]. 1947 yilda nashr etilgan "История народов" nomli tuplamda esa sigan millati deb atalgan etnik guruh tarkibida "afgani" millati haqida so'z yuritilgan.Olim Tishkov V.A. uzining "Расы и народы" nomli asarida esa O'rta Osiyo ayniqsa Quqon xonligida istiqomat qiluvchi millatlar qatorida Afg'on xalqlari haqida ham statistik ma'lumot beriladi. Asarning ahamiyatli tomoni shundaki, rus tadqiqotchilarining etnografik ma'lumotlari bilan birgalikda xorijiy etnograf, tadqiqotchi va sayyohlarning bergan ma'lumotlarini ham taqqoslab o'tadi. Jumladan Qo'qon xonligi hududida yashagan 100 nafar afg'on xalqi haqida ma'lumot berib o'tadi.[8,C.265]

Manbalarda Buxoro amirligi va Afg'oniston o'rtasidagi aloqalar haqida iqtisodiy, siyosiy va madaniy -savdo aloqalariga oid ma'lumotlar ham uchraydiki, bu ma'lumotlar alohida tadqiqot ishini talab etadi. XVIII asr o'rtalaridan to asr oxirigacha bo'lgan davrda Afg'oniston davlatining keng bosqinchilik urushlarini olib borishi va Buxoro amirligida ichki nizolarning mavjudligi natijasida davlatlararo munosabat buzilib borgan. Manbalarda Afg'on amiri Temurshohning Buxoro amirligiga 100 ming kishilik qushin bilan bostirib kelganligi haqida ma'lumotlar uchraydi. Ikkinchi jahon urushidan so'ng nashr qilingan "История народов" nomli tuplamda O'rta Osiyo hududda istiqomat qilgan afg'on xalqlari haqida ancha keng ma'lumot beradi.Jumladan.Afg'onlarning asosan Buxoro amirligi hududida yashaganligi, Xiva armiyasida afg'onlarning Jamshid urug'i xizmat qilishi, Xiva xonining afg'on amirligi taxtiga o'z vakilini o'tqazishi, Rossiya Afg'oniston aloqalari, Amir Abdurahmonning qochoqlik davri, uning Toshkentda yashashi, Kushkada ingliz ofitserlari boshchiligida afg'on-rus (Gubernator Komarov) urushi, Ionov boshchiligidagi Kazaklarning Pomirga yurishi haqida ma'lumot beradi. [7,C.990]

Olim V.N.Shkunov ham bu borada shunga o'xshash fikrni bildiradi. Uning bergan ma'lumoti bo'yicha Afg'onistondan O'rta Osiyo bozorlariga keltiriladigan mahsulotlar va Rossiyadan xonliklar orqali Afg'onistonga chiqariladigan mahsulotlar haqida gap ketadi. Shuningdek, muallif o'z tadqiqotida aynan savdo masalalari sababli Buxoroda yashayotgan 2000 ming atrofidagi afg'on fuqarolariga to'xtalib, ularning kelish sababini 1819 yildan so'ng boshlangan notinchliklar deb aytib o'tadi. Bundan tashqari Afg'oniston va O'rta Osiyo masalasida yuzaga kelgan Ingliz-rus raqobati xususida ham ma'lumotlar mavjud. [9]

Rus geografiya jamiyatining a'zosi V.P.Semyonov-Tyanshanskiy tadqiqotlari O'rta Osiyoda yashagan afg'on xalqlari tarixini o'rganish uchun muhim manba hisoblanadi. Jumladan uning tadqiqotlaridan xalqaro aloqalar sifatida Vitkevich ekspeditsiyasi, Qavcuddinxon va Komarov o'rtasidagi Kushka jangi, Afg'on-Xitoy chegarasi, 1907 yilgi ingliz-rus kelishuvi haqida ma'lumot olishimiz mumkin. Tadqiqot obyekti sifatida esa Markaziy

Osiyoda yashagan afg'on xalqlari haqida qiziqarli ma'lumotlarni berib o'tgan. Eroniy tilda so'zlashuvchi xalqlar sifatida afg'onlarni Buxoro amirligida 0,4 %, Xiva xonligida 0,6% ni tashkil etishi, Qo'qon shahri yaqinida afg'on qishlog'i mavjudligi, Panj qala'asi atrofida ham afg'on qishlog'i mavjudligi, shulardan Farg'onada yashovchi afg'onlarning mahalliy sharoitga juda moslashgani, Murg'obda tashkil etilgan manzilgohda rus, fors, arman, yevrey, sart, gruzin, tatar, tekin, nemis va boshqa xalqlar qatorida bu yerda afg'on xalqi yashashi, Samarqand va Kaspiyorti viloyatida 600 nafar atrofida afg'onlar yashashi hamda ularning General -Gubernatorlik bilan Afg'oniston o'rtasidagi savdo aloqalarida muhim rol uynaganligi haqida ma'lumotlar berib o'tilgan. Masalan, Afg'onistondan 2.753.061 rubllik tovar keltirilib, Afg'onistonga 3.014.997 rubllik tovar chiqarilgani qayd etiladi. V.P.Semyonov-Tyanshanskiyning bunday qimmatbaho ma'lumotlari vatanimiz hududidagi afg'on xalqlari tarixini o'rganishda bebaho manbalardan biri hisoblanishi shubhasizdir. [6, C.875]

M.P.Galkin "Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю" nomli ilmiy hamda tadqiqotchilik asarini yaratdi. Asarda tilga olingan voqealar O'rta Osiyoning Rossiya Imperiyasi tomonidan bosib olingungacha bo'lgan davriga taaluqli bo'lib, unda ingliz elchilari Abbot va Shekspining O'rta Osiyoga kelishi hamda ularni kuzatib kelgan afg'on fuqarolarining bergan ma'lumotlari joy olgan. Jumladan, Sametxon Muxammetxonov esdaliklari, Mirza Abdusamat Megemetaliyevning xotiralari, Oллоhqulixon va Abbot o'rtasidatarjimonlik qilishi, Ali-Muhammad Shari povning (Yusufzay urug'i vakili), Hoji Muhammad Mulla Raxmonovning, Mahmud Ismoilovning, Yakup Yusufovning, Nizamedjika Nurmagamedovning, Xudoyberdi Kasim ali Bekovning kuzatuvchilik vaqtidagi xotiralari keltirilib o'tilgan. [1, C.376]

Afg'on davlatining Xiva Xonligi bilan aloqalari ham iqtisodiy, siyosiy va harbiy nuqtai nazarda bo'lgan. "Народы мира" nomli mualliflar jamoasi tomonidan yaratilgan etnografik ocherk Xiva xonligi va Afg'oniston aloqalarini yoritishda muhim manba sanaladi. Mualliflar ushbu asarda Xiva xonligidagi qullar orasida fors, afg'on, ruslar borligi haqida ma'lumot berib o'tgan. Shuningdek, asarda 1883 yilda Shug'non, Rushon, Vaxon, Pomirning bir qismini afg'onlar tomonidan bosib olinishi va bu davrning mazkur hudud aholisi uchun og'ir davr bo'lganligi haqida, afg'on milliy liboslari, jumladan, voskat haqida ma'lumot berib o'tgan. Asarning tadqiqot ishimiz uchun qiymati shundaki, Markaziy osiyoda afg'on milati yashashi va Afg'oniston bilan aloqalar mavjudligi tog'risida qimmatli ma'lumotlar berib o'tiladi. [3, C.792]

XIX asr boshlarida Ahmadshoh Durroniyning nevaralari o'rtasidagi taxt uchun kurashlar mamlakatda parokandalikni keltirib chiqardi. Katta yer mulk egalari shahzodalarni qullab - quvvatlab Ahmadshoh imperiyasini toju- taxt kurashlari girdobiga tashladi. Shu vaqtda Afg'onistonda tinchlik o'rnatish, hokimiyatni mustahkamlash va uni egallash uchu Barakzay qabilasi yetakchilari Fathxon va uning ukasi Do'stmuhammadxon faoliyati diqqatga sazovordir. Lekin ular ham har doim g'alabaga erishaverishmagan. Masalan M.P.Galkin asarlarida Do'stmuhammad ichki kurashlarda mag'lubiyatga uchrab, dastlab Balxga so'ngra Buxoroda yashaganligi haqida ma'lumot uchraydi.[1, C.376]

Afg'on amiri Do'stmuhammadxon 1826 yilda yangi sulolaga asos solib, Afg'on davlatchiligi tarixida yangi sahifani boshlab bedi. U imkoniyat darajasida davlat yaxlitligini saqlashga, qaramlikka tushib qolmaslikka harakat qildi. Maqsadlari yo'lida qabilalararo nizolardan , uzaro urushlardan, buyuk davlatlar o'rtasidagi kelishmovchiliklardan foydalanishga harakat qildi. 1838-1842 yillarda bo'lib o'tgan birinchi ingliz - afg'on urushida inglizlarni mag'lub etdi. Bu borada uning o'g'li Akbarshoh ham o'zining munosib hissasiga ega. Birinchi ingliz- afg'on urushida mag'lubiyatga uchragan Buyuk Britaniya mag'lubiyatga

indamay rozi bo'luvchi toifadagi davlat bo'lmaganligi sababli Afg'onistonni endi har xil iqtisodiy va harbiy shartnomalar bilan o'z to'riga o'rab ola boshlagan. 1863 yilda Amir Do'stmuhammadxon vafot etgach, Sheralixon taxtga chiqdi. Asosiy taxt vorislari Muhammad Afzalxon va Muhammad A'zamxonlar unga buysunishni istamadi. Shundan so'ng taxt uchun kurashlar kuchayib sobiq Amir Afzalxonning o'g'li sardor Abdurahmon dastlab Eronga, so'ngra Eron shohining ruxsati bilan Xiva xonligiga yo'l oladi. Xivada 20 kun atrofida turib Buxoro amirligiga keladi. Buxorodan 1870 yil boshida 200 kishidan kuproq odamlari qurshovida Turkiston general gubernatorligiga qarashli Samarqand shahriga kirib keladi. Turkiston General gubernatorligi sardor Abdurahmonxondan o'zlarining siyosiy maqsadlarida foydalanishga harakat qilgan.

Mazkur davr voqealarini yoritishda "Кауфманский сборник" muhim manba hisoblanadi. To'plamning ahamiyatli jihati shundaki, Afg'onistonda Do'stmuhammadxon vafotidan so'ng boshlangan toju -taxt uchun kurashlarda mag'lubiyatga uchragan Sardor Abduraxmonxonning Samarqanda siyosiy muhojir sifatida yashashi va uning K.P.Kaufman bilan olib borgan yozishmalari hamda Sardor Abduraxmonxonning Kaufman bilan kelishgan holda Afg'oniston hududiga qochib o'tib hokimiyatni egallashiga katta joy ajratilgan. To'plam ma'lumotlari Samarqandda yashagan afg'on millatiga mansub xalqlar tarixini o'rganishda katta ahamiyat kasb etadi. [2, C.247] Mazkur jarayonni, ya'ni mintaqaga afg'on xalqlarining kelib yashay boshlashini o'rganishda tadqiqotchi olimlardan L.N.Sobolyevaning ilmiy izlanishlari ham muhim ahamiyat kasb etadi. U Zarafshon okrugida yashovchi xalqlar ro'yxatini shakllantiradi. L.N.Sobolyevaning ushbu tadqiqot ishi Zarafshon okrugi haqida bo'lib, Zarafshon okrugining aholisi tarkibi va ularning mashg'uloti haqida ma'lumotlar berib o'tadi. L.N.Sobolyeva Xoroshxinning xalqlar ro'yxatini mavjud o'zbek qabilalari bilan taqqoslashtiradi. Xanikov N. ruyxatida 97 ta o'zbek qabilalari keltirilgani haqida ma'lumot beradi. L.N.Sobolyeva tadqiqotlarida okrugda yashovchi eroniy tilli xalqlar, yevropaliklar, siganlar haqida ma'lumot beradi. Hind millatiga mansub xalqlarning mavjudligini ta'kidlaydi, ammo afg'on qabilasi nomi uning ro'yxatida uchramaydi. [4] Yuqorida olimlarning afg'onlarni eroniy tilli oilalarga mansubligi, siganlar tarkibida tilga olinishi va qolaversa statistik idoralarning hali to'laqonli shakllanmaganligini hisobga oladigan bo'lsak L.N.Sobolyeva tadqiqotlari kishida birmuncha shubha uyg'otadi. Tarixchi olim T.S.Saidqulov o'zining "Samarqand XIX asrning ikkinchi yarmi va XX asr boshlarida" deb nomlangan monografiyasida Amir Dustmuhammadxon, Sardor Abduraxmon, Ishoqbek va Iskandarbek singari Afg'oniston siyosiy hayotida muhim rol uynagan shaxslarni keltirib o'tgan. Samarqand tarixiga bag'ishlangan ushbu asar Samarqand hududida yashagan afg'on muhojirlari haqida ham ma'lumot berib o'tadi.

Xususan. XIX asrda Rossiya imperiyasi va Angliya o'rtasida Afg'oniston va Xonliklar uchun kurash kuchaydi. Oqibat shu bo'ldiki, diplomatic jarayonlar Rossiya imperiyasi foydasiga hal bo'ldi. Xonliklardan umidini uzmagani Angliya Afg'onistonni xonliklarga qarshi gij-gijladi. Natijada, 1859 yilda Do'stmuhammadxon Buxorodan Shahrisabzni, Qo'qondan O'ratepani talab qildi. Maqsadiga erisha olmagan bo'lsada, Karki va Chorjo'y qal'alariga ega bo'ldi. Asarda shuningdek, afg'on taxt vorisi Ishoqxon va uning Urgutdagi faoliyati va boshqa afg'on muhojirlari. Qolaversa XIX asr o'rtalaridagi Xonliklar va Afg'on amirligi o'rtasidagi kelishmovchiliklar. Buxoro armiyasi safidagi Afg'on taxt vorislaridan biri Iskandarbekning Rossiya imperiyasi bosqinchiliriga qarshi kurashga qo'shgan hissasi haqida qiziqarli ma'lumot berib o'tadi. [10, C.129]

Yuqorida keltirilgan fikrlarimizga xulosa yasar ekanmiz, aytish mumkinki mazkur mavzuning tarixshunoslikda yoritilishi, o'rganilishi darajasi kam va bu jarayon kelajakda yangidan yangi tadqiqotlarni talab etadi. XIX asr o'rtalarida kuchayib ketgan buyuk

davlatchilik shobinizmi yoki faol kolonial siyosat sababli Afg'oniston ham O'rta Osiyo ham nazardan chetda qolmasdan keng istilochilik maydoniga aylanib qoldi. Iqtisodiy qoloqlik, Davlat boshqaruv tartiblarining o'zgarishsiz qolishi, mashinalashgan sanoatning yo'qligi oqibatida harbiy soha ham rivojlanmadi. Afg'oniston ham harbiy jihatdan qoloq bo'lsada lekin amir Abdurahmon davrida harbiy sanoatni rivojlantirishga e'tibor qaratilganki, bu mavzuga kelgusi tadqiqotlarimizda keng o'rin ajratamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Галкин-Враской, Михаил Николаевич. Этнографические и исторические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю / [соч.] М. Н. Галкина. - СПб., 1868. - [4], 336 с. (Galkin-Vraskoy, Mikhail Nikolaevich. Ethnographic and historical materials on Central Asia and the Orenburg Territory / [op.] M. N. Galkina. - SPb., 1868. - [4], 336 p.)

2. Кауфманский сборник, изданный в память 25 лет, истекших со дня смерти покорителя и устроителя Туркестанского края ген.-ад. К.П. фон-Кауфмана И.М. - Москва: Типография Т-ва И.Н.Кушнерев 1910г. LXXXIV, 248с. (Kaufman collection, published in memory of 25 years that have passed since the day of the death of the conqueror and organizer of Turkestan Territory Gen.-ad. K.P. von-Kaufman I. M. - Moscow: Printing House of I.V. Kushnerev, 1910 LXXXIV, 248s.)

3. Толстов С.П. (ред.) Народы Средней Азии и Казахстана в 2 т. -Москва: Издательство Академии наук СССР, 1962-1963 - Т.1 -791 с., Т.2. - 797 с. (Tolstov S.P. (Ed.) The peoples of Central Asia and Kazakhstan in 2 volumes. Moscow: Publishing House of the Academy of Sciences of the USSR, 1962-1963 - Vol. 1 -791 pp., Vol. 2. - 797 p.)

4. Соболев Л.Н. Географический и статистические сведения о Зеравшанском округе. С приложением списка населенных мест. СПб, 1874. 584 стр. (Sobolev L.N. Geographical and statistical information about Zeravshan district. With the application of the list of populated places. St. Petersburg, 1874.584 p.)

5. Абашинов С. Национализм в Средней Азии: в поисках идентичности. Санкт-Петербург: Алетейя, 2007. -304 с. (Abashinov S. Nationalisms in Central Asia: In Search of Identity. St. Petersburg: Aletheia, 2007. -304 p.)

6. Семенов В.П., Семенов-Тянь-Шанский П. П., Ламанский. Россия В.И. Полное Географическое описание. -Санкт-Петербург: Издание А.Ф.Девриена, 1899-1914. - 6000 с. (1913. 875 с.) (V.P. Semenov, P.P. Semenov-Tyanshansky, V.I. Lamansky. Russia. Full geographic description. -Saint Petersburg: Edition by A.F.Devrien, 1899-1914. - 6000 s. (1913.875 p.))

7. Тревер К.В., Якубовский А.Ю., Воронец М.Э. История народов Узбекистана. 2 тома. -Ташкент: Изд. АН УзССР, 1950. - 990 с. (Trever K.V., Yakubovsky A.Yu., Voronets M.E. The history of the peoples of Uzbekistan. 2 volumes. - Tashkent: Publishing House Uzbek Academy of Sciences, 1950. -- 990 p.)

8. Тишков В.А. (отв.ред.) Расы и народы. Современные этнические и расовые проблемы. Ежегодник. Вып. 24. -Москва: Наука, 1998. - 311 с. (Tishkov V.A. (ed.) Races and peoples. Modern ethnic and racial issues. Yearbook. Vol. 24. -Moscow: Nauka, 1998. - 311 p.)

9. Shkunov V.N. Rossiya va Afg'onistonning O'rta Osiyo bozorlaridagi savdo aloqalari (Izvesti Samarskogo nauchnogo sentra Rossiyskiy akademii nauk. T.10. №4.2008)

10. Саидкулов Т.С. Самарканд во второй половине 19 - начале 20 веков

Самарканд, 1970. - Б.129. (Saidkulov T.S. Samarkand in the second half of the 19th - early 20th centuries Samarkand, 1970. - P.129.)

11. Губаева С. Ферганская долина. Этнические процессы на рубеже XIX-XX вв. LAP Lambert Academic Publishing (2012-03-26) -260 с. (Gubaeva S. Ferghana Valley. Ethnic processes at the turn of the XIX-XX centuries. LAP Lambert Academic Publishing (2012-03-26) -260 P.)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Файзуллаева Мавлюда Ҳамзаевна,
Термиз давлат университети,


Жаҳон тарихи кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди

Ёрматов Фахриддин Жойловович,

Термиз давлат университети,
Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси,
тарих фанлари номзоди

ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ИРРИГАЦИЯ ИНШОТЛАРИ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ РОССИЯ ШАРҚШУНОСЛАРИ ТАЛҚИНИДА

***For citation:** Fayzullaeva Mavlyuda Khamzaevna, Yormatov Fakhriddin Joylovovich. Russian Orientalists interpret the ingenuity of our people in the field of irrigation. 2019, vol. 25, issue 2, pp. 25-28*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-26-04>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Шарқий Бухоро ҳудудининг тоғли зоналарида ишлатилган ирригация иншоотлари ҳақидаги Д.Н.Логофетнинг келтирган батафсил тарихий маълумотлари мисолида Ўзбекистон ҳудудида сувчиликнинг ривожланиш тарихи борасида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Логофет, шарқшунос, Бухоро амирлиги, беклик, кориз, қудуқ, сардоба, чигир, ҳовуз, Хўжаипок

Файзуллаева Мавлюда Ҳамзаевна,

кандидат исторических наук, доцент
Термезского государственного университета,
кафедры всемирной истории

Ёрматов Фахриддин Жойловович,

кандидат исторических наук, доцент
Термезского государственного университета,
кафедры всемирной истории

ОПЫТ ТУРКЕСТАНСКИХ НАРОДОВ ПО ИРРИГАЦИОННЫМ СООРУЖЕНИЯМ В ИНТЕРПРЕТАЦИИ РОССИЙСКИХ ВОСТОКОВЕДОВ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена истории развития ирригационных систем использованных в горных областях Восточной Бухары на основе исторических фактов приведённых Д.Н. Логофетом

Ключевые слова: Логофет, востоковед, Бухарский эмират, стабильность, колодец, цистерна, дымоход, бассейн, Ходжаипок

Fayzullaeva Mavlyuda Khamzaevna,

Candidate of historical sciences associate of professor
of the Termez state university
department of world history

Yormatov Fakhriddin Joylovovich,

Candidate of historical sciences associate of professor
of the Termez state university
department of world history

EXPERIENCE OF TURKESTAN PEOPLES ON IRRIGATION STRUCTURES IN THE INTERPRETATION OF THE RUSSIAN EAST ORGANIZERS

ANNOTATION

The article is devoted to history of irrigation systems development used in the mountainous regions of Eastern Bukhara on the basis of historical facts cited by D.N. Logofet.

Key words: Logofet, orientalist, emirate of Bukhara, stability, well, cistern, chimney, pool, Khojai pok

Юртимизда жуда катта тарихий мероснинг мавжудлиги, бу диёрда қадимги суғориш иншоотлари, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, моддий ва маънавий маданият осори-атиқалари дунё олимларини ҳали-ҳанузгача диққатини жалб этиб келади. Бу кўҳна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган сув иншоотлари, ўзининг кўрку-тароватини сақлаб келаётган осори-атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, бундан бир асрдан ҳам илгари ёзилган тарихий, тарихий-этнографик, тарихий-географик асарларга мурожаат қилсак, юртимизда сув иншоотларининг яхши йўлга қўйилганлиги, жумладан, чархпалак (сув чифир), кориз, сардоба, қудуқ, ҳовуз, каналлар қурилиб, сув танқислиги чоралари кўрилганлиги, бир томчи сувни ҳам исроф қилинишига йўл қўйилмаганлигига гувоҳ бўламиз ва ота-боболаримизнинг топқирлигига яна бир бор амин бўламиз.

XIX аср охирларида Россия империяси истилосидан кейин Россия ҳукумати

ва Бухоро Амирлиги ўртасида тузилган шартномага кўра Бухоро амирлигига қарашли Амударё соҳиллари бўйлаб рус манзилгоҳлари барпо этиш, руслар ва уларнинг кемалари бемалол ҳаракатланиши кўзда тутилган эди. Ана шу даврда Бухоро амирлигининг сарҳадларини, ижтимоий-иқтисодий, маданий-хўжалик тизимини ўрганишга киришган рус шарқшунослари, тарихчилар, саёҳатчилар, ҳарбийлари томонидан битилган манбалардан қизиқарли маълумотларни билиб оламиз.

Жумладан, Д.Н.Логофетнинг "В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии" асарида Шарқий Бухоро ҳудудидаги тоғ қишлоқларида кориз тизимидан яхши фойдаланилганлиги ҳақида батафсил маълумот берилади. Бухородан Қаршига кетадиган йўлда (Д.Н.Логофет Қарнаб чўли деб атайди) Амир Темур ва Абдуллахон даврида савдо карвонларига ва маҳаллий халққа қулайлик яратиш мақсадида қудуқ ва коризлар қурилишига кўп маблағ ажратилиб, тош ва гиштдан ўз усталари қурганлар.

Шуниси қизиқки, чучук сувли қудуқлар билан бирга шўр сувли қудуқлар ҳам бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан ичилаверар, шундай қудуқлардан бири Шўрқудуқ сувидан сурув-сурув қўй-эчки ва туяларини суғоришар экан[1,С.8]. Йўлини давом эттирган саёҳатчилар Карнак қишлоғидаги Ёлгон коризига дуч келишиб, унинг тоғ бағридан келаётган муздек сувидан ичишиб, ҳайратланишади.

Тарихчи олим Эшболта Қобулов коризга шундай таъриф беради: Кориз оқар қудуқ, яъни ер ости сув қурилмаси, илк коризлар милоднинг бошларида қазилган. Кориз қазилганда мураккаб техника асбоби устурлобдан, шунингдек, чуқурлашиб боргани сайин чиғириқдан ҳам фойдаланишган. Айрим коризларнинг узунлиги 3 км гача борган. Чуқурлиги баъзан 15 метргача етадиган қудуқлар махсус бирлаштирилади. Шеробод беклигига кирувчи тоғ қишлоқларидан Лайлагон, Оқтош, Фоз, Чорбоғ қишлоқлари деҳқончилигида кориз қудуғи сувлари жуда қўл келиб, 7-8 тадан кориз бўлган ва Зиндон кориз, Қизилбой кориз, Толкориз, Култепа кориз, Ёмон кориз каби номларга эга бўлган. Зиндон кориз - коризлар ичида энг чуқури бўлгани учун шундай аталган[2,Б.153-154].

Шунингдек, Бурдалиқ қишлоғидаги сув чиғирларининг туя ёрдами билан ҳаракатланишини, айланаётган чархпалакка маҳкамланган сопол кўзачалар сувни ариқдан чиқариб, новга тўкишини ва новдан экинга борадиган жўякларга тарқалишини батафсил ёритади. Маълумот учун айтиш керакки, чиғир - сув кучи билан айланадиган, каналлардан ариқларга сув чиқарадиган мослама бўлиб, Ўрта Осиё ҳудудида кенг тарқалган ва суғориш учун жуда муҳим ҳисобланган. У Хоразм ҳудудида чиғир деб, Бухоро, Тошкент ва Фарғона ҳудудларида чарх деб аталган[3,Б.198].

Ҳамроҳлари билан йўлда давом этаётган Д.Н.Логофет Малик чўлидаги Сахий об қудуғи ёнида дам олишиб, Бурдалиқ қишлоғи яқинидаги Тошоҳур қудуғига йўл олишади ва ўртада Қарши яқинидаги Қақир сардобасига етиб келишади. Сардобага таъриф берадиган бўлсак, қудуқ ёки ҳовуз устига пишган гиштдан баланд қилиб, гумбазсимон шаклда қурилган иншоот бўлиб, унга зиналар орқали тушилган. Ҳаво айланиши яхши бўлгани учун жазирама иссиқда ҳам сардоба ичи салқин, суви эса ниҳоятда муздек бўлган. Сардобалар асосан, карвон йўлларида қурилган.

Қор ва ёмғир сувларининг оқиб келишига мослаштирилган ҳамда усти ёпиқ бўлгани учун суви буғланиб кетмайдиган бу сув иншоотининг муздек сақланиб турган сувидан баҳраманд бўлган саёҳатчилар халқнинг топқирлигига тан берадилар.

Улар сувнинг бир томчисини ҳам исроф қилинмаганлигини кўра туриб, бир воқеа сабаб, сувнинг халқ орасида қанчалар муқаддас саналишига ҳам гувоҳ бўладилар. Қарама-қарши томондан келаётган карвон сардобада тўхтади ва одамлар дарҳол отларидан тушиб, қудуқни чўкиб қолган чиқиндилардан тозалай бошлайдилар. Улар нега бундай қилишяпти? - деб сўраган Д.Н.Логофет ва унинг ҳамроҳларига йўлбошловчи шундай жавоб беради: Одамлар савоб олиш мақсадида ва қилган гуноҳ ишлари учун сувни тозалайдилар. Ҳаммага яхши, одамлар гуноҳларидан покланадилар, қудуқ ҳам тоза бўлади.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Кўҳитанг дарёси водийсидаги Хўжа Ипок қадимдан яқин атрофдаги аҳолига ўзининг шифобахш булоғи билан таниш бўлган ва баҳор фаслидан бошлаб то ёз бўйи одамлар чор атрофдан ўзларининг турли касалликларига шифо топиш учун келганлар. Бу ҳақда рус шарқшуноси Д.Н.Логофет ҳам алоҳида таъриф бериб ўтади. Ҳисор тоғи этакларидаги қишлоқда, тоғ кўйнидан оқиб чиқаётган булоқлардан оқиб тушаётган чучук сувлардан унча катта бўлмаган кўлча ёки катта ҳовуз ҳосил бўлган. Ҳовузнинг иссиқина суви тубидан доим булоқлар қайнаб чиқиб туради. Кучли нам ҳиди ва атрофларини туз қоплаган бу ҳовуз яшил-кулранг кўриниш тус олган. Ҳовуздан яна ирмоқчалар водий бўйлаб оқиб тушади ва анҳор ҳосил қилади дея таъриф бериб ўтади. Саёҳати давомида ўз кўзлари билан гувоҳ бўлиб турган Д.Н.Логофет "Доим шундай шифо излаб келувчилар сони кўпми?", деб сўрайди ҳамроҳлик қилиб келаётган амлоқдордан. "Жуда кўп. Қарши, Фузор, Келиф бекликларидан жуда кўп одамлар шифо излаб келишади", деб жавоб беради амлоқдор. Шунда уларга ҳамроҳлик қилиб келаётган рус полковниги ўйланиб қолади ва "Рус аскарларимизни шу ерга олиб келиб даволатсак бўлар эканку, минглаб верст узоқликдаги Пятигорскка юборгандан кўра анча арзон тушадику, Термиз ва Керки ҳарбий гарнизонларидан атиги 180 верст узоқликда экан, шундай табиат инъомидан албатта фойдаланишимиз керак", дейди.

Демак, одамзод тирикчилигининг манбаи бўлган оби ҳаётни сақлаш, эҳтиётлаш, ифлослантирмаслик, тежаш ва у билан боғлиқ эътиқодий қарашларни ҳамда халқимизнинг ирригация иншоотлари борасидаги топқирликлари ҳақида рус шарқшунослари, тарихчилар, саёҳатчилар, ҳарбийлари томонидан битилган тарихий манбалардан ҳам билиб олиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Логофет Д.Н. Очерки Бухары. В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии. -Москва: Печатня А.И.Снегиревой, 1912. - С. 8. (Logofet D.N. Essays on Bukhara. In a forgotten country. Travel Essays in Central Asia. -Moscow: Pechatnya A.I. Snegireva, 1912. - P. 8.)
2. Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги. -Тошкент: Академнашр, 2012. - Б. 153-154. (E. Kabulov. Surkhon oasis farm. -Tashkent: Academy, 2012. - P. 153-154).
3. Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. -Тошкент: Академия, 2002. - Б. 198. (Choriev Z. A Brief Annotated Dictionary of History Terms. -Tashkent: Academy, 2002. - P. 198).

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ярматов Ойбек Шайманович,
Тошкент Ахборот технологиялари университети
Самарқанд филиали академик лицейи тарих фани ўқитувчиси

ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИ ВА ҲИНДИСТОН ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

For citation: Yarmatov Oybek Shaymanovich. The history of diplomatic relations between uzbek khanates and India. 2019, vol. 26, issue 2, pp. 29-35



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-26-05>

АННОТАЦИЯ

Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги халқаро алоқалар дипломатия тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, XV-XVI асрларда ривожлана бошлади. Икки ўртадаги алоқалар айниқса, Абдуллахон II ва Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврида юқори нуқтага кўтарилган. Ушбу мақола Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги халқаро муносабатларга бағшланади.

Калит сўзлар: Бобурийлар сулоласи, Бухоро хонлиги, Аштархонийлар сулоласи, элчилик алоқалари, ҳинд савдогарлари, Сафавийлар давлати

Ярматов Ойбек Шайманович,

учитель истории Академического лицея
Самаркандского филиала Ташкентского университета
информационных технологий

ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ УЗБЕКСКИМ ХАНСТВОМ И ИНДИЕЙ

АННОТАЦИЯ

Международные отношения между Центральной Азией и Индией были важны в истории дипломатии и начали развиваться в 15-16 веках. Отношения между двумя сторонами достигли апогея во время правления Абдуллы II и Акбаршаха. Эта статья посвящена международным отношениям между Центральной Азией и Индией.

Ключевые слова: династия Бабуридов, Бухарское ханство, династия

Аштарханидов, дипломатические связи, индийские торговцы, государства Сефевидов.

Yarmatov Oybek Shaimanovich,
history teacher of the academic lyceum Samarkand branch Tashkent
University information technologies

THE HISTORY OF DIPLOMATIC RELATIONS DEVELOPMENT BETWEEN UZBEK KHANATES AND INDIA

ANNOTATION

International relations between Central Asia and India were important in the history of diplomacy and began to develop in the 15-16 centuries. The relationship between the two parties reached its peak during the reign of Abdullah II and Akbarshah. This article focuses on international relations between Central Asia and India.

Key words: Baburid dynasty, Bukhara khanate, Ashtarkhanid dynasty, diplomatic relations, Indian merchants, Safavid states.

Ўзбекистон дунёнинг қадим маданиятига эга давлатларидан бирidir. Ўрта Осиё ижтимоий-иқтисодий воқеалар таъсирида қўплаб халқларнинг тақдирлари тўқнаш келган ўлка ҳисобланади. Тарихшунослик-манбашунослик илмий изланишлар доирасида Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги дипломатик алоқаларни ўрганиш илмий изланиш соҳаларидан ҳисобланади. Тарихий ёзма манбаларда ҳиндистонликлар эрамининг I-III асрларида Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларини Кушон империяси таъсирида бўлиши ва "Буюк ипак йўли"нинг ривожланиши оқибатида Ҳиндистон фуқароларининг Туркистон халқлари билан муносабатлари яқинлашишига олиб келди. Бу муносабатлар дастлаб иқтисодий алоқаларда, сўнг маданий ва сиёсий алоқаларда ўз ифодасини топган. [3, Б.96]

Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий алоқалар ҳам узоқ тарихга эга бўлиб, бу халқлар оғир сиёсий даврларда ҳам ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилган. Бундай сиёсий ҳамжиҳатликка, айниқса, Чингизхон босқини даврини мисол қилишимиз мумкин. Мўғуллар Ўтроқ, Самарқанд ва Ўрта Осиёнинг бошқа йирик шаҳарларини вайрон қилиб, Хоразм ҳудудини босиб олгандан кейин Жалолиддин Мангуберди мўғулларга қарши куч тўплаш мақсадида 1221-йил Афғонистонга ва сўнгра Ҳиндистонга боради. Ҳинд ва афғон князларидан мўғулларга қарши курашда ёрдам беришларини сўрайди. Бунга жавобан ҳинд ва афғон князларининг Аграк Малик, Азам Малик, Ямин Малик бошчилигидаги саркардалар Жалолиддин армиясига келиб қўшилади. [10, Б.1-2]

Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасида дипломатик алоқалар XV-XVI асрларда ҳам маълум узилишлар билан давом этди. Шоҳруҳнинг 1442-йил элчи қилиб юборган Камолиддин Абдураззоқ Самарқандий элчилиги икки давлат ўртасидаги сиёсий алоқаларни мустақамлшга муҳим ҳисса қўшди. Абдураззоқ Самарқандий Калкуттадаги элчилик тўғрисида шундай маълумот қолдирган: "...Мен бошқа ҳиндларга ўхшаш ярим яланғоч бир подшоҳни кўрдим. У жойнинг подшоҳини Самир дер эканлар ...мен Самирнинг ҳузурига кирганимда у ерда 2-3 минг ҳинд ўтирган эди, сарой мақтовга арзигулик даражада безатилган эди. Калкуттада яшовчи мусулмонларнинг каттаси шу ерда ҳозир бўлиб, менга жой кўрсатди. Мен Самирга

хукмдоримизнинг совғаларини топширдим.[10,Б.1-2] Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотлари фақат Ҳиндистоннинг иқтисоди ва халқларининг маданиятига оид бўлиб қолмай, Ҳинд ва Ўрта Осиё давлатлари ўртасида қимматли маълумотлар ҳисобланади. Бу маълумотлар илмий жиҳатдан қимматли бўлгани учун 1843 йил француз тилига, 1872 йил инглиз тилига таржима қилинди. Ўзбек хонликлари ва Ҳиндистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар XVI-XVII асрларда ривожлана бошлади. Хусусан, бу муносабатларга бобурийлар сулоласи ва Бухоро хонлиги ўртасидаги сиёсий алоқаларнинг ривожланиб боришини мисол қилиб айтиш мумкин. Ҳинд тарихчиси Рамиш Чандра Варма XVI аср иккинчи ярми Ўрта Осиё ва Ҳиндистоннинг сиёсий алоқалари тарихини икки даврга бўлиб тушунтиради:

1. 1555-1589- йилларда Бухоро амирлиги ва Ҳиндистоннинг дипломатик алоқаларидаги совуқлик даври

2. 1588-1605-йиллардаги Акбаршоҳнинг Ўрта Осиёга нисбатан зўравонлик сиёсати сифатида таърифлаган [7,Б.13].

1572 йил Бухоро хони Абдуллахон II Деҳлига Бухоро хонлигининг элчиларини юборди, элчиларга Олтамиш исми шахс бош бўлиб борди. Бу Абдуллахон ва Акбаршоҳ ўртасидаги дастлабги элчилик алоқасини бошланиши эди. Олтамиш Акбаршоҳга Абдуллахоннинг икки давлат ўртасидаги дипломатик ва савдо алоқаларини кучайтириш ҳақидаги мактубини топширди. Тарихчи Варманинг фикрига кўра, элчи Акбаршоҳга сафавийлар ерини босиб олишни ҳам таклиф қилган, лекин Акбаршоҳ бунга сир сақлаган. Ушбу фикрлар ҳақиқатдан биров йироқроқ. Чунки Абдуллахон ҳали Моварауннаҳр ва Балхни тўлиқ бўйсундирмаган, бу ерларни бўйсундирмасдан олдин сафавийлар ери ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, иккинчидан эса, 1524-1576 йиллар Эронни шоҳ Таҳмасп бошқарган эди. Таҳмасп шоҳлиги даврида Бухоро ва Эрон ўртасидаги сиёсий муносабатлар у даражада совуқлашмаган эди, бундан ташқари Олтамиш бошчилигидаги элчилар олиб борган мактубда Абдуллахон ҳиндлар ёрдамида Туронда ўз душманлари устидан ғалаба қозонмоқчи эканлиги айтиб ўтилган. [7,Б.14] Демак, юқоридаги мулоҳазаларни инобатга оладиган бўлсак, тарихчи Варманинг Абдуллахоннинг Акбаршоҳга Эронни ўзаро бўлиб олиш ҳақидаги таклифи тўғрисидаги фикри тўғри эмаслигини тушунишимиз мумкин.

1577 йил Абдуллахоннинг навбатдаги элчиси Абдураҳим Акбаршоҳ саройига боради. У Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасида Эронни ўзаро бўлиб олишни таклиф қилади, лекин Акбаршоҳ бунга рози бўлмайди. Чунки биз тарихдан яхши биламизки, Акбаршоҳ динга қаттиқ амал қилган, нафақат ислом дини, балки барча дин вакилларига нисбатан ҳам бағрикенглик сиёсатини олиб борган. Айниқса ислом дини вакилларига нисбатан жудаям илиқ муносабатда бўлган.

Акбаршоҳ 1577 йилги Абдуллахоннинг Абдураҳим бошчилигидаги элчисини Эронни бўлиб олиш ҳақидаги таклифига жавобан, Мирза Фулод бошчилигида Абдуллахонга ўз элчилигини юборган. Акбаршоҳ элчилар орқали Абдуллахонга Эрон мусулмон давлати эканлигини эслатиб, бу таклифига рози эмаслигини билдириб ўтган [7,Б.15]

1583-1584 йилларда Абдуллахон Бадахшонга юриш қилиб, Бадахшонни босиб олади. Натижада Бадахшон ҳокими Мирзо Сулаймон ва унинг набираси Шохруҳ Акбаршоҳдан ёрдам сўраб Ҳиндистонга, Деҳлига боради. Акбаршоҳ билан муносабатларидан хавотир олган Абдуллахон Ҳиндистонга Акбаршоҳ ҳузурига Мирзо Қуёш бошчилигидаги элчисини юборади ва элчи орқали Бадахшонни босиб олиш сабабларини тушунтириб ўтади. Абдуллахон Бадахшонни босиб олиш

сабабини ҳажга борадиган йўли билан боғлиқлигини айтиб ўтади. Бироқ, немис олими Г.Ноер ўрганиб чиққан манбаларда Мирзо Қуёш элчилиги Ҳиндистонга бошқа масала юзасидан борганлигини ҳам билишимиз мумкин. Г.Ноернинг берган маълумотига кўра, Мирзо Қуёш Ҳиндистонга ҳинд саркардаси Тодор Малнинг Ҳайдардаги афгон қабилалари устидан ғалабасидан сўнг, Ҳиндистон қўшинларини ўзбек ерларидан бостириб келишидан хавфсираб юборилган [7,Б.16] лекин бу фикрларни исботловчи бирор аниқ маълумот йўқ. Аслида Абдуллахоннинг мақсади Эронга қарши келишиш бўлган. Бироз вақт ўтгач, Абдуллахон Мирзо Қуёш бошчилигидаги элчиларни қайтадан Акбаршоҳ ҳузурига юборган, лекин Акбаршоҳ элчини узоқ вақт қабул қилмайди. Бунинг сабабини тарихчилар турлича изоҳлайдилар: 1) бу вақтда Акбаршоҳ Кашмирни босиб олиш билан бандлиги; 2) Тарихчи Уминьяковнинг фикрича, элчини узоқ муддат қабул қилмаганлигини Акбаршоҳнинг қудратини қай даражада эканлигини кўрсатиш бўлган. [7,Б.39]

1586 йил Мирзо Қуёш бошчилигидаги элчилар Ҳаким Ҳаммом ва Садр Жаҳон бошчилигидаги элчилар билан Бухорога Абдуллахон ҳузурига юборилган. Ҳаким Ҳаммом давлат ишлари билан юборилган бўлса, Садр Жаҳон Абдуллахоннинг отасининг вафоти муносабати билан таъзия билдириш учун юборилган. Элчилар дастлаб Қобул, сўнгра Балх ва Бухорога келади. Элчиларни Бухорода Нуриддин Муҳаммад яхши кутиб олади. Элчилар Абдуллахонга Акбаршоҳнинг мактубини топширган. Мактубда Абдуллахоннинг ўз мамлакатини идора қилишда бошқа мамлакатлар билан ўрнатилган дўстлик муносабатларида унинг тутган ўрни, Акбаршоҳнинг Ислом динига нисбатан тутган позициясини Абдуллахон қоралагани тўғрисида ёзилган эди [7,Б.26]. Акбаршоҳ чин мусулмонлиги ислом дини қоидаларини бузишга уринмаганлиги, фақат уламолар ҳал эта олмаган масалаларни ҳал этишга уринганлигини таъкидлайди, сўнг Эрон масаласига тўхталиб, ҳозирда Эрон шоҳига фақат амалдорлари бўйсунмай қолмай, турк султони ҳам Эронга тегишли кўп ерларни босиб олмоқда, шунинг учун Эрон шоҳига ёрдам қўлини чўзиш унинг бурчи эканлигини таъкидлаган. Бу мактубда Бадахшоннинг босиб олиниши ҳақида фикр келтирилмаган. Бундан кўриниб турибдики, Акбаршоҳ Бухоро билан муносабатларини бузилишини хоҳламаган. Мактубда Эронни босиб олиш ҳақида аниқ фикр айтилмаган бўлсада, Акбаршоҳда Эроннинг бир қисмини босиб олиш нияти бўлган, шу сабабли Акбаршоҳ Абдуллахон билан муносабатни сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Ҳинд ёзувчиси Рамиш Варманинг фикрича, Ҳиндистон ва Бухоро ўртасида Сафавийлар давлатини бўлиб олиш тўғрисида шартнома бўлганлиги, лекин у сир тутилганлиги тўғрисида айтилган. Варма бундай хулосага келишини Абдулмўминнинг Туркия султониغا ёзган мактуби ва Имомқулихоннинг Жаҳонгирга ёзган мактуби билан тасдиқлайди [8,Б.19-20]

Кейинчалик ҳинд элчиси Ҳаким Ҳаммом билан бирга Аҳмад Али Оталиқ Мирсадр Жаҳон бошчилигида Абдуллахон элчилари Акбаршоҳга Абдуллахоннинг мактубини олиб боради. Абдуллахон мактубда Акбарнинг илтифоти билан Ҳирот ва Хуросонни босиб олганлигини айтган. Кейинчалик Абдуллахоннинг ўғли Абдулмўмин ҳам Саид Муҳаммад Содик Алини Акбаршоҳ ҳузурига элчи қилиб юборган. "Акбарнома" асарида келтирилишича, элчини Акбаршоҳ бўғиб ўлдирган, лекин буни исботловчи бирор далил йўқ. [7,Б.21] 1594 йил Малик Салоҳ Бухорий бошчилигидаги Абдуллахон элчилари Акбаршоҳ саройига боради. Унга жавобан, 1597 йилги Абдуллахоннинг Хожа Ашраф Нақшбандий бошчилигида элчи юборилиб, совға саломлар алоҳида Шайх Ҳусайний Лакнавий орқали махсус

юборилади. Ҳинд элчиси Акбаршоҳнинг Абдуллахон II га ёзган мактубини топширган. Мактубда Акбаршоҳ Бухорога доимо дўстона муносабатда бўлганлигини таъкидлаб, қуйидаги далилларни келтиради:

- 1) Абдуллахон II нинг Ҳиндуқуш икки мамлакат ўртасида чегара бўлсин, деган таклифини қабул қилганини;
- 2) Эрон ҳокимини элчиси Ёдгор Султон Румлуни Бухорога қарши курашда иттифоқчи бўлиш тўғрисидаги таклифини рад қилганини ;
- 3) Шоҳруҳ Мирзога Бухорога яқин бўлган Кашмирдан эмас, Малва ўлкасидан жогир берилгани;
- 4) ўзбеклар Қандаҳорни Эронга тегишли ҳудуд деб, унга ҳужум қилмасликлари учун Қандаҳорни босиб олгани
- 5) Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли номи билан Қандаҳордаги қўзғолонга ёрдам берилмагани;
- 6) Бухоро хонини хавфдан қутқариш учун Панжобни ташлаб, Аграга келингани;
- 7) Абдулмўминнинг беодоблигини ўғилнинг отага эркалиги деб қаралиб, уни кечирганлиги ҳатто жияни деб ҳисоблаши келтирилган;
- 8) мактубда Акбаршоҳ ўзини Панжоб вилоятида узоқ вақт туриб қолишига афгон ва белужларни бўйсундириш Кашмир, Тата ва Сейистонни империяга қўшиб олиш сабаб бўлганлиги айтилган. Мактубда фақат бир жойда, яъни Абдулмўминнинг хатти-ҳаракатлари ҳақида сўз борганда, бу ноўрин ҳаракатлар Абдуллахон II билган ҳолда қилинган бўлиш керак, деб киноя қилинади. Бошқа барча масалалар дўстона бўлган. Аштархонийлар сулоласи даврида ҳам Бухоро ва Ҳиндистон муносабатлари яхши ривожланган. Имомқулихон 1613 йил Тошкентни бўйсундириб бўлгандан сўнг Ҳиндистонга Жаҳонгиршоҳ ҳузурига ўз элчиларини юборган, элчиларни Жаҳонгиршоҳ яхши кутиб олган.[11,Б.22]

Тарихчи Варманинг фикрича, Бухоро элчилари Имомқулихоннинг Жаҳонгиршоҳга келтирган мактубида Бухоро хони марҳум Абдуллахон II ва Акбаршоҳ даврида Ҳиндистон ва Бухоро ўртасида диний мазҳабда бўлиш асосида ўзаро иттифоқ тузилганлиги ва бу иттифоқ натижасида Хуросон ва Эроннинг кўп жойларини Бухоро ва Ҳиндистон босиб олгани айтилган. "Матлабут -Толибин" асари маълумотларига кўра, Хўжа Абдураҳимнинг Ҳиндистонга боришига қуйидаги воқеа сабаб бўлган: Ҳиндистонда Жаҳонгиршоҳ ва ўғли Шоҳ Хуррам ўртасидаги келишмовчилик хабари Бухорога ҳам етиб келиб, кунларнинг бирида Хожа Абдураҳим бу ҳақида Имомқулихонга гапириб беради ва уларни яраштириб қўйиш кераклигини айтади. Имомқулихон Хожа Абдураҳимга бу сизларнинг ишингиз, ота-бобонгиз шу ишлар билан шуғулланган, деган (Хожа Абдураҳим Жўйбор шайх Хожа Ислоннинг ўғли) шундан сўнг, Хожа Абдураҳим Ҳиндистонга жўнайди [1]. Ҳинд тарихчиси Банарси Прасад Саксенанинг маълумотига кўра, Хўжа Абдураҳим Ҳиндистонга юборилган расмий элчи бўлган. Шундай бўлиши ҳам мумкин. Шоҳжаҳон ва бошқаларнинг қўзғолонлари орқасидан Ҳиндистон кучсизланиб бораётганини билган Имомқулихон ўзини Ҳиндистоннинг ички ишларига аралаша оладиган улуғ хоқон қилиб кўрсатишга ҳаракат қилган. Ҳатто, тарихий манбаларда Имомқулихоннинг онаси билан Жаҳонгиршоҳнинг хотини ўртасида ҳам дўстона мактуб ва қимматбаҳо тухфалар юбориб турилганлиги ҳақида маълумот бор [2].

Икки давлат ўртасидаги элчилик алоқалари Абдулазизхон ва Шоҳжаҳон даврида бироз тўхтаб қолган. Бунга сабаб Балх ҳокими Субҳонқулихон икки ўртадаги муносабатларга тўсқинлик қилган Аврангзеб даврида Ҳиндистон ва Ўрта Осиё

муносабатлари бироз дўстона бўлган. [9,Б.173] Икки давлат ўртасидаги элчилик алоқалари кейинги даврда ҳам давом этган. Мисол тариқасида қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин: 1680 йил Аврангзеб Бухорога ўз элчиларини юборган ва Субҳонқулихонга ўз мактубини йўллаган, Субҳонқулихон ҳинд элчиларини яхши кутиб олади ва улардан Аврангзебга мактуб ёзиб юборди [8,Б.75]. Ушбу вақтда Ҳиндистондан Ўрта Осиёга қимматбаҳо тошлар, дур, уқа билан тикилган кимхоб ва бошқа буюмлар келтирилган. Тарихи Муқимхоний асарида 1685 йили Ҳиндистондан Бухорога Забардастхон бошчилигидаги элчини юборгани, элчи олиб келган совғалар орасида филлар бўлгани ҳам қайд этиб ўтилган. Аврангзебни Бухоро хони номига ёзилган мактубининг тўлиқ нусхаси келтирилган. [9,Б.44]

1714-1715 йиллар Абулфайзхон томонидан Султонбий элчи қилиб юборилган элчилар Фаррух Сиярни тахтга чиққани билан табриклаган. Фаррух Сияр ҳам Абулфайзхонга элчи юборган. XIX асрнинг биринчи ярмида Наманган, Андижон, Самарқанд ва Бухорода ҳинд савдогарлари яна кўпайгани тўғрисида маълумотлар бор. Мисол учун, 1820 йил Бухорода 750 та ҳинд яшаган, улардан 250 таси Шакарпудан 500 таси Синд, Мултон, Панжоб ва бошқа ҳудудлардан бўлган [4,Б.24-25].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абулфазл Алломий. Тарихи Акбаршоҳий. -Тошкент: Шарқ, 1997 (Abulfazl Allomiy. History of Akbarshahi. - Tashkent: East, 1997).

2. Байкова Н.Б. Роль Средней Азии в русско-индийских торговых связях [Текст]: (Первая половина XVI - вторая половина XVIII в.) / Акад. наук УзССР. Ин-т истории и археологии. - Ташкент: Наука, 1964. - 192 с. (Baykova N.B. The role of Central Asia in Russian-Indian trade relations [Text]: (First half of the XVI - second half of the XVIII century) / Acad. Sciences of the Uzbek SSR. Institute of History and Archeology. - Tashkent: Nauka, 1964 . - 192 p.)

3. Этнический атлас Узбекистана. -Ташкент: Совместное издание "ИООФС - Узбекистан" и ЛИА "Р. Элинина", 2002. - 392 с. (Ethnic Atlas of Uzbekistan. Tashkent: Joint publication "IOOFS - Uzbekistan" and LIA "R. Elinina ", 2002. - 392 p.)

4. Ёрматов Ш. Ўрта Осиё, Россия ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар тарихи. - Тошкент: Ўзб ССР МДав, 1959. (Yormatov Sh. History of friendly relations between the peoples of Central Asia, Russia and India. - Tashkent: Uzav SSR M Dav, 1959.)

5. Миркомил Содиқов. Бухоро Амирлиги элчилик муносабатлари. -Тошкент, Мозийдан садо. 2002, 4-тўплам (Mirkomil Sadykov. Embassy relations in the Emirate of Bukhara. - Tashkent, a voice from Mozi. 2002, Collection 4)

6. Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқимханская история, перевод стадж. проф. А.А.Семенова. -Тошкент: изд-во АН Уз ССР, 1950 (Muhammad Yusuf Munshi. Muqimkhan history, translation by stage professor A.A.Semenov, Tashkent, publishing house of the Academy of Sciences of the USSR, 1950)

7. Низомиддинов И. Ўрта Осиёнинг чет эл шарқи билан муносабатлари. - Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1961. (Nizomiddinov I. Central Asia's relations with the East. - Tashkent: State Publishing House of the Uzbek Soviet Socialist Republic, 1961.)

8. Низомиддинов И. XVI -XVIII асрларда Ўрта Осиё Ҳиндистон муносабатлари.

-Тошкент: Фан,1966. (Nizomiddinov I. Relations of Central Asia India in the XVI-XVIII centuries. -Tashkent: Science, 1966.)

9. Расул-заде П. Из истории индо-среднеазиатских политических взаимоотношений во второй половине XIX в. в сб. Взаимоотношения народов Средней Азии с сопредельными странами Востока. -Ташкент: Изд-во АН УзССР,1963. (Rasul-zade P. From the history of Indo-Central Asian political relations in the second half of the nineteenth century. on Sat Relations between the peoples of Central Asia and the neighboring countries of the East. - Tashkent: Publishing House of the Academy of Sciences of the USSR, 1963.)

10. Романов, Н. К. Аму и Узбой /Самара: Самарская губернская тип., 1879. (Romanov, N.K. Amu and Uzboy / Samara: Samara Provincial Type., 1879.)


11. Ўринбоев. А. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. - Тошкент: УзССР ФА нашриёти,1960. (Urinboev. A. Indian tour of Abdurazak Samarkand. - Tashkent: Publishing house of the Academy of Sciences of the UzSSR, 1960.)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Жўраев Ўткир Ортиқбоевич
ЎЗР ФА Тарих институти
мустақил изланувчиси

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАРАКАТЛАР

For citation: Jurayev Utkir Ortiqboyevich. Actions towards national self-awareness in Uzbekistan during the years of reconstruction. 2019, vol. 26, issue 2, pp. 36-41

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-26-06>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада қайта қуриш йилларида Ўзбекистондаги моддий ва маънавий ҳаёт ҳолати, маммолари ва миллий ўзликни англаш йўлидаги зиёлилар томонидан илгари сурилган масалалар хусусида баён қилинган.

Калит сўзлар: қайта қуриш, миллий ўзлик, маданият, зиёлилар, мерос, адабиёт, тарих, таълим.

Жураев Уткир Ортиқбоевич,
Соискатель АН РУз
институт Истории

ДЕЙСТВИЯ ПО НАЦИОНАЛЬНОМУ САМОСОЗНАНИЮ В УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ РЕКОНСТРУКЦИИ

АННОТАЦИЯ

В статье описывается материальная и духовная жизненная ситуация в Узбекистане в годы перестройки, вопросы, выдвигаемые учеными и интеллигенцией на пути национального самосознания.

Ключевые слова: перестройка, национальная идентичность, культура, интеллигенция, наследие, литература, история, образование.

Jurayev Utkir Ortiqboyevich,
RUz ASInstitute of History
independent researcher

ACTIONS TOWARDS NATIONAL SELF-AWARENESS IN UZBEKISTAN DURING THE YEARS OF RECONSTRUCTION

ANNOTATION

The article describes the material and spiritual life situation in Uzbekistan during the years of reconstruction, the issues put forward by mammals and intellectuals on the way of national self-awareness.

Key word: restructuring, national identity, culture, intellectuals, heritage, literature, history, education.

Дунё тараққиётида ҳар бир миллат ўзининг у ёки бу соҳаларда эришган ютуқлари билан нафақат ўз халқи балки, жаҳон илм-фанига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўша олган. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудидан етишиб чиққан кўплаб буюк алломалар саркардалар ва давлат арбоблари томонидан амалга оширган ишлари кейинги авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, миллий ўзликни англашда уларни ҳар томонлама етук инсон бўлиб етишишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Россия империяси томонидан мамлакатимиз ҳудудларини босиб олинishi ва кейинги йиллар давомида олиб борилган сиёсат натижасида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда салбий оқибатларга олиб келди. Бу ҳол айниқса, таълим тизими, маданий-маърифий соҳаларда умуман ижтимоий ҳаётни мафкуралаштириш жараёнларида яққол намоён бўлди. Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибида бўлган даврларда коммунистик мафкура бошқа халқлар сингари ўзбек халқини ҳам ўз миллий тарихи, маданияти ва қадриятларидан узоқлаштиришга ҳаракат қилди. Албатта, марказнинг бундай сиёсатига қарши миллий зиёлилар ҳам бўлди, бироқ улар қаттиқ таъқиб остига олинди. Бундай таъқиб жараёнлари совет давлати парчаланиб кетгунигача бўлган даврда у ёки бу даражада давом этди. Жиддий тарзда олиб борилган таъқибларга қарамасдан ўзбек халқи ўзининг тарихи, маданияти, қадриятлари ва урф-одатларини чуқурроқ ўрганишга бўлган интилишларини давом эттирдилар.

XX асрнинг 80-йилларига келиб собиқ иттифоқ ва унинг республикаларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда танглик оқибатлари тобора кучайиб, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди. Инқироз ҳолати айниқса, 80 йилларнинг ўрталарига келиб инқироз яққол намоён бўла бошлади. Ушбу мураккаб вазиятдан чиқиш йўлини излаб собиқ партиянинг бош котиби М.С.Горбачёв бошчилигида мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида кескин ислохотларни амалга ошириш ҳаракатлари бошланди.

1985 йил апрель пленумида совет жамиятини тубдан қайта қуриш ва барча соҳаларда чуқур ислох қилиш йўлини эълон қилди[1]. Ўзидан олдинги ислохотлардан фарқ қилувчи "қайта қуриш" сиёсати демократлаштириш

ва ошкораликнинг баъзи каналларини очиб берган бўлсада, мавжуд тузумнинг фундаментал асосларига дахл қилмади ва амалга ошган ўзгаришлар юзаки характерга эга эди[2]. Лекин, шунга қарамасдан қайта қуриш сиёсати натижасида юзага келган маълум даражадаги ошкоралик имкониятлардан фойдаланган зиёлилар мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида хусусан, маданий-маънавий, таълим соҳаларидаги реал муаммоларни кўтариб чиқишларига замин бўлди.

Жумладан, Қашқадарё воҳасидаги тарихий ва маданий обидалар ҳақида: "ҳозир

вилоят ҳудудида 202 та қадимий ёдгорликлар сақланиб қолган. Афсуски, улардан 6 таси таъмирланган ҳолос. Аммо, бу ишга ҳам 10-15 йил бўлгани учун яна таъмирлашга ҳам эътиборсизлик билан қаралмоқда. Рўйхатда ҳамон бор деб кўрсатилган Китоб шаҳридаги XIX асрда қурилган Қори дарвоза ва бошқа ёдгорликлар аслида йўқолиб кетган"[3]лиги кўрсатилган. Халқнинг миллий маданиятини акс эттирувчи кўплаб тарихий-меъморий обидалардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳамда қаровсиз қолдирилиши оқибатида тарихий обидалар ачинарли аҳволга келиб қолишига сабаб бўлди. Масалан, Р.Шокировнинг ёзишича, Ўзбекистонда 50-йилларда 30 000 та тарихий ёдгорлик бўлган бўлса, ясама курашлар таъсирида улардан бор йўғи 7 000 таси қолаган[4]. Шунингдек, муаллиф 80-йиллар ўрталаридаги динга қарши кураш оқибатида бир қатор зиёратгоҳлар, шифобахш қудуқлар қўмиб ташланганлигини таъкидлайди.

Маданий мероснинг катта бир қисми бўлмиш қўлёзма ўрганиш лозимлиги масаласи ҳам зиёлилар томонидан ўзликни англаш борасидаги долзарб муаммолардан бири сифатида қаралди. Хусусан, академик Э. Юсупов мақоласида катта эътибор беришимиз мумкин бўлган вазифалардан бири қадимий ва ўрта аср қўлёмаларини тўплаш ва ўрганиш орқали "тарихий тараққиётнинг, маданият, санъат ва адабиётнинг изи ўчиб кетган саҳифаларини қайтадан тиклаш мумкин"[5]деб таъкидлайди. Бу фикрни йирик тарихчи олим Б. Аҳмедов ҳам қўллаб-қувватлаб, 1920-1930 йилларда содир бўлган ёвузлик туфайли кўп нодир қўлёмма асарларнинг йўқолгани, 50 йилларнинг бошида "пантуркизм", "панисломизм", "космополизм", каби "измлар" тамғаси пайдо бўлгани, Ўзбекистон ССР ФА қошидаги Шарқшунослик институтини "Ҳаётдан ажраб қолган институт" деб танқид қилингани ҳақида ёзиб, "...бу соҳада малакали мутахассислар етиштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Эски ёзувни ўрта мактабларда ўргатиш ҳақида айтилаётган таклифларни тезроқ амалга жорий қилиш"[6] тўғрисидаги таклифларни ўртага ташлади. Бу борадаги муаммолар ўша даврдаги зиёлиларни жиддий ташвишлантиришига асос мавжуд эди албатта. Чунки, Шарқшунослик институтининг ўзида 1943 йилдан 1987 йилгача мавжуд 40 минг жилд асардан бор-йўғи 7 576 тасининг илмий таснифи эълон қилинганлигидан ташвишланган Қ.Каримов "Бу иш ҳозирги суръатда олиб борилса, Шарқшунослик институтида жамланган қўлёмаларни ўрганишнинг ўзига камида 4 000 минг йил керак бўлади"[7], деб таъкидлаган.

XX аср 80-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб тарихчиларни ўтмишни чуқурроқ ва объектив ўрганишга даъват этишлари кучайиб борди. Б.Аҳмедов "Тарихий шахсларга ва айрим тарихий воқеаларга баҳо берганда бир томонламалик, бордию ўша шахс ҳукмронлар саройида хизмат қилса ёки шу синфга мансуб бўлса, уни текширмай - нетмай реакционга чиқаришар, ёмонотлик қилишдек бўлмағур принцип кўпдан тарихда ҳам, адабиётда ҳам ҳукмронлик қилиб келди. Ваҳоланки, тарихий шахс ёки тарихий воқеа қандай бўлса, шундайлигича, бўямасдан, ҳолис, объектив кўрсатиш керак"[8]лигини таъкидлайди. Мураккаб даврдаги бу каби муаммоларни олимларимиз томонидан дадил ўртага қўйилиши, албатта, бошқаларга далда бериб, уларни тарихимизни эътибордан четда қолган саҳифаларни ёритишга ва ундаги "оқ доғлар"ни объектив баҳолашга ундаган. Тарихни объектив ўрганиш билан биргаликда мактаблар, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида Ўзбекистон тарихи фанини ўқитилишини такомиллаштиришга ҳаракат қилинди. Бир гуруҳ таниқли адиб ва шоирлар томонидан ёзилган

мақолаларда мактабларда Ўзбекистон тарихини ўқитишни тубдан яхшилаш кераклиги ўқувчиларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш масалаларини жиддий ўйлаб кўриш лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Ўзбекистон олий ўқув юртлари Тарих факультетларида Тарих фанига 1100-1500 соат ажратилган ҳолда, Ўзбекистон тарихи учун 28 соат ажратилган[9]. Ушбу рақамлар ҳақли равишда миллий республикалар тарихини ўқитишга эътибор жуда паст бўлганлигидан далолат беради.

Қайта қуриш йилларида миллий ўзликни англаш йўлида олиб борилган ҳаракатлардан яна бири бу миллий тил мавқеини тиклаш йўлидаги қадамлар эди. Мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида рус тилини ўқитишга катта эътибор қаратилган ҳолда, ўзбек тилини ўқитиш амалда эътибордан четда қолиб кетмоқда эди. Узоқ вақт мобайнида амалда рус тили ҳукмрон тил бўлиб келганлиги оқибатида ўзбек тилини билмасдан туриб ҳам катта раҳбар бўлиб етишиш, ҳатто диссертация ёқлаш имкони вужудга келди[10]. Чунки, юқоридагидек ҳолат пайдо бўлишига мос келувчи шароит яратилган эди. Олиб борилган сай-ҳаракатлар натижасида 1989 йил 21 октябрда "Ўзбекистон ССР Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинди. Бу ўз навбатида ўша даврдаги миллий ўзликни англаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлган.

Ушбу даврдаги кўплаб зиёлиларнинг мақолаларида адабий меросни ўрганишга фақат бирёқлама қаралганлиги оқибатида, "классик адабиётимизга муносабатда синфий, партиявий кўз билан қарашни жуда жўн, юзаки талқин қилиб, классик шоирларимизни прогрессив ва реакцион, диний-мистик ва демократ, сарой шоири ва халқ шоирига бўлиб чиққанмиз"[11], деган кўплаб асосли мисоллар келтирилди. О.Шарофиддинов адабиётга олиб кирилиши лозим бўлган эркинлик ҳақида, Яссавий асарларини ўрганиш, жадидчилик ҳаракатини қайтадан талқин этиш, Чўлпон ва Фитрат ижодини ўрганишга эътибор қаратиш тўғрисида бир қатор салмоқли фикрларни ўртага ташлайди[12]. 1987 йилдан Чўлпон ва Фитрат адабий меросини ўрганиш бўйича комиссия ташкил қилинган, бу борадаги фаолият анча ижобий тус ола бошлади. Шу йили июль ойида Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтида Республика Ёзувчилар уюшмаси ҳамда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси ҳамкорликда "Қайта қуриш ва маданий меросни ўрганишнинг методологик муаммолари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди[13]. Унда адабий мероснинг "қўриқ бўлиб ётган" соҳалари, яъни Яссавий, Ҳусайний, Амирий, Абулғозий, Чўлпон, Фитрат ва бошқалар ижодларини илмий ўрганиш, холис ёритиш ҳамда халққа етказиш масалалари бўйича баҳс юритилди. 1988 йил 22-25 январда Тил ва адабиёт институтида Республика адабиётшунос, файласуф ва тарихчи олимлари иштирокида адабий мерос ва жадидчилик масалаларини ўрганишнинг баъзи масалалари бўйича йиғилиш бўлиб ўтди[14]. Чўлпон ва Фитрат адабий меросини ўрганиш комиссияси улар асарларини уч босқичда эълон қилишни мақсадга мувофиқ, деб топди. Чўлпон ва Фитрат адабий меросини нашрга тайёрлаш иши ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институтига топширилди[15]. Зиёлилар томонидан жадидлар ижодини ўрганиш ва шу орқали тарихдаги "оқ доғлар"ни камайтириш ҳаракатларига бошқа республика зиёлилари томонидан ҳам ижобий баҳо берилди бошланди. 1988 йил 12 октябрда ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институтида "Жадидчилик масалалари" мавзусида катта давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Татаристон, Озарбайжон ва Тожикистондан келган бир қатор олимлар иштирок этдилар, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

XX аср 80 йиллари иккинчи ярмидан зиёлилар фаолияти натижасида ўрта

асрлар даври ва 20-30 йиллар адабий муҳитига бағрикенглик тамойили асосида қаралиб, кўпгина шоир ва ёзувчиларнинг "беркилиб" қолган асарлари дунё юзини кўра бошлади. Бу борада оммавий ахборот воситалари жонбозлик кўрсатдилар. Халқни ўтмиш адабий меросидан баҳраманд этиш ва миллий ўзликни англашда республикадаги ижодкор зиёлилар ўзларининг тўлақонли ижод дурдоналари, бадиий-публицистик асарлари, шеърлари ва мақолалари билан кенг халқ оммасининг қалбларига етиб бордилар, уларни разолат ва гафлат уйқусидан уйғотдилар[16].

Аҳамиятли томонларидан яна бири шунда эдики, қайта қуриш йилларида фақатгина миллий ўзликни англаш борасидагина эмас балки, республикадаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, аҳоли турмуш даражаси, ҳолати ва муаммолари ҳақида ҳам кўплаб фикрлар ўртага ташланиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни, ер ости ва ер усти қазилма бойликларини Марказга ташиб кетилаётганлиги оқибатида халқимиз моддий фаровонликдан маҳрум бўлиб қолаётганлиги кўплаб публицистик мақолаларда очиб берилди. Албатта ушбу даврда билдирилаётган фикрлар халқ оммасини бефарқ қолдирмасди. Бунга жавобан эса марказий матбуот саҳифаларида Ўзбекистон ўз иқтисодиётини бошқара олмайдиган, дотация ҳисобига кун кечирувчи боқиманда республикалардан бири сифатида тарғиб этиларди. Аслида, Ўзбекистон ўзидан олиб кетилаётган маҳсулотларга ўзи нарх белгилаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги оқибатида Марказдан сунъий тарзда дотация олишга мажбур қилинган эди.

XX аср 80-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб кескин тус олган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар ўз навбатида маданий-маънавий соҳаларга ҳам таъсир этмасдан қолмади. Қайта қуриш йилларида демократлаштириш ва ошкораликка оз бўлсада, йўл очиб берилиши республикамиздаги кўплаб соҳалар қатори миллий ўзликни англаш, миллий урф-одат ҳамда қадриятларимиз, тарихимизни холисона ёритишга имкон яратиб берди. Бу йўлда миллий зиёлиларимизнинг миллат тарихини ёритишда, халқимизнинг бой ўтмиши, илм фани кеча ёки бугун эмас, балки, асрлар давомида тарихий тараққиётини машаққатлар билан бошидан кечирганлиги бу даврга келиб тарихимизни холисона ёритишга қисман бўлса-да, имкониятлар эшигини очиб берди. Бу жараёнлар самараси ўлароқ юрт фидойилари томонидан миллий ўзликни англаш борасидаги дастлабки қадамлар қўйилишига катта туртки бўлиб хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

—1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даври. 2-китоб. -Тошкент: Шарқ, 2000. -Б. 627. (1. The modern history of Uzbekistan. Uzbekistan is a period of Soviet imperialism. Book 2 -Tashkent: East, 2000. -P. 627.)

2. Алимова. Д. Ўзбекистоннинг совет даври тарихига замонавий баҳолар: анъанавийлик даражаси ва янги тенденциялар // Ўзбекистон тарихи, 2017. №3. - Б. 43 (Alimova D. Modern assessments of Soviet history of Uzbekistan: level of traditionality and new trends // History of Uzbekistan, 2017. №3. -P. 433.)

3. Тиловов. Н. Ёдгорликларга эътибор шуми // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1985 йил 7 июнь. (Tilovov N. Attention to monuments // Literature and art of Uzbekistan. June 7, 1985.)

4. Шокиров. Р. Қадриятларимиз - қайта қуриш матлаби // Ёш ленинчи. 1990 йил 15 май. (Shokirov R. Our Values - Reconstruction Matters // Young Leninch. May

15, 1990.)

5. Юсупов. Э. Маданий мерос - бебаҳо бойлигимиз // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1987 йил 4 сентябрь. (Yusupov E. Cultural heritage - our priceless // // Literature and art of Uzbekistan. September 4, 1987.)

6. Аҳмедов. Б. Тарих-ҳақиқат онаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1987 йил 30 октябрь. (Ahmedov B. Mother of history and truth // Literature and art of Uzbekistan. October 30, 1987.)

7. Мерос ва меросхўрлар // Фан ва турмуш. 1989. № 5. -Б. 5.(Inheritance and heirs // Science and life. 1989. No. 5. -P. 5.)

8. Аҳмедов. Б. Тарих-ҳақиқат онаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1987 йил 30 октябрь. (Ahmedov B. Mother of history and truth // Literature and art of Uzbekistan. October 30, 1987.)

9. Бегматов. А. Очилмаган Амир Темур // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990 йил 24 август. (Begmatov A. Uncovered Amir Temur // Literature and Art of Uzbekistan. August 24, 1990.)

10. Золотухин. В. Давом этаётир буюк инқилоб // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989 йил 21 июль. (Zolotuxin. V. Great Revolution // Literature and Art of Uzbekistan. July 21, 1989.)

11. Вохидов. Э. Адолат туйғуси, инсон қадр-қиммати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1987 йил 24 апрель. (Vohidov. E. A sense of justice, human dignity // Literature and art of Uzbekistan. April 24, 1987.)

12. Шарофитдинов. О. Ҳақиқатга садоқат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1987 йил 15 май. Sharofitdinov O. Loyalty to the truth // Literature and art of Uzbekistan. May 15, 1987.

13. Қаранг: Замон ва маданий мерос // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1987 йил 10 июл. (See: Time and cultural heritage // Literature and Art of Uzbekistan. July 10, 1987).

14. Турдиев. Ш. Жадиализм масалаларига бағишланган мунозара // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. № 2. -Б.74. (Turdiev Sh. Discussion on Jadidism // Uzbek Language and Literature. 1988. No. 2. -P.74.)

15. Чўлпон ва Фитрат адабий меросини ўрганиш бўйича тузилган комиссия хулосалари // Ўзбек тили ва адабиёти.1988. № 2. Б. 32-33. (Conclusions of the Commission for the Study of Literature of Chulpon and Fitrat // Uzbek Language and Literature.1988. No. 2. -P. 32-33.)


16. Shamsutdinov. R., Karimov. Sh. Vatan tarixi. (O'zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida) 3-kitob. -Tashkent: Sharq, 2010.-B. 464. (Shamsutdinov R., Karimov N History of the motherland. (In Uzbek Soviet Socialist Republic) Book 3. -T. : East, 2010. -P. 464.)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Норкўчқаров Хушвақт Эшназарович
Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали
"Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси ўқитувчиси

АФФОНИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ СОНИ ВА ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ МУАММОСИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР ТАҲЛИЛИ

For citation: Norkuchkarov Khushvaqt Eshnazarovich. Analysis on the problem of quantity and regional location uzbeks in Afghanistan. 2019, vol. 26, issue 2, pp. 42-55

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-26-07>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XIX асрнинг 2 ярмидан то бугунги кунгача бўлган даврда Афғонистондаги ўзбекларнинг сони ва ҳудудий жойлашуви, Ўрта Осиё муҳожирлиги ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ушбу кўрсаткичларга таъсири турли манбалар: интернет маълумотлари, илмий адабиётлар, архив манбалари, расмий интернет ахборот нашрлари, даврий газета ва журналларда келтирилган маълумотлар, турли статистик ташкилотлар ҳисоботлари, расмий кишилар томонидан билдирилган фикрларни ўзаро қиёсий таҳлил қилиш орқали улар ўртасидаги фарқларнинг сабаб ва омиллари юзага чиқарилади.

Калит сўзлар: Афғонистон, ўзбеклар, ўзбек уруғлари, аҳоли, минтақа, вилоят, улусволи, қария (қишлоқ), туркий забон аҳоли, этник таркиб, муҳожир ўзбеклар.

Норкучкаров Хушвақт Эшназарович,
преподаватель кафедры "Узбекский язык и литература"
Термезский филиал Ташкентского государственного
Аграрного университета

АНАЛИЗ О ПРОБЛЕМЕ КОЛИЧЕСТВО И РЕГИОНАЛЬНОЕ РАСПОЛОЖЕНИЕ УЗБЕКОВ В АФГАНИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье описывается количество и региональное расположение узбеков в

Афганистане со второй половины XIX века до наших дней, иммиграция в Центральной Азии и влияние общественно-политических процессов в стране раскрывается с помощью различными источниками: данные интернета, научная литература, архивы, официальные интернет-газеты, периодические издания и журналы, которые представленные данные, отчеты различных статистических организаций, сравнительный анализ мнений официальных представителей, вызывают различия между ними и их причинами.

Ключевые слова: Афганистан, узбеки, население, регион, провинция, этническая принадлежность, село, тюркоязычное население, этнический состав, иммигранты-узбеки.

Norkuchkarov Khushvaqt Eshnazarovich,
teacher of the chair "Uzbek language and literature"
Termez branch of Tashkent State Agrarian University

ANALYSIS ON THE PROBLEM OF QUANTITY AND REGIONAL LOCATION UZBEKS IN AFGHANISTAN

ANNOTATION

The article describes the number and regional location of Uzbeks in Afghanistan from the second half of the 19th century to the present, immigration in Central Asia and the influence of socio-political processes in the country are revealed using various sources: Internet data, scientific literature, archives, official online newspapers, periodicals and magazines that present data, reports of various statistical organizations, a comparative analysis of the opinions of official representatives, cause differences between them and their reasons.

Key words: Afghanistan, Uzbeks, population, region, province, ethnicity, village, Turkic-speaking population, ethnic composition, Uzbek immigrants.

Тарихдан назар солиб қарайдиган бўлсак, Афғонистон давлат сифатида пайдо бўлган XVIII аср ўрталаридан то ҳозирги кунгача ҳам халқаро миқёсдаги йирик империалистик давлатлар ўртасида, ҳам ички этник-қабилалараро ва миллатлараро шунингдек, диний можаролар марказида бўлиб келаётганини кузатиш мумкин. Айниқса, XX асрнинг сўнгги чораги ва XXI аср бошларида юз берган жараёнлар бутун минтақа ва дунё аҳлини қаттиқ таҳликага солиб қўйди. Албатта, бундай таҳликали вазиятнинг тўхтовсиз давом этиши ва вақт ўтган сайин янада кучайиб боришини умуман олганда, мамлакатдаги муаммоли вазиятни ижобий томонга ҳал этиш масаласи минтақа мамлакатлари, дунё ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилган музокаралар, муҳокамалар ҳамда конференция ва йиғилишларнинг ҳамда турли тадқиқотчи ва сиёсатчиларнинг асосий мавзусига айланиб келмоқда. Аммо можаролар ҳамон тўлиқ барҳам топмасдан давом этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатдаги тинимсиз давом этаётган ўзаро урушлар ва жанглардан энг катта жабр кўраётганлар кўп миллатли жафокаш Афғонистон халқи ҳисобланади. Улар орасида эса миллионлаб афғон ўзбеклари мавжуд. Ўзбекистон тарихининг барча жабҳалари тадқиқодчилар томонидан доимий ўрганилиб, тадқиқ этиб борилаётган бир даврда тарихан муштарак бўлган Афғонистонда яшаётган ўзбекларнинг тарихи ва ижтимоий ҳаётини илмий

жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 27 мартда Афғонистон бўйича Тошкентда ташкил этилган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида: "...Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизацион маконда яшаб келган. Азал-азалдан Амударёнинг икки томонида ўзаро ўхшаш тиллар, умумий муқаддас дин ва муштарак маънавий қадриятлар бирлаштириб турадиган халқлар яшаб келмоқда"[1], дея таъкидлаган фикрлари ҳам дарёнинг ҳар икки томонида яшовчи халқлар тарихини бир-биридан айро ҳолда ўрганиб бўлмаслигининг исботидир.

Аммо Амударёнинг чап соҳилидаги халқлар тарихи хусусан, афғон ўзбеклари тарихи Ўзбекистонлик тарихчилар томонидан ўрганилиши тарихшунослигини таҳлил этган профессор А.Х.Дониёров ва Н.Р.Каримовлар қуйидаги хулосаларни билдиради: "...тарихшунослик таҳлили натижаларига кўра, Афғонистонга оид тадқиқотларнинг асосий қисми сиёсий масалаларни ўрганишга йўналтирилган. Айни пайтда эса тарих, иқтисод, маданият, этнографик масалалар каби жиҳатларга эътибор камлигини хулоса қилиш мумкин"[2, Б.120-129].

Шунингдек, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Ф.Джуманиязова ҳам афғон ўзбеклари тарихини ўрганиш бугунги тарихий тадқиқотларимиздаги энг кам ўрганилаётган жиҳат эканлигини таъкидлаб қуйидаги фикрларни билдиради: "... бугунги кунда ўзбеклар тарихи хусусида илмий изланишлар олиб бораётган тарихчи, манбашунос ва шарқшуносларнинг тадқиқотларига назар ташлар эканмиз, ўзбек халқининг ажралмас бир бўлаги бўлган Афғонистон ўзбеклари ҳақида тадқиқотларни учратиш қийинлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон тарихшунослигида ҳозир ҳам кемтик жой сифатида сақланиб келаётган ушбу масала уни ўрганиш долзарб эканини кўрсатади" [2, Б.286-295].

Биз бугун тўхталадиган, афғон ўзбеклари бўйича муаммоли жиҳатлардан бири Афғонистонда яшаётган ўзбекларнинг сони бўйича маълумотларнинг турфа хиллиги ва уларнинг ҳудудлар бўйича жойлашувига оид муаммолар таҳлили ҳисобланади. Афғонистон ўзбеклари сони бўйича биринчи мурожаат қилинадиган умумманба бу албатта интернет маълумотлари, хусусан википедия очиқ энциклопедиси ҳисобланади. Аммо ушбу энциклопедиядаги келтирилган маълумотларнинг ҳам турфа хиллигини кўришимиз мумкин. Википедиянинг ўзбек тилидаги маълумотларида афғон ўзбеклари сонини 3 миллионга яқин деб кўрсатилиб[3], бу маълумотлар Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясидан олинганлиги таъкидланади ҳамда 2000 йилги ҳолат (мамлакатнинг умумий аҳолиси сони 25 млн.782 минг киши) эканлиги айтиб ўтилади[4]. Ушбу интернет сайтнинг рус тилидаги маълумотларида эса, Афғонистонда яшовчи ўзбеклар сонини кўрсатишда ҳам турли хил маълумотлар мавжудлигига гувоҳ бўламиз: Афғонистон аҳолисининг этник таркиби ифодаланганда 2,7 миллиондан 3,5 миллионгача деб кўрсатилса[5], бутун дунё бўйлаб яшаётган ўзбек диаспорасининг мамлакатлар ва минтақалар бўйича тақсимоли кўрсатилганда эса, 2,3 миллиондан 2,7 миллионгача ва ҳатто 4 миллион деб ҳам кўрсатилади[6]. Шунингдек, бир қанча халқаро ташкилотлар, тадқиқот марказлари ҳамда ахборот каналлари томонидан 2010 йилнинг 11 сентябридан - 1 октябрга қадар бўлган вақт оралиғида Афғонистон аҳолиси сони ва этник таркибини ўрганиш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича олиб борилган ўрганишлар натижасига кўра, "Энциклопедия Ираника" келтирган маълумотда мамлакат аҳолисининг 8 % ни [7], МРБ (Марказий Разветка

Бошқармаси, АҚШ) ўзининг ҳисоб-китобида эса 9 % ни[8], CIA World Factbook тадқиқотларига кўра, 9 % ни[9], мустақил тадқиқот маркази Asia Foundation, Ҳиндистоннинг мамлакатлар тараққиётини тадқиқ этиш маркази ва Ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тадқиқ этиш Афғон маркази ҳамкорлигида "2006 йилда Афғонистон- Афғонистонда аҳолини тадқиқ этиш" номли лойиҳа натижаларига кўра, афғон ўзбекларининг миқдори аҳолининг 9,2 % ини ташкил этади[10]. АҚШнинг ABC News, Британиянинг BBC ва Германиянинг ARD телеканаллари ҳамкорлигидаги 2004-2009 йилларда амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра, афғон ўзбеклари мамлакат аҳолисининг 6 % ини ташкил этади, деб хулоса беради[11][5].

Худди шунингдек, Афғонистон аҳолисининг умумий миқдорини эълон қилишда ҳам турли сонларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Демак, МРБ (Марказий Разветка Бошқармаси, АҚШ) келтирган маълумотга кўра Афғонистоннинг умумий аҳолиси сони 2010 йилнинг ўрталарида 29,1 млн. кишини ташкил этган. Ушбу маълумотлар БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти) келтирган ҳисоботга анча яқинлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, унга кўра 2009 йилнинг ўрталарида мамлакат аҳолиси 28,15 кишини ташкил этиб, йиллик 1 млн. кишига ўсиб бораётганлиги таъкидланади. Афғонистон Марказий статистика ташкилотининг ҳисоботида кўра мамлакат аҳолиси 2008-2009 йилларда 25 млн. кишини ташкил этган (кўчманчилар билан бирга) бўлиб, афғон статистикасининг расмий маълумотларига кўра мамлакат аҳолисининг йиллик ўсиши 2,03 % эканлигини[12], бу эса мос равишда 2009-2010 йилларда 25,5 млн. кишини ва 2010-2011 йилларда 26 млн. кишига кўпайганлигини кўрсатади[5]. Ушбу ташкилотнинг 2018 йилги маълумотларида эса Афғонистон аҳолиси 31,58 млн. киши бўлиб, уларнинг 1,5 млн. ни кўчманчи-чорвадорлар ва 30,08 млн. аҳоли эса муқум яшовчилар эканлиги айтилади[13]. МРБ (Марказий Разветка Бошқармаси, АҚШ) хабарида эса уларнинг миқдори 34,94 млн. киши эканлиги айтилади[8].

Википедиянинг инглиз тилидаги маълумотларида Афғонистондаги ўзбеклар миқдорини 1990 йилларда тахминан 1,3 млн. бўлганини, ҳозирги кунга келиб эса, 2 млн. атрофида экани айтиб ўтилади[14;15]. Бутун дунё бўйлаб яшаётган ўзбекларнинг мамлакатлар ва минтақалар бўйича тақсимоотида эса афғон ўзбеклари сонини 3 млн. 843 минг нафар яъни мамлакат умумий аҳолисининг 11 % и деб кўрсатилади[16;17]. Шу билан биргаликда инглиз тилидаги маълумотларда яна бир қанча тадқиқот ҳамда сўровнома натижалари йиллар кесимида тақдим этилади. Хусусан, World Factbook// Library of Congress Country Studies тадқиқотларида 2004 йилгача ўзбеклар Афғонистон аҳолисининг 6-8 % ини [18], кейинги йилларда эса 9% ини ташкил этаётганлигини таъкидланади[19].

Интернет сайтлари маълумотларида афғон ўзбеклари асосан мамлакатнинг Жузжон, Балх, Фарёб, Қундуз, Тоҳар, Самангон, Ҳирот ва қисман Бағлон вилоятларида истиқомат қилишини, Мозори Шариф, Шибирғон, Маймана, Ойбак, Толуқон, Қундуз ва Тошқўрғон шаҳарларида аҳолининг кўпчилигини ташкил этиши таъкидланади. Албатта бу маълумотлар ҳам асосан Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида келтирилган маълумотлар асосида тайёрлангани айтилади[4].

Фарб адабиётларида Афғонистонда яшовчи ўзбеклар сонини 1,5 млн. дан 3 млн. гача деб маълумот берилади[20, Б.8]. Хусусан, Library of Congress - Federal Research Division электрон интернет қидирув бўлимининг Country Profile бўлимида Афғонистон ҳақида берилган маълумотларда мамлакат аҳолисининг умумий сонини

2008 йил ҳолатига кўра, 32,7 млн. киши эканлигини, этник таркибига кўра эса, унинг 9 % ни (бу тахминан 2 млн 943 минг киши атрофида) ўзбеклар ташкил қилишини ва улар асосан мамлакатнинг шимолий ҳудудларида яшашини таъкидлайди[21, Б.6].

Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича таниқли мутахассислардан бири А.Князев ўз тадқиқотларида келтирган маълумотларга кўра, Афғонистон Ислом Республикаси аҳолисининг этник таркибида туркий этносларнинг миқдори 1 млн. 920 минг киши бўлиб, шундан 1 млн. 300 минги ўзбеклар, 545 минги туркманлар, 35 минги афшорлар, 15 минги қирғизлар ва 5 минги қозоқлардан иборат эканлигини айтиб ўтади. Шунингдек, олим ўз асарида Афғонистон аҳолисининг этник таркиби ва миқдори таҳлилларини ўтказган бир неча тадқиқотчиларнинг ҳам фикрларини келтиради. Хусусан, Афғонистон Ислом Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига вакили доктор Раван Фарҳади берган маълумотларда 2000 йил ҳолатига кўра, мамлакатнинг этноконфессионал таркибида ўзбекларнинг улуши 10 %ни ташкил этишини, тадқиқотчи М.Ламаулина эса Афғонистонда яшовчи турли миллат вакиллариининг миқдорини уларнинг қўшни давлатлардаги сони билан таққослаб, ўтган асрнинг 90-йилларида афғон ўзбекларининг сони 1 млн.700 минг кишини ташкил этишини таъкидлайди, яна бир тадқиқотчи В.Бушкова Афғонистон аҳолиси таркибида ўзбеклар учинчи этник гуруҳ эканлигини, 1986 йилда улар 1,5 млн. кишини яъни умумий аҳолининг 9 % ини ташкил этишини, бу миқдор 90-йилларнинг охирида 2 млн.га етганлигини таъкидлайди. Афғон ўзбеклари ҳудудлар бўйича асосан, мамлакатнинг Шимолий минтақалари бўйлаб жойлашган бўлиб, минтақа вилоятлари икки қисмга бўлинишини Чор-Вилоят (тўрт вилоят) бўлиб, Маймана, Ахча, Балх ва Қундуз вилоятлари ва уларнинг марказий шаҳарларида хусусан, Фарёб - маркази Маймана, Жузжон - маркази Шибирғон, Балх - маркази Мозори-Шариф шаҳри ва Қундуз - маркази Қундуз шаҳарлари, ўзбекларнинг кўпчилик қисми яшовчи Тоҳар минтақасида (шаҳар марказлари Дашт-и Қалъа, Янги қалъа, Ходжагар, Чохи-об ва бошқа шаҳарлар) яшаб келишаётганлигини таъкидлайди[22, Б.21-22].

Ўзбек таҳлилчи, тадқиқотчи ва мутахассислари ҳам Афғонистонда яшовчи ўзбекларнинг сони ва ҳудудий жойлашуви ҳақида ўзларининг қарашлари ва фикрларини билдириб, уларни икки гуруҳга ажратиб кўрсатишади:

- биринчи гуруҳга айнан маълум бир манбаларга таянган ҳолда, уларнинг ўсишига илмий-тарихий ва ижтимоий жиҳатдан ёндошиб, таҳлиллар асосида маълум бир фикрни билдирсалар;

- иккинчи гуруҳ таҳлилчилари эса афғон ўзбекларининг сонини расмий рақамларда кўрсатилганлардан анча кўп эканлигини айтиб ўтадилар.

Дастлабки гуруҳдаги мутахассислардан афғон ўзбеклари бўйича айнан Афғонистонлик ўзбеклар билан суҳбатлар олиб борган, маданияти ва урф-одатлари, халқ оғзаки ижодидан намуналарини ўрганиб, шу билан биргаликда ХХ асрнинг 20-йиллари атрофида советлар бошқарувига қарши қуролли қаршиликларга раҳбарлик қилган Муҳаммад Иброҳимбек Лақай ва у билан бирга Афғонистонга ўтиб кетган бошқа ўзбеклар ҳақидаги маълумотларни йиғиб, ушбу маълумотларни яхлит бир асар ҳолига келтирган Насириддин Назаров [23;24] ўзбеклар асосан мамлакатнинг шимолий қисмларида яшашини таъкидлайди. Шимолий Афғонистон икки минтақа - Туркистон ва Қатағон минтақаларидан иборат. Туркистон минтақасига - Фарёб, Жузжон, Сарипул, Балх ва Самангон

вилоятлари; Қатағон минтақасига - Бағлон, Қундуз, Тоҳар ва Бадахшон вилоятлари киради. Ўзбеклар бугунги Афғонистон шимолида Майманадан Бадахшонгача бўлган ҳудуд ҳамда Саланг довонининг бериги тарафида жойлашган[23,Б.7]. Ушбу мутахассис Афғонистонда яшовчи ўзбек уруғларининг ҳудудий жойлашуви ва миқдори таҳлили бўйича икки хил ёндошувни қайд этади: а) айрим йирик ўзбек элат ва уруғларининг ҳудудлар бўйича яшовчи хўжалик (оила, хонадон)лар сони тақсимооти ҳамда б) минтақа (вилоят, улусволи, қария (қишлоқ))лар бўйича аҳоли сони ва уларнинг таркибидаги ўзбек (уруғ) ларининг улуши миқдорининг қанча эканлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Қатағон минтақаси: Бадахшон вилоятининг етмиш фоиз аҳолиси ўзбеклар бўлиб, ... ўзбек миллатининг мўғул, уйғур, барлос, қипчоқ ва қарлуқ уруғлари истиқомат қилишади. Тоҳар вилоятида бир миллион икки юз минг аҳоли яшаб, асосий қисми, яъни 70 фоизи ўзбеклар: ўзбекнинг қатағон, мўғул, лақай, қарлуқ, ва қозоқ уруғлари зич ҳолда истиқомат қилишади. Тоҳар вилояти этник жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, ўзбек элат ва уруғларининг деярли барчасини учратиш мумкин. Қундуз вилояти аҳолисининг 35-40 фоизи ўзбеклар бўлиб, асосан ўзбекнинг қатағон, қўнғирот, қарлуқ, юз (жуз), лақай, дўрмон, манғит, аймақ элатларидир. ... Вилоят маркази - Қундуз шаҳри бўлиб, шаҳар аҳолисининг 15-20 %и ўзбеклардир. Бағлон вилоятида "...қўнғирот, дўрмон, тотор, мўғул, лақай, қарағузи, балиқчи, сақаб, жажа (жожо), найман, беклар, бурка, пошшойи, мардат, чурақ, хитой, чечка, қавчин, қара қўнғирот, оқ қўнғирот, сариқ қўнғирот, арлот, ёмчи, турқул, қарача ва ҳ.клар истиқомат қилишади".

Туркистон минтақаси: Самангон вилоятида ўзбек, тожик, пуштун, татар ва ҳазоралар истиқомат қилишади. Яъни: "... қўнғирот, лақай, уйғур, беклар, уймоқ, тотор, чигатой, қипчоқ ва бошқалар"ни учратиш мумкин. ... Мозори Шариф шаҳрида истиқомат қилувчи 73 ёшли Ҳожи Абдуҳолиқ Йўлдош ўғлининг гувоҳлик беришича, вилоят бўйича тўрт юз минг хўжалик, шундан бир юз эллик минг хўжаликдан ортиғи ўзбеклардир. Балх вилояти Афғонистондаги энг йирик вилоят ҳисобланиб, аҳоли сони икки ярим миллионни ташкил этади. Аҳолининг етмиш фоизини туркманлар ва ўзбеклар ташкил этади. Сарипул вилояти аҳолисининг 65 % ўзбеклар бўлиб, қолган 35 % и ҳазора, тожик, пуштун ва аймақлардир. Фарёб вилояти Гурзивон, Билчироқ, Имом Соҳиб, Алмор, Қайсор, Хўжаномуса, Ширин Тагор, Жумабозор, Давлатобод, Куҳистонот, Бандар, Андхўй, Қарамқул улусволларидан иборат. Вилоятнинг умумий аҳолисининг етмиш фоизини ўзбеклар ташкил этишиб, пуштунлар - 15 %; тожиклар - 8 %; туркманлар - 6 %; аймақлар - 2 %; ҳазоралар - 1 % атрофидадир. Андхўй Фарёб вилоятидаги йирик ҳудуд бўлиб, аҳолисининг ҳаммаси туркий тиллилардир. Ўзбеклар етмиш фоиз, туркманлар ўттиз фоиз. Жузжон вилоятининг маркази Шибирғон шаҳридир. Шибирғон шаҳрининг ярми ўзбек, қолгани туркман, тожик, паштун ва ҳазоралардир. ... Вилоятнинг 105 қариясидан аксарияти ўзбек. 3-4 қарияда эса туркманлар. Бадғис вилоятида паштунлар 50 %; аймақлар 45 %; ўзбеклар эса 5 % ни ташкил этади. Ўзбекларнинг Сурхоби деган уруғи вилоят марказидан 5 км. масофада истиқомат қилишиб, тахминан ўн минг хўжаликни ташкил этадилар. Бадғис, Ҳирот, Маймана, Андхўй, Шибирғон, Сарипулдан тортиб то Мозори Шарифгача бўлган ҳудуд Туркистон минтақаси сифатида эътироф этилади [23,Б.27-43]. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Н.Назаров юқоридаги маълумотларни келтиришда Бахриддин Шарқ Эр Онолининг маълумотларига таянганлигини билдиради[25].

Шунингдек, ўзбекларнинг дунё географиясидаги жойлашуви ҳамда қўшни

Афғон диёрида туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг сони мамлакат нуфусидаги улуши ҳақида қисқача таҳлиллар олиборган ўзбек тадқиқотчилари А.Исмоилов ва А.Тошқинлар[26, Б.12-16], [27, Б.4-5] ўтган асрнинг сўнгги чорагидаги Афғонистондаги ўзбекларнинг миқдорини таҳлил қилиб ўтадилар. Жумладан, ушбу мутахассисларнинг биргаликдаги Афғонистондаги туркий тилларнинг аҳволи ҳақидаги тадқиқотларида мамлакатда яшовчи ўзбекларнинг улуши хусусида Афғонистонда яшовчи туркийзабонлар, ўзбекларнинг сони ҳақида турли манбаларда турлича маълумотларни учратамиз. ... Шунинг учун манбалар ўртасида катта фарқлар кўзга ташланади. Агар афғон тарихчи олими Мирғулом Муҳаммад Ғубор ўзининг "Афғонистоннинг янги тарихи" асарида келтирилган маълумотларга асосланадиган бўлсак, Афғонистонда тақрибан 1 млн.га яқин киши туркий (ўзбек) тилида сўзлашади. Булардан 300 000 киши туркманлар бўлиб, улар ўз тилларида сўзлашадилар[28],[26, Б.12].Сайид Мўбошир Сулаймон Косонийнинг фикрига кўра эса мамлакат аҳолиси 19,5 млн. бўлиб, шундан 35% и туркийлар ва 1 %и бошқа миллат вакиллари дир[29],[26, Б.12].Туркияда нашр қилинадиган "Туркистон" журналида доктор Қиёмиддин Барлоснинг мақоласи эълон қилиниб, унда олим ўзбекларнинг Афғонистондаги нуфусини 3,5 млн. киши деб кўрсатади[30],[26, Б.12].Маълумки, Афғонистон 34 вилоятга бўлинган бўлиб, ўзбеклар шимолий минтақалардаги 20 та вилоятда истиқомат қилишади. Ўзбеклар Кобул вилоятида аҳолининг 20-25 %, Ҳирот вилоятида 20%, Бодғис вилоятида 10%, Балх вилоятида 35 %, Фарёб ва Жузжон вилоятларида аҳолининг аксарият қисми ва Самангон вилоятида 40% гача ташкил қилади. Шунингдек, ўзбек ва туркманлар Афғонистоннинг Парвон, Каписо, Пактия, Ҳелманд, Қандаҳор, Логар, Вардак, Ҳирот вилоятларида ҳам яшайдилар. Қундуз, Бағлон, Тоҳар вилоятларида ҳам ўзбеклар аҳолининг уч-тўртдан бир қисмини ташкил қилади[26, Б.12].

А.Исмоилов ўзбекларнинг дунё бўйлаб географик жойлашуви ҳақидаги таҳлилларида эса, 1979 йилги аҳолини рўйхатга олиш комиссиясининг маълумотларига кўра, Афғонистондаги 15,55 млн. кишидан 9 фоизи ўзбеклар дир[31],[27, Б.4]. Бошқа манбаларда эса ўзбекларнинг сони 2 млн. киши атрофида деб кўрсатилади [32],[27, Б.4]. Афғонистондаги ўзбеклар ҳақидаги тўлароқ маълумотни Туркистон ҳарбий округининг сиёсий бошқармаси томонидан чиқарилган китобдан топамиз[33][27, Б.4]. Мазкур китобча муаллифларининг ёзишича Афғонистон 29 вилоятга бўлинган бўлиб, ўзбеклар Афғонистоннинг Шимолий минтақаларидаги 20 вилоятда истиқомат қилишади. Масалан, Кобул шаҳрида 1,6 млн. аҳолидан 0,7 фоизини ўзбеклар ташкил қилади. Кобул вилоятида эса 348,5 минг аҳолидан 30 % ини ўзбеклар, ҳазорийлар, балужлар ва бошқалар ташкил этади. Парвон вилоятидаги 528 минг аҳолининг 6 %и ҳазорийлар, ўзбеклар ва белужлар. Каписо вилоятидаги 262,1 минг аҳолидан 5 % ҳазорийлар ва ўзбеклар, Қандаҳор вилоятида 598 минг аҳолидан 20 %и тожиклар, ўзбеклар ва белужлар ташкил қилади. Филмонд вилоятида 541 минг аҳолидан 5 %и ҳазорийлар ва ўзбеклар, Забул вилоятида 187 минг аҳолидан 20%и ўзбеклар, ҳазорийлар ва бошқа халқлар ташкил қилади. Логар ва Вардак вилоятларида ҳам ўзбеклар яшайдилар. Ҳирот вилоятида эса кўп миқдорда ўзбеклар учраб туради. Бодғис вилоятида (маркази Қалайи-Нав шаҳри) 244,3 минг аҳолининг 10 %и ўзбеклар ва туркманлар, Балх вилоятида эса (маркази Мозори-Шариф шаҳри) 640 минг аҳолининг 35 %ини ўзбеклар ташкил қилади. Жузжон вилоятида (маркази Шибирғон шаҳри) 615,9 минг аҳоли бўлиб, уларнинг аксариятини ўзбеклар, туркманлар, паштунлар ва

тоожиклар ташкил қилади. Фарёб вилоятидаги (маркази Маймана шаҳри) 609 минг аҳолининг катта қисмини ўзбеклар ташкил қилади. Саманган вилоятида (маркази Айбак) 273,9 минг аҳолидан 40 фоизини ўзбеклар ташкил қилади. Бадахшон вилоятида (маркази Файзиобод шаҳри) 520,6 минг аҳолининг 8,8 %ини ўзбеклар ташкил қилади. Қундуз вилоятида (маркази Қундуз шаҳри) 220 минг, Баҳлон вилоятида 35 минг, Тоҳар вилоятида (маркази Толикон шаҳри) 135 минг нафар ўзбеклар истиқомат қилади[27, Б.4-5].

Афғонистонда яшаган ва яшаётган туркийзабон аҳолини, ва шу жумладан ўзбекларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Афғонистонда азалдан яшаб келаётган туб ўзбек аҳолиси;
2. Турли сабаблар билан Афғонистонга келиб қолган муҳожир ўзбеклар[26, Б.13].

Аввалдан Афғонистонда яшаб келаётган ўзбекларнинг сони XX асрга келиб, муҳожир ўзбеклар ҳисобига кескин ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. Айнан ўзбек тарихшунослигида муҳожир ўзбеклар тарихи, унинг сабаб ва оқибатлари бўйича чуқур тадқиқот олиб борган олим Шодмон Ҳайитов ўзининг барча асарларида Афғонистондаги ўзбек муҳожирлиги сабаб ва омилларига шунингдек, уларнинг кейинги ҳаёт сўқмоқларига алоҳида тўхталиб ўтади. [34;35;36;37;38;39] Олим Ўрта Осиё ҳудудларидан кўшни Афғонистон ерларига муҳожирликка кетиш XIX асрнинг II ярмида бошланганини, яъни ўзбек сиёсий муҳожирлиги тарихи Россия империясининг Ўрта Осиёни бўйсиндириш учун босқинчилик урушлари даврида ва мустамлакачилиги йилларидан (1867-1917 йиллар) бошланганини таъкидлайди. Қўқон хонлигининг ҳудудларини босиб олишдан бошланган Россия истилочилиги юришларига қарши муҳофаа жангларида иштирок этган шахслар хонликдаги шаҳар ва қишлоқлар бирин-кетин босқинчилар қўлига ўтиб боравергач, кўшни давлатлар - Афғонистон ва Шарқий Туркистон ҳудудига ўтиб кетдилар[38,Б.25-26]. Тадқиқотчи Ҳ.Тўраевнинг маълумотича, 1867-1868 йилларда Бухоро амирлиги ва Россия ҳарбийлари ўртасидаги тўқнашувлар натижасида енгилган ватанпарварларнинг бир қисми Туркия, Афғонистон ва Хитойга ўтиб кетишган [40;38,Б.26]. Пўлатхон қўзғолони йилларида ҳам (1973-1876 йиллар) Россия империясига қарши курашда енгилган кучлар Афғонистон ва Хитойга ўтиб кетдилар. Бухоро амирлиги ярим мустамлакага айлантирилганидан сўнг ҳам ўзбек, туркман, тожик халқи вакиллари анча киши Амударёнинг чап қирғоғи (Афғонистон)га ўтиб кетишади. Муҳожирликка мажбур қилинган ўзбеклар Шимолий Афғонистоннинг Балх, Қундуз, Шибирғон, Андхўй, Маймана, Баҳлон, Сарипул, Ахча, Мукри каби ҳудудларига келиб ўрнашганлар[38,Б.27]. "XIX асрнинг охирида Маймана ва унинг атрофларида ўзбеклардан тахминан 5 минг оила, Сарипулда 4 минг оила, Андхўй атрофларида 3,3 минг оила, Шибирғон атрофларида 3,5 минг оила, Мукри районида 1000 оила истиқомат қилган" [41,Б.44; 38,Б.27]. Абдурахмонхон ҳукмронлиги йилларида Афғонистонга ўтган ўзбеклар маҳаллий ўзбеклар билан аралашиб, деҳқончилик, чорвачилик, тижорат каби соҳалар билан шуғулланганлар. Афғонистоннинг марказий ва жанубий ҳудудларида ҳам ўзбеклар яшаганлар. "XIX асрнинг охирида Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Марғилон шаҳарларидан бориб қолган 2,5 минг ўзбек оиласи яшаган"[41,Б.44; 38,Б.28]. 1884-1886 йилларда Шимолий Афғонистондаги мустақил бекликларни бўйсиндирган амир Абдурахмон ўзбек ва туркманлар яшайдиган ерларга 18 минг оила пуштунларнинг урушқоқ гилзой қабиласи вакиллари кўчирган. Аксинча, 12 минг ўзбек оиласи Кобул ва

Қандаҳорга мажбуран кўчирилганлар [42,Б.10-11;38,Б.28]. Бухоро амирлиги ҳудудидаги бекликлардан қўшни Афғонистон давлатига муҳожирликка кетиш 1910 йилларда яқка тартибда ва оммавий тарзда давом этган. Бухоро амирлигининг Қабадиён беклигидан 1913 йил кузида кўплаб бухоролик (ўзбек) оилалар Афғонистонга кўчиб ўтади. Муҳожирликнинг сабаби Қабадиён беги Давронбек Тўқсоба томонидан халққа катта солиқ солиниши ҳамда Афғонистонга ўтган рус фуқаролигидаги сартлар (ўзбеклар) га текин ер берилиши ва уларнинг 5 йилгача ҳар қандай солиқлардан озод қилиниши бўлган[43;38,Б.29].

Совет даври ўзбек муҳожирлиги масаласи ҳақида фикр юритилар экан, муҳожирлик жараёнини қуйидаги босқичларга бўлиш ўринли бўлар эди.

1. 1917-1924 йиллар босқичи.
2. 1925-1930 йилларнинг иккинчи ярмига қадар бўлган босқич.
3. Иккинчи жаҳон уруши йиллари босқичи[39,Б.41-42].

1920 йилнинг кузида Бухородаги амирлик бошқарувига асосланган монархия тартибиқизил армия босқини оқибатида тугатилди[39,Б.47]. Бухоронинг сўнгги монархи, ҳукумдор Амир Саййид Олимхон 1921 йил 4 мартда Панж дарёсининг Чубек ирмоғи орқали Афғонистон чегарасига ўтади. Амир Олимхон қўшни давлатга ўтаётганида нафақат бек ва аъёнлари эмас, балки минг-минглаб оддий халқ вакиллари ҳам унга эргашганлар. 1921 йилда Бухорони тарк этган амир ортидан 250 минг киши ёки 50 минг оила Афғонистонга ўтиб кетади[37,Б.21].Амир Олимхон Рустоқ Қатағон йўли орқали Кобулга етиб келади. Юз минглаб ўзбек, тожик, туркманлар Балх, Мозори Шариф, Журжон, Фароб, Самангон, Хонобод, Қундуз, Тоҳар, Бадахшон, Қобул, Қандаҳор, Ҳирот, Пактиё, Нангарҳор вилоятлари бўйлаб тарқалиб кетади[35,Б.30]. 1918-1922 йилларда "босмачи" йўлбошчилари билан Афғонистон чегарасидан ўтган 1 миллион атрофидаги туркистон-ликлар ушбу мамлакат ҳудудлари бўйлаб тарқалиб кетдилар [38,Б.100]. Кейинги ер-сув ислоҳатлари, колхозлаштириш ва жамоалаштиришдан норози Туркистон халқи қўшни давлатларга ўтиб кета бошладилар. "Тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, 1931 йилда Эронга 1073, Афғонистонга 1218, Хитойга 40 хўжалик муҳожирликка кетган" [38,Б.59-60]. Ушбу муҳожирликка кетганларнинг бир қисми Афғонистон орқали бошқа хориж мамлакатларига чиқиб кетган бўлсада, уларнинг аксарияти Афғонистондаги маҳаллий ўзбеклар билан қоришиб, улар салмоғининг сезиларли даражада ошишига сабаб бўлди. Шу ўринда XX аср давомидаги афғон ўзбекларининг миқдори хусусида шарқшунос олим Х.Ҳашимбеков хориж олимларининг маълумотларига таяниб, Шимолий Афғонистонда 1921 йилда 800 минг, 1960 йил 1,2 миллион, 1986 йилда 1,5-1,6 миллион атрофида ўзбеклар яшаганлиги билан боғлиқ рақамларни келтиради. Юқоридаги рақамлар Афғонистоннинг Маймана, Мозори Шариф, Балх, Шибирғон, Хонобод, Қундуз, Тошқўрғон, Мукри вилоятларидаги ўзбекларга тегишлидир[42,Б.12-13;38,Б.106].XX асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йиллари бошларида Афғонистонда 1,5 миллион ўзбеклар истиқомат қилиши қайд этилади. [44, Б.3-5;38,Б.106] Тошкент Давлат университетиде таҳсил олган ўзбек миллати вакилларида афғон фуқаролари Ҳадиса Абдувоҳоб ва Фулом Расуллар ўз радио суҳбатларидан бирида: "Афғонистондаги ўзбеклар сони 3-3,5 миллион киши атрофида", - деб маълумот беради[45,Б.3; 38,Б.108-109].Архив ҳужжатларида Афғонистон ўзбекларининг сони 3 млн; 2,3 млн; 1,8 млн; ҳатто 300 минг киши деб ҳам маълумот берилади [46;38,Б.109].

Энди иккинчи гуруҳ таҳлилчиларимизнинг фикрларига эътибор қаратадиган

бўлсак, уларнинг кўпчилиги асосан интернет тармоғидаги ахборот нашрлари маълумотлари ёки газета материаллари эканлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, тарихчи-публицист Шухрат Саломов Барлос ўзининг ижтимоий сайтларда келтирган маълумотларида "Афғонистондаги ўзбеклар сони қанчалик камайтириб кўрсатилмасин, 7-8 миллиондан ошиб кетганлиги кўпчилик мутахассисларга маълум. Ўзбекистондан сўнг, сон жиҳатдан Ўзбекистон ташқарисида яшайдиган ўзбеклар ичида Афғонистон ўзбеклари дунёда биринчи ўринда туради" -деб таъкидлайди[47]. "Сурхон тонги" газетасида эълон қилинган Афғонистон фуқароларини ўқитиш маркази ҳақидаги мақоладамуаллиф ушбу ўқув марказининг аъзоси, афғонистонлик Рухшона Ҳакимийнинг қуйидаги фикрларини келтиради: " - Бизда 7 миллионга яқин ўзбеклар истиқомат қилади, аммо ўзбек тилида сабоқ берадиган мутахассислар етишмайди. Шу боис, бу ерда ўзбек тили ва адабиётини ўрганиб, юртимиздаги болаларга ўзбек тилидан дарс бермоқчиман"[48]. "Сурхон тонги" газетасининг Афғонистон фуқароларини ўқитиш марказидаги афғонистонлик талабаларга яратилган шароитлар ҳақидаги яна бир мақолада газета муҳбири томонидан "Айни пайтда Афғонистонда 7 миллиондан зиёд ўзбек яшайди" - деган фикрлар келтирилади[49]. Бу каби маълумотни А.Исмоилов ва А.Тошқинда ҳам учратамиз жумладан, "Афғонистондаги нуфузли кишилардан бири, ҳозирги пайтда Афғонистон мудофаа вазирининг ўринбосари(мақола 2005 йилда эълон қилинган -Н.Х.), миллати ўзбек Абдурашид Дўстим ҳам мухбирлар билан бўлган суҳбатда ўзбеклар сонини 5-6 млн. киши атрофида деб айтган"[26,Б.12]. Тадқиқотчи Ф.Джуманиёзованинг фикрида ҳам биз Афғонистондаги ўзбекларнинг сони расмий маълумотларда келтирилганидан кўпроқ эканлиги тўғрисидаги маълумотларни учратамиз. Мазкур ҳудудда истиқомат қилаётган ўзбекларнинг сони 2,7 млн. кишини ташкил этиши ҳақида маълумотлар асосан интернет тармоқларида кенг тарқалган. Афғонистондаги ўзбеклар сони қанчалик камайтириб кўрсатилмасин, 4-5 млн. дан ошиб кетганлиги кўпчилик мутахассисларга маълум. Расмий маълумотларга кўра уларнинг адади 3 миллиондан кўпроқ эканлигини таъкидлайди[2,Б.286-295]. Юқоридаги фикрларга асос сифатида Балх университетининг профессори, тиббиёт фанлари доктори Абдулла Дармоннинг гувоҳлик беришича Афғонистонда туркий халқлар саккиз миллионни ташкил этиб, шундан беш ярим миллиони ўзбеклар эканини айтиб ўтади [23,Б.7].

Афғонистондаги аҳолининг умумий сони, унинг этник таркиби ва ҳудудий жойлашувини аниқлашда ҳатто бир вақтнинг ўзидаги маълумотларда ҳам турли хил рақам ва миқдорлар келтирилмоқда. Ана шу жиҳатларга эътиборни қаратган ҳолда доимий ноаниқликни келтириб чиқаришга сабаб бўлувчи қуйидаги омилларни санаб ўтишимиз мумкин:

- Афғонистонга муҳожир сифатида келган ёки маҳаллий афғон ўзбеклари бўлсин маълум бир даврда уларнинг бир қисми турли ижтимоий-сиёсий омиллар туфайли ўз манзилларини ташлаб бошқа хориж давлатларига кетишга мажбур бўлишган. Жумладан, 1951-1952 йилларда Афғонистондан Туркия Республикасига 400 оила ўзбекларининг кўчиши, 1978 йил апрел воқеаларидан кейин Афғонистонни тарк этган 600 минг ўзбекнинг бир қисми Туркияга жойлашди [38,Б.102]. 1978-1989 йиллардаги "Афғонистон муаммоси" туфайли қочоққа айланган ўзбек оилалари асосан Покистон ва Туркиядан паноҳ топди [38,Б.102]. Худди шунингдек, Афғонистондаги ўзаро ички урушлар ва толибонлар режими даврида ҳам жуда кўплаб афғон фуқаролари мамлакатни тарк этиб қўшни Покистон ва Эрон ҳудудларига қочоқлар сифатида чиқиб кетишга мажбур бўлишди. Улар орасида

албатта кўплаб афгон ўзбеклари ҳам бор эди. Бундай ҳолат эса ҳамيشа мамлакат аҳолисининг умумий сонини аниқлашда ҳам, аҳолининг этник таркибини ҳисоблашда ҳам ноаниқликни келтириб чиқаради.

- Мазкур муаммонинг яна бир мураккаблиги шундаки, хориждаги Ўрта Осиё миллати вакиллари ўзларини "қозоқ", "қирғиз", "ўзбек" деган ном билан эмас, балки умумий ном билан, "туркистонлик" деб таништирадilar. Бу эса улар орасида айнан ўзбеклар сони қанчалигини аниқ рақамлашда ўзига хос қийинчилик туғдиради[38,Б.104].

- Умуман, туркий макроэтносда уруғларнинг у ёки бу миллатга мансублиги нисбий бўлиб, бу геохудудий омил ҳамда атрофдаги туркий тилли этносларнинг идентификациялаш ҳолатлари билан белгиланади. Жумладан, жуз(юз)лар иттифоқи бугунги қозоқ миллатини ташкил этган бўлсаларда, юзлар ўзбек миллатининг таркибида ҳам мавжуд. Кўнғиротлар ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқлар таркибида мавжуд. Худди шунингдек, қозоқлар алоҳида миллат бўлиши билан бир қаторда қозоқ этнонимини ўзбек миллати таркибидаги уруғлар ичида ва ҳатто лақай элатининг таркибидаги уруғ номи сифатида ҳам учратиш мумкин[23,Б.28].

Бу каби сабаб ва омилларни яна давом эттиришимиз мумкин. Хусусан, мамлакатдаги узоқ йиллик тинимсиз урушлар натижасида иқтисодийнинг издан чиқиши ва аҳолининг ишчи кучи сифатида ички ва ташқи меҳнат миграцияси, мамлакат ҳудудининг 4/5 қисми тоғли ҳудуд ҳисобланиб, аҳолининг кўпчилик қисми кўчманчи чорвачилик билан шуғулланувчилар ҳисобланади ва улар ўз чорвалари билан мавсумий яйловлар излаб тоғларга чиқиб кетса, баъзилари ҳатто кўшни давлат (асосан Покистон) ҳудудларига ҳам ўтиб кетишади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Афғонистон бўйича "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи // "Халқ сўзи" газетаси, № 59-60 (7017-7018) - сон, 2018 йил 28 март. (Mirziyoev Sh.M. Speech of the International Conference on Afghanistan "Peace Process, Security Cooperation and Regional Partnership" // KhalkSuzi newspaper, No. 59-60 (7017-7018), March 28, 2018.)

2. "Афғонистон XX ва XXI асрлар чораҳасида: тарихий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жиҳатлари ва унинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабати масалалари" халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами, (Тошкент, 2019 йил 21-22 июнь). (Proceedings of the International Scientific and Practical Conference "Afghanistan at the Crossroads of the 20th and 21st Centuries: Historical, Socio-Political, Political Aspects and Their Relationships with the Central Asian Countries," (Tashkent, June 21-22, 2019).

3. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Afg%CA%BBoniston>

4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Тошкент, 2000, I жилд, 524-бет. (The National Encyclopedia of Uzbekistan. - Tashkent, 2000, Volume I, page 524.)

5. https://ru.wikipedia.org/wiki/D0%A3%D0%B7%D0%B1%D0%B5%D0%BA%D0%B8_%D0%B2_%D0%90%D1%84%D0%B3%D0%B0%D0%BD%D0%B8%D1%81%D1%82%D0%B0%D0%BD%D0%B5

6. <https://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Узбеки&oldid=103460961>

7. Dupree L., "Afgh?nist?n: (IV.) ethnography", в энциклопедии Iranica, Online Edition 2006.

8. Справочник ЦРУ "Страны мира" (Directory of the CIA "Countries of the world")

9. South Asia : Afghanistan - The World Factbook - Central Intelligence Agency. www.cia.gov. Дата обращения 18 марта 2019.

10. "Опрос населения Афганистана - Афганистан в 2006 году", Азиатский Фонд, технической помощи со стороны Центр по изучению развивающихся стран (ЦСО, Индия) и афганских Центр Социально-экономические и научно-исследовательский Мнение(ACSOR), Кабул, 2006, PDF (10. "Afghanistan Population Survey - Afghanistan in 2006", Asian Foundation, Technical Assistance from the Center for the Study of Developing Countries (CSO, India) and the Afghan Center for Socio-Economic and Research Opinion (ACSOR), Kabul, 2006, PDF)

11. go.com/images/PollingUnit/1083a1Afghanistan2009.pdf ABC News / BBC / ARD Poll - AFGHANISTAN: WHERE STAND STAND Archived July 15, 2013 on Wayback Machine, February 9, 2009, p. 38-40

12. Центральная статистическая организация Афганистана. Статистический ежегодник за 2007/2008 гг. (Central Statistical Organization of Afghanistan. Statistical Yearbook 2007/2008)

13. Central Statistics Organization of Afghanistan

14. "Uzbek,". Encyclopaedia Britannica. Archived from the original on 2011-11-27. Retrieved 2011-11-06.

15. [https://en.wikipedia.org/Ethnic groups in Afghanistan](https://en.wikipedia.org/Ethnic%20groups%20in%20Afghanistan)

16. "Afghan Population: 34,940,837 (July 2018 est.) [Uzbeks = 11%]" (<https://www.cia.gov/library/publications/resources/the-world-factbook/geos/af.html>). Central Intelligence Agency (CIA). The World Factbook. Retrieved 13 April 2019.

17. <https://en.wikipedia.org/w/index.php?title=Uzbeks&oldid=927902712>

18. "Ethnic groups: Pashtun 42%, Tajik 27%, Hazara 9%, Uzbek 9%, Aimak 4%, Turkmen 3%, Baloch 2%, other 4%". The World Factbook. Central Intelligence Agency (CIA). Archived from the original on 2013-10-14. Retrieved 2010-09-18. // "Country Profile: Afghanistan" (PDF). Library of Congress Country Studies on Afghanistan. August 2008. Archived (PDF) from the original on February 26, 2005. Retrieved October 10, 2010.

19. "Ethnic Groups". Library of Congress Country Studies. 1997. Archived from the original on 2009-01-10. Retrieved 2010-10-08. // "The World Factbook - Afghanistan". The World Factbook/Central Intelligence Agency. University of Missouri. October 15, 1991. Archived from the original on April 27, 2011. Retrieved 2011-03-20. _#_ Ethnic divisions: Pashtun 50%, Tajik 25%, Uzbek 9%, Hazara 12-15%; minor ethnic groups include ChaharAimaks, Turkmen, Baloch, and other. // "PEOPLE - Ethnic divisions:". The World Factbook/Central Intelligence Agency. University of Missouri. January 22, 1993. Retrieved 2011-03-20. Pashtun 38%, Tajik 25%, Uzbek 6%, Hazara 19%; minor ethnic groups include ChaharAimaks, Turkmen, Baloch, and others.

20. Marlene Laruelle, Sebastian Peyrouse, Vera Axyonova. The Afghanistan - Central Asia relationship: What role for the EU? EUCAM Working Paper No. 13. P. 8. WWW.EUCENTRALASIA.EU

21. Library of Congress - Federal Research Division. Country Profile: Afghanistan, August 2008.

22. Князев А.А. История Афганской войны 1990-х гг. и превращение Афганистана в источник угроз для Центральной Азии / Изд-во КРСУ. Изд-е 2-е, переработ. и доп. - Бишкек, 2002. - С. 21-22. (Knyazev A. History of the afghan war in 1990's and the

transformation of Afghanistan into a source of instability in Central Asia/ KRSU Publishing. Second edition, re-cast and supplementary - Bishkek, 2002. - P. 21-22.)

23. Назаров Н. Афғонистон ўзбеклари. - Тошкент, 2011. (N.Nazarov. Uzbeks of Afghanistan. - Tashkent, 2011.)

24. Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай. - Т.: ИФИАК, 2006. // (N.Nazarov. Mukhammad Ibrakhimbek Lakay. - T.: IFIAK, 2006.)

25. Бахриддин Шарқ Эр Оноли. Тарихи мухтасари Туркистони жанубий (Туркистони Афғонистон). - Техрон, 1386 (ҳижрий) - Саҳ. 201-203. (форсий). (Bahriddin Sharq Er Onoli. The shortest story of Torhi is Turkestani South (Turkistan Afghanistan). - Tehran, 1386 (A.H.) - Sah. 201-203. (Persian)

26. Исмоилов А., Тошқин А. Афғонистондаги туркий тиллар вазиятига доир// "Шарқ машъали" журнали, 2005 йил, № 1. -Б.12-16. (Ismailov A., Tashkin A. The Turkic Languages Situation in Afghanistan // Magazine "The Torch of the East", 2005, No. 1. -P .12-16.)

27. Исмоилов А. Ўзбекларнинг географик жойлашувига доир. // "Шарқ машъали" журнали, 1992 йил, № 3-4. -Б.4-5. (1. Ismoilov A. On the geographical location of Uzbeks. // Journal of "The Torch of the East", 1992, No. 3-4. -P.4-5.)

28. Мирғулом Муҳаммад Губор. Афғонистоннинг янги тарихи. - Кобул, 1978. (Mirgulom Muhammad Gubor. A New History of Afghanistan. - Kabul, 1978.)

29. Саид Мабошир Косоний. Ўрта Осиё тарихи. - Ат-тоиф, 1415 ҳ. (1994). (Said Maboshir Kosani. History of Central Asia. - Category, 1415 h. (1994).

30. Қиёмиддин Барлос. Афғонистон ўзбек сўзли адабиётининг ўрнаклари// жур. Туркистон. - 1988, № 2, 11-15-бетлар. (Qiyomiddin Barlos. Examples of Uzbek Literature in Afghanistan // jur. Turkistan. - 1988, No. 2, pp. 11-15.)

31. Демократическая Республика Афганистан. - М., 1981, 9-10-бетлар. (Democratic Republic of Afghanistan. - М., 1981, 9-10-betlar.)

32. Бит, прави и обычий народов Афганистана. 1986. - С. 3. (Bit, rules and customs of the peoples of Afghanistan. 1986.- S. 3.)

33. Краткая социолно-политическая характеристика фон и провинций ДРА. - Ташкент, 1985. (A brief socio-political description of the background and provinces of the DRA. - Tashkent, 1985.)

34. Ҳайитов Ш.А., Бадриддинов С. Ватанжудоликнинг мунгли тарихи. - Бухоро, "Бухоро" нашриёти, 2005. - 188 бет. (Hayitov Sh.A., Badriddinov S. A sad history of patriotism. - Bukhara, Bukhara Publishing House, 2005. - 188 pages.)

35. Ҳайитов Ш.А., Бадриддинов С. Ватан дея ватансиз қолганлар. - Бухоро, "Бухоро" нашриёти, 2005. - 159-бет. (Khaitov Sh.A., Badriddinov S. Having said their homeland, they were left without a homeland. - Bukhara, Bukhara Publishing House, 2005. --- S. 159.)

36. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Ўзбекистон бизга ҳам Ватан... . -Бухоро, "Бухоро" нашриёти, 2006. - 158 бет. (Hayitov Sh., Badriddinov S. Uzbekistan is our homeland... - Bukhara, Bukhara Publishing House, 2006. - 158 pages.)

37. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Бухоро тарихидан лавҳалар (XIX-XX асрлар). - Бухоро, "Бухоро" нашриёти, 2007. - 103-бет. (Hayitov Sh., Badriddinov S. Scenes from the history of Bukhara (19th-20th centuries). - Bukhara, Bukhara Publishing House, 2007. - P. 103.)

38. Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йй.). - Тошкент: Abu matbuot konsalting, 2008. - 207 бет. (Haitov Sh. History of Uzbek Immigration (1917-1991) - Tashkent, "ABU Press Consulting". 2008. - 207 pages.)


39. Ҳайитов Ш.А., Саидов И.М. Хориждаги ўзбеклар тарихи ва этнографияси. Монография. - Самарқанд, "Mehribon-poligraf servis", 2015. - 159 бет. (Hayitov Sh.A., Saidov I.M. History and Ethnography of Uzbeks Abroad. Monograph. - Samarkand, "Mehribon-polygraph service", 2015. - 159 pages.)
40. "Маърифат нури", 1999. 15 август. (The Light of Enlightenment, 1999. August 15.)
41. Ориф Усмон. Хуросон ўзбеклари. // Мулоқот. 1991. №3. - Б. 44. (Arif Othman. Khuroson Uzbeks. // Communication. 1991. No. 3. - P. 44.)
42. Хашимбеков Х. Ўзбеки северного Афганистана. - Москва, 1994. - 56 с. (Khashimbekov H. English in the United States. - Moscow, 1994. - 56 p.)
43. ЎзМА, И-3-фонд. 2-рўйхат, 273-иш, 1-варақ. (National Archives of Uzbekistan, I-3 fund. Box 2, Work 273, Sheet 1.)
44. "Ватан" жамияти жорий архиви, 1983, 2-рақамли папка. - Б.3-5. (Current Archives of the Vatan Society, 1983, folder number 2, - P.3-5.)
45. "Ватандош" радиостанцияси жорий архиви, 1990 йил 6 март эшиттириши материаллари. Папка № 1. - Б.3. (Archives of the current radio station Vatandosh, March 6, 1990. Folder No. 1. - P.3.)
46. ЎзРМДА, Р-2822-фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 6-варақ, 111-варақ, 43-варақ; 8-иш, 124-варақ. (National Archives of Uzbekistan, R-2822 fund. Box 1, Work 89, Sheet 6, 111, 43, 8, 124.)
47. <http://dy.uz/sBU7c> Афғонистон ҳақидаги мулоҳазалар II-бўлим. Афғонистонда ўзбеклар ва ўзбекчилик. (Reflections on Afghanistan Section II. Uzbeks and Uzbekism in Afghanistan)
48. Раҳмонқулова Ф. Афғон фуқаролари ўқув маркази.// "Сурхон тонги" газетаси, № 6 (17406) - сон, 2018 йил 24 январь. (Rahmankulova F. Afghan Citizens Training Center.// "Surkhan tongi" newspaper No. 6 (17406), January 24, 2018.)
49. Афғонистонлик талабалар қувончи.// "Сурхон тонги" газетаси, № 42 (17545) - сон, 2019 йил 3 июль. (The joy of Afghan students.// "Surkhan tongi" newspaper, No. 42 (17545), July 3, 2019.)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Хўжамов Санъат Ҳайитбоевич,
Ўз. Р. ФА Археологик тадқиқотлар
институту докторанти

СОМОНИЙЛАР КУМУШ ДИРҲАМЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА

For citation: Khujamov Sanat Haitbaevich. Silver dirhams of Samanids as a historical source. 2019, vol. 26, issue 2, pp. 56-60

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-26-08>

АННОТАЦИЯ

Сомонийлар давлати Ўрта Осиё танга-пул муомаласи тарихида алоҳида ўрин тутиб, давр сиёсий-иқтисодий ҳолатини кўрсатиб беради. Мақолада VIII-X асрларда Мовароуннаҳрда танга-пул муомаласи ва хусусиятларини баҳолашда манбашунослик базасини кенгайтириш муҳимлигига эътибор қаратади. Ўрта асрларнинг халқаро иқтисодиётида Марказий Осиёнинг роли ва ўрнини аниқлаш учун маҳаллий маълумотларни жалб қилиш истиқболларини таъкидлайди.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, Мовароуннаҳр, Хуросон, танга, динор, дирҳам, фельс, кумуш, куфий, музей, Афригийлар, Аббосийлар, Сомонийлар, Абудовудийлар.

Хужамов Санъат Ҳайитбоевич,
докторант института археологических
исследований Академии Наук Республики Узбекистан

СЕРЕБРЯНЫЕ ДИРХАМЫ САМАНИДОВ КАК ИСТОРИЧЕСКИЙ ИСТОЧНИК

АННОТАЦИЯ

Государство Саманидов занимает особое место в истории денежного обращения в Центральной Азии, отражая политическую и экономическую ситуацию того периода. В статье обращается внимание на важность расширения исходной базы при оценке монетно-денежного обращения и свойств в Мовароуннахре в VIII-X вв. В нем освещаются перспективы использования локальных данных для

определения роли и места Центральной Азии в международной экономике Средневековья.

Ключевые слова: Центральная Азия, Мавераннахр, Хорасан, монета, динар, дирхам, фельс, серебро, куфи, музей, афригиды, Аббасиды, Абудовуды.

Khojamov Sanat Khaitboevich,
PhD student of the Institute of
Archaeological research of the
Academy of Sciences of the Republic
of Uzbekistan

SILVER DIRHAMS OF SAMANIDS AS A HISTORICAL SOURCE

ANNOTATION

The Samanid state has a special place in the history of monetary circulation in Central Asia, reflecting the political and economic situation of that period. The article draws attention to the importance of expanding the initial base when evaluating monetary circulation and properties in Movarounnahr in the VIII-X centuries. It highlights the prospects for using local data to determine the role and place of Central Asia in the international economy of the Middle Ages.

Key words: Central Asia, Movarounnahr, Khorasan, coin, dinar, dirham, fels, silver, kufi, Museum, Afrigids, Abbasids, Abudovudites.

Сомонийлар - ўрта асрлар мусулмон шарқи тарихидаги муҳим сулолалардан бири ҳисобланади. Араб халифалигининг IX аср бошларида Мовароуннаҳрдаги вассали бўлган бу сулола юз йил ўтиб сиёсий мустақиллика эришди ва Марказий Осиёда дастлабки мустақил мусулмон давлатига асос солди. Бу давлат бир ярим асрлик фаолияти давомида нафақат Мовароуннаҳр, балки Хуросон (Шарқий Эрон ва ҳозирги Афғонистонинг марказий ҳудудлари) ва марказий Эроннинг бир қанча ҳудудларини ҳам ўз таркибига қўшиб олди. Шу ўринда айтиш мумкинки, унинг таркибида ўз танга пул тизимига ва муносабатларига эга бўлган бир қанча мулклар жойлашган эди. Табиийки уларнинг пул муомаласи ва вазни борасидаги даражалари ҳам турлича эди. Тангалар зарб этишда асосан уч турдаги металл: динор учун тилла, дирҳам учун кумуш, фельс учун мис ёки бронза ишлатилар эди.

IX аср иккинчи ярмидан бошлаб кумуш тангалар (дирҳам) мусулмон дунёси учун муҳим тангага айланиб, мусулмон Шарқи ва шимолий-шарқий Европа мамлакатлари ўртасидаги савдо муносабатларида фаол иштирок эта бошлади. Болтиқбўйи, Скандинавия ва Шарқий Европа очиб ўрганилган танга хазиналари шу даврда кумуш тангалар Марказий Осиёдан улкан миқёсда экспорт қилинганлигини исботлади. Бу ўринда Скандинавия, айти Шведиядан топилган куфий кумуш тангалар хазинасини ўрганишга бағишланган нашрларни алоҳида санаб ўтиш жоиз "Corpus nummorum saeculorum IX-XI, qui in Suecia reperti sunt" Болтиқбўйи ва Скандинавиядан топилган тангаларни комплекс тарзда ўрганиш натижасида Ўрта Осиёдан экспорт қилинган IX-X асрларга оид тангаларнинг асосий қисми Самарқандда, Шошда ва Нишопурда зарб қилинган кумуш тангалар бўлиб чиқди. Лекин ўрганилаётган даврда, X асрнинг иккинчи ярмида танга

пулларнинг оғирлиги ўзгариши ушбу пулнинг Европадаги пул муомаласи трансформациясига таъсир қилиб, авваллари пул сифатида қабул қилинган танга пул кейинчалик оғирлигига кўра маҳсулот сифатида қабул қилина бошлаган. Бунга ушбу тангалар хазиналарининг Шимолий ва Шарқий Европа худудларидан оммавий тарзда топилиши ҳам яққол мисол бўла олади. Шу кунгача Марказий Осиёда халифалик ва сомонийлар даврига оид тангалар кузатилмаган эди. Бироқ Мовароуннаҳр худудидан топилган бир нечта куфий кумуш тангалар тўплами тўғрисидаги манбаларнинг илмий муомалага киритилиши билан вазият тубдан ўзгарди [2, С. 26-28]. X асрдаги Сомонийлар дирҳами бир гуруҳ тангаларининг оғирлик белгилари ўрганилиб, унинг бевосита кесиб олинганда ёки бўлинганда ёки синдирилганда танга ?, ёки ? қисмга ажралиши аниқланган. Агарда юқорида айтиб ўтилган ушбу ҳолат Шарқий ва Шимолий Европа учун характерли амалиёт деб ҳисобга олинса, тангаларнинг ўзаро тенг қисмларга бўлиниши Ўрта Осиёнинг ривожланган пул муносабатларида ўзига хос янгилик бўлиб, ундан кенгроқ маълумотлар тўплаш учун жалб қилинса бўлади. Марказий Осиё ва Европа тангалари тўплаларини қиёсий таҳлил қилмай туриб, Ўрта Осиё нумизматикасини ўрганиш соҳасининг умумий қиёфасини тугалланган қиёфа дея ҳисоблаб бўлмайди. "Синдирилган дирҳамлар"нинг танга пул муносабатлари тизимидаги ўрни ва роли тўла ёритиб берилмаган, ҳолбуки савол туғилади: Мовароуннаҳрда X асрда ушбу тангалар мис тангалар билан параллел равишда майда маҳсулот айрибошлаш эҳтиёжи учун ишлатилганми ёки бўлмаса, Сомонийлар давлатимуаммоларнинг қўйилиши ушбу давр тарихида кумуш тангаларнинг ўрганилиши нақадар долзарб эканлигини кўрсатмоқда. Бу борада тадқиқотлар олиб бориш учун Шарқий ва Шимолий Европа худудларида тўпланган тангалар мажмуалари хусусидаги нашр этилган статистик маълумотларни ҳамда Ўзбекистон музейлари фондларида сақланаётган тангалар тўплаларини ва чоп этилган нумизматик материалларини қиёсий таҳлил қилиш лозим. Ушбу кенг миқёсдаги режали тадқиқот натижасида, Европа-Ўрта Осиё нумизматик манбалар таҳлил этилади ва ўрта асрлар иқтисодиётида танга пул муносабатларининг асосий омилларидан бири бўлганлигини исботлаб бериш мумкин бўлади.

IX-X асрларда Мовароуннаҳр худудида кумуш тангалар жадал суръатда муомалага киритилганига қарамай, асосий қисми юқорида айтиб ўтилганидек, шарқий ва шимолий Европа томон ўз чегараларидан ташқарида экспорт шаклида амалга оширилган. Шунга кўра, ушбу минтақалар мамлакатларида куфий кумуш тангаларининг энг кўп хазиналари тўпланган. Ўрта Осиёнинг ўзида бу даврнинг дирҳам хазиналари анча кичик ва афсуски, улар ҳам кенг нашр этилмаган.

Ўзбекистон худуди ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг геосиёсий нуқтаи назаридан муҳим ўринни эгаллайди васиёсий воқеалар ривожланишининг ўзига хос маркази, минтақанинг савдо-иқтисодий алоқаларининг чорраҳаси бўлган ва шунинг учун Ўзбекистонда топилган барча куфий кумуш хазиналари ҳақида тўлиқ маълумот тўплаш жуда муҳимдир.

Мавороуннаҳрда VIII-X асрларга оид кумуш тангалар топилган асосий қисми синиқ тангалардан иборат, Ўрта Осиёдан Шарқий ва шимолий Европахудудидан топилган тангатўплалари кўпроқ ҳажми эгаллайди. Сомонийлар танга тўплалар Ўрта Осиё худудидан кам топилган. Ўзбекистон худудидан топилган танга тўплалари:

1. 1994 йилда Самарқанд вилояти Ургут тумани Бойқишлоқ маҳалласидан 48 дона сомонийлар танга тўплами топилган. 29 октябрда Самарқанд музейга

топширилган (Далолатнома рақами №84 КП 5881/1). Улардан 1 донаси Саффорийларга, 1 дона Бувайҳийларга, 46 донаси Сомонийларга оид тангалар тўплами ҳисобланади.

2. 2002 йилда Самарқанд вилояти Жомбой тумани Мингтепа шаҳархаробаси яқинидан 12 дона бутун Уммавийлар кумуш тангалари топилган.

3. 1989 йилда Самарқанд вилояти Ургут тумани Бешкал қишлоғи Номсизтепадан 200 метр жанубий-ғарбида узумзордан 360 дона умумий оғирлиги 820 г, бутун ва танга бўлаклари топилган.

4. 1926 йилда Самарқанддан 29 дона Сомоний тангаси. Мансур б. Нуҳ, Самарқанд 357/967-968 й [1, С. 36].

5. Самарқанд. 1940 йилда 15 дона Сомонийлар:371-378/981-989йй [4].

6. Самарқанд. 1968 йилда 15 дона Сомонийлар:365-377/975-988йй(бирга 184 мис тангалар).[4].

7. Самарқанд. 1928 йил 300 дона. Улардан 146донаси (Самарқанд). 9 донаси Эрмитажда(СПб).[4].

8. Самарқанд. 1928 йил 300 дона. Улардан 146донаси (Самарқанд). 9 донаси Эрмитажда(СПб). [4].

9. Тошкент вилояти Чиноз туманида 1960 йилда 1800 дан кўпроқ тангалар топилган. Асосий қисми Сомонийлар, Бувайҳийлар, Зиёрийлар (Буряков,1975; ҳаммаси тўлиқ ўрганилмаган) [1, С. 37].

10.Тошкент вилояти Абрлиг шаҳарчасидан 1976 й. Тангалар тўпламлари Ангрен тумани Улкашунослик музейда сақланади. С. Ишанханов, Б.Д. Кочневлар томонидан ўрганилган, олтин ва кумуш заргарлик буюмлари билан топилган. 144 бутун ва синиқлардан иборат (ярми синиқ тангалардан иборат).

11.Тошкент вилояти, 1979й. 150 дона коллекциясига В.В. Кучеров (Тошкент ш), тушиб қолган 18дона кумуш Сомонийлартангаси Мансур б. Нуҳ:Самарқанд 357 (2), 358 (7); Шош 357 (3), 358 (5), 364(1).

12.Тошкентда 1928йилда 6 дона Сомонийлар 273-317/886-930й (Массон, 1930).

13.Тошкентда 1938 йилда 144 дона (асосий қисми синиқ). Аббосийлар, Саффорийлар, Сомонийлар тангалари: 272-327(?) /885-939йй. [2].

14.Тошкент вилояти Қизил-олма шаҳархаробасидан 1974 йил 29 дона танга, шулардан 22 донаси (қора дирҳам) ва бирнеча мис танга бўлаклари Хаср ўрталарига оид. (Буряков - Маджи 1974. С.123) [3, С. 88].

15.Тошкент шаҳри Кисловодская кўчасидан 1964 йилда топилган. 1965 йил 10 декабрда Тошкент тарих музейга топширилади, КП 488, Н-393/125 сақланмоқда. 124 дона бутун 1820 та (бўлак) синиқ тангалар Г. Алимов, С.Х Ишанхоновлар қисман ўрганишган.

16.Қашқадарё вилоятидан(?) 1994 йил топилган сони ноаниқ, шахсийколлекционерқўлига тушган 45 донаси бир қатор қилиб тизилган [1].

17.Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Дунётепадан шаҳархаробасидан 20дона у Самарқандлик коллекционер қўлига 2 донаси тушган. Исмаил б. Аҳмад:Самарқанд 293(1); Аҳмад б. Исмаил: Самарқанд 295 (1). [1, С. 38].

18.Қашқадарё вилояти Олтинтепа шаҳар харобасидан 1975й. 976 дона (асосий қисми синиқ).

19.Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри ҳудудидан тахминан 2001-2002 йилларда топилган, 6036дона умумий сони. Тангаларнинг асосий зарбхоналари Андароба, Самарқанд, Шош.

Ҳукмдор сулолалари: Сўнги антик Суғд, Сосонийлар, Хоразмшоҳ Афригийлар,

Аббосийлар, Сомонийлар, Абудовудийлар ва Византия (X аср).

Шундай қилиб, биз танга тўпламлари сони жиддий равишда ўсиб бораётганини кўрамиз ва бу Мовароуннаҳр ички пул муомаласида кумуш дирҳамнинг ролини баҳолаш имконини беради.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Кочнев Б.Д. Клад серебрянных монет XV. из Узбекистана/Четвертая все российская нумизматическая конференция. -Москва, 1996. (Kochnev B.D. Treasure of silver coins XV. from Uzbekistan / Fourth All Russian Numismatic Conference. - Moscow, 1996.)

2. Атаходжаев А.Х. Два клада куфических дирхемов из Узбекистана / всероссийская нумизматическая конференция. -Вологда, 1993. (Atakhodjaev A.X. Two treasures of Kufic dirhams from Uzbekistan / All-Russian numismatic conference. Vologda, 1993).

3. Аширов С.А. Клады монет Ташкентской области /Нумизматика Центральной Азии, V. Т., 2001. (Ashirov S.A. Hoards of coins of Tashkent region / Numismatics of Central Asia, V. T, 2001).

4. Эрназарова Т.С., Кочнев Б.Д. Тангалар ўтмиш даракчилари. -Тошкент, 1977 (Ernazarova T.S., Kochnev B.D. Coins informants of the past. -Tashkent, 1977).


5. Кочнев Б.Д., Атаходжаев А.Х. Два клада куфических монет из Узбекистана./ Нумизматика Центральной Азии, IV.Т. 1999 (Kochnev B.D., Atakhodjaev A.Kh. Two treasures of Kufic coins from Uzbekistan. /Numismatics of Central Asia, IVT.1999).

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Валиева Зайнаб Омонбаевна
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети каттаўқитувчиси

ТИББИЁТ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АЛЛОМАЛАР МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

For citation: Valieva Zaynab Omonbaevna. Significance of spiritual heritage in study history of medicine. 2019, vol. 26, issue 2, pp. 61-66

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-26-09>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф, Туркистон заминиди яшаб, ижод қилган қомусий олимлар ва уларнинг тиббиёт соҳасида қолдирган бой меросларини турли манбалар ёрдамида ёритиб берган. Шунингдек, дурдона асарларда ёзиб қолдирилган соғлиқни сақлаш борасидаги фикрларни, тавсияларни бугунги кун тиббиётида тутган ўрни ҳақида қисман тўхталган.

Калит сўзлар: тиббиёт илми, тиббиёт тарихи, маънавият тиббиёти, тиббиёт илми, "Авесто", зардуштийлик, "Тиб қонунлари", саломатлик кўрсаткичлари, "Хоразмшоҳ хазинаси", антисептика.

Валиева Зайнаб Омонбаевна
старший преподаватель
Узбекского государственного университета
мировых языков

ЗНАЧЕНИЕ ДУХОВНОГО НАСЛЕДИЯ В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ МЕДИЦИНЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещается творчество и труд ученых древнего Туркистана, в области охраны здоровья, а также их рекомендации, которые актуальны и в медицине сегодняшнего дня.

Ключевые слова: медицинская наука, медицинские истории, медицина духовности, Авеста, "Канон врачебной науки", показатели здоровья, "сокровище

Хорезмшаха", антисептика.

Valieva Zaynab Omonbaevna,
Senior teacher, UzSWLU

SIGNIFICANCE OF SPIRITUAL HERITAGE IN STUDY HISTORY OF MEDICINE

ANNOTATION

This article highlights the work and work of scientists of ancient Turkistan in the field of health care, as well as their recommendations, which are also relevant in medicine today.

Key words: medical science, medical histories, spiritual medicine, Avesto, "Canon of medical science", health indicators, "Khorezmshah treasure", antiseptic.

Кўхна Туркистон заминида Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Абу Бакр Ар-Розий, Абу Али Ибн Сино, Исмоил Журжоний, Мирзо Улуғбек каби қомусий олимлар яшаб ижод этганлиги ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим оимлардан биридир. Уларнинг илмий-ижодий фаолияти ва илмий дурдона асарлари мустақил давлатимиз маънавий хазинасини бойитмоқда. Айниқса, уларнинг тиббиёт соҳасида қолдирган бой илмий-маънавий мерослари тиббиёт тарихини ўрганишда ва тиббиёт фанининг ривожидида муҳим аҳамиятга эгадир.

Тиббиёт илмининг пайдо бўлиши қадим замонга бориб тақалади. Тош деворлардаги қадимги сурьатларни ўрганган археолог олимларнинг гувоҳлик беришича, ҳатто тош асрида ҳам касалланган кишиларни даволовчи табиблар бўлган. Кишилиқ жамияти ривожлана борган сари тиббиёт илми ҳам теранлашиб, ушбу соҳа билан шуғулланувчилар сафи тобора кенгайиб борган.

Тиббиёт тарихчиси С.К.Томсон ўзининг "Бизнинг замонамизда тиббиёт тарихини ўрганишга эҳтиёж" номли китобида "Тиббиёт тарихи, тарихнинг ўзидан ҳам кенг, тиббиёт тарихи - тиббиётнинг ўзидир. Бу замонамизнинг муаммоларига илмий ёндашишнинг энг мукамал усули. Чунки, фаннинг барча соҳаларига хос бўлган асосий тамойилларини уларга фақат тарихий ёндашиш орқалигина ўрганиш мумкин", деб ёзган эди. [1, Б.14]

Машҳур форс-тожик олими, файласуфи Абу Бакр Ар-Розий ўзининг "Маънавият тиббиёти" номли асарида тиббиётни икки турга: жисмоний ва руҳий тиббиётга ажратади. Жисмоний тиббиётни инсон танаси касалликларини олдини олиш ва даволаш, руҳиёт тиббиётини эса инсон руҳий ахлоқини йўлга қўйиш ва инсоннинг маънавий сифатларини такомиллаштириш, деб белгилайди.

Бугунги кун тиббиёти ҳам инсон саломатлигида тан ва руҳ саломатлиги уйғун эканлигини исботлайди. Мутахассис олимларнинг таъкидлашича, кайфият тушқунлиги, руҳан эзилиш, доимий безовталиқ ва хавотирда юриш оғир жисмоний хасталикларга туртки бўлади.

Ар-Розий ўз билимини чуқурлаштириш учун ўқиш, шахсий тажриба орттириш, шунингдек олдинги ўтган врачлар тажрибаларидан фойдаланиш зарурлигини уқтирган. Жумладан, Ар-Розий ёзган эди: "Тиббиёт илмини такомиллаштириш устида минглаб врачлар, минг йиллар давомида тинимсиз ишлаган бўлишлари

мумкин. Шу сабабли кимда - ким уларнинг ижодларини ўзлаштирсалар, маъносига етсалар, ўзининг қисқа умри давомида, минглаб беморларни даволаш учун чопишга қараганда кўпроқ нарсаларни кашф қилган бўлар эди. Зеро, битта одам, минг йил яшаганда ҳам, ўзидан олдин яшаб ўтган врачлар тажрибаларидан фойдаланмаса, биргина ўз кузатишларига кўра кўп нарсани ўрганиб, унинг тагига етолмайди. Врачни фақат ўқиш эмас, балки ўқиган нарсаларини мушоҳада қила билиш ва уни амалга тадбиқ қила билиш етукликка элтади". [2, Б. 86]

Кўхна Миср ва Юнонистон, Рим, Эрон, Ҳиндистон, Тибет, Ўрта Осиё ва бошқа мамлакатларда табобатга оид катта мерос ёзиб қолдирилган: турли халқлар тиббиётга ўз билимларини бир-бирлари билан яқин алоқа ўрнатиб ўргатдилар ва ўргандилар.

Турон замин (Хоразм, Бактрия, Суғдиёна, Фарғона) да бундан тахминан 3000 йил авал шаклланган ва қарор топган зардуштийлик динининг асосий китоби ҳисобланган "Авесто" аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий тарихий меросидир. "Авесто" айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор етолмайди. Зардуштийларда турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида санитария-гигиена қоидалари амалга оширилган, ахлатларни беркитиш, ифлосланган жойларни тупроқ, тош билан кўмиб ташлаш, олов, иссиқлик ва совуқлик йўли билан кийим-кечаклар ва озиқ-овқатларни зарарсизлантириш, сирка, шароб, турли гиёҳликларни тутатишни тавсия қилган. Ҳозир ҳам ўзбекларда исириқ, ҳиндларда сандал тутатиш микробларни зарарсизлантириш воситаси сифатида ишлатилади. [3, Б. 18-19]

Абу Али ибн Синони машҳур табиб, тиббиёт илмига оид асарлар муаллифи сифатида биламиз ва шундай ватандошимиз борлиги билан фахрланамиз.

Ибн Сино буюк тиб олими, Шарқу Фарбда ўлимдан бошқа дардлар шифосини топган машҳур табиб сифатида ном қозонган. Ибн Сино қадимги ва ўрта аср табобатининг ҳам назарий, ҳам амалий билимдони, ўрта асрнинг машҳур маънавият ва маърифатпарвар ҳакими сифатида шуҳрат қозонди. [4, Б 18-19]

Ибн Сино яратган 50 дан ортиқ тиббиётга оид асарлари маълум бўлиб, уларнинг орасидаги шоҳ китоби "Тиб қонунлари"дир. Ушбу қомусий асарнинг Овруро ва Шарқда олти асрдан зиёд тиббиёт соҳасидаги асосий дастурамал бўлиб келганлигининг сири шундаки, Абу Али ибн Сино узоқ ўтмишдаги (Гиппократ, Гален ва бошқалар), замонасига яқин ёки замондош бўлган олимлар (Ар-Розий, Заҳравий ва бошқалар) асарларини чуқур ўрганиб, уларда келтирилган маълумотлардан мукаммал фойдаланган ҳамда ўз тажрибаларини моҳирона умумлаштиришга эриша олган. "Тиб қонунлари" нафақат ўтмишга хизмат қилган, унда келажак учун ҳам тиб илми ривожига зарур бўлган янги йўналишларга манба бўла оладиган асослар мавжуд. Жумладан, ундан замон фанлари генетика, геронтология, гематология, аллергология, касалликлар профилактикаси ва бошқаларга тааллуқли кўпгина фикрлар жой олган. "Тиб қонунлари"нинг биринчи жилдидаги Тиб таърифида тиббиёт илмига шундай таъриф берган: "Тиб шундай бир илмки, у билан одам гавдасининг аҳволи соғлиқ ва касаллик жиҳатидан ўрганилиб, унинг мавжуд соғлиғи сақланади ва йўқотилгани қайтарилади." [5, Б 11] "Тиб қонунлари"нинг биринчи жилдидаги соғлиқни сақлаш тадбирлари ҳақидаги махсус фанида инсон саломатлигини сақлашга алоқадор омиллар тўғрисида сўз юритиб, "бунда асосан қуйидаги етти нарсани мўтадил қилишга кўпроқ эътибор бериш керак: мизожни мўтадил қилиш, ейиладиган ва ичиладиган

нарсаларни танлаш, гавдани чиқиндидан тозалаш, тўғри тузилишини сақлаш, бурунга тортиладиган ҳавони етарли ва яхши қилиш, кийимли нарсаларни яхшилаш, жисмоний ва руҳий ҳаракатларни мўътадил қилиш шу ҳаракатлар жумласига маълум даражада уйқу ва уйғоқлик ҳам киради" деб таъкидлаган.

Ибн Синонинг фикрича, соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири бадан тарбия, кейин овқат тадбири ва уйқу тадбирлари ҳисобланади. Зеро, фаол жисмоний ҳаракат, оқилона овқатланиш ва меъёрий уйқу саломатликнинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади. Соғлом турмуш тарзининг ушбу тамойилларига риоя қилиб яшаш, инсоннинг ўз организми саломатлиги борасидаги масъулятини оширади.

Ҳозирги замон фармакологияси замирида ҳам Абу Али ибн Синонинг кўплаб дастурлари ётади. Унинг "Китоб ал-қонун фит-тибб" ("Тиб қонунлари") асарида таърифланган доривор ўсимликларнинг 396 туридан 165 дан ортиғи бугунги замон тиббиёт амалиётида қўлланилмоқда.

Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" дан кейинги иккинчи йирик асари "Уржуза" бўлиб, икки бўлимдан ва 2652 қатордан иборат дostonдир:

Овқат ейишнинг тартиби ҳақида:

"Ёз ҳавоси оз емоқни кўрур лозим,

Танлаганинг бўлсин доим енгил ҳазм.

Фализ этдан, ўзингни тий, ўчир юзинг,

Гиёҳ, кўкат, сутлар бўлсин ошу тузинг".[6, Б. 33]

Келтирилган қисқа сатрлардан англаш мумкинки, буюк аллома замонавий тиббиёт тарғиб қилаётган оқилона овқатланиш қоидаларини ўша даврда ўзининг мантиқий фикрлари билан асослаб бера олган.

XI-XII асрларда Хоразмшоҳлар империяси ўзининг тараққиёт чўққисига етган даврларида Хоразмда тиббиёт илмининг буюк олимлари Исмоил Журжоний, Фахриддин Розий каби кўплаб олимлар яшаб ижод қилган ва тиб илмига бағишланган асарлар ёзиб қолдирган. Улар орасида сермаҳсул ижод қилгани машҳур олим Исмоил Журжонийдир. Унинг қаламига мансуб "Хоразмшоҳ хазинаси" асари XII аср тиб илмининг ўзига хос қомуси ҳисобланиб, унинг иккинчи варианты 12 китобдан иборат бўлган. Журжоний врачга беморнинг уйига бориб, яшаш шароитларини, уй жойи қуруқ ёки намлигини, тоза ҳаво етарлими, унга нима етишмаслигини, тўйларга ва меҳмондорчиликка тез-тез бориб туриш-турмаслиги билан қизиқишни тавсия этади ва шунга кўра даволаш лозим деб уқтирган.[7, Б. 160]

Замонавий тиббиёт ҳам соғлом турмуш тарзини тарғиб қилар экан, инсон саломатлигининг 50 % дан зиёди унинг яшаш тарзига, 20 % и атроф-муҳитга, 20 % га яқини ирсий омилларга, 8-10 % игина тиббий хизматга боғлиқлигини таъкидламоқда.

Қомусий олим, Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўзининг "Жавоҳирот" китобида инсон саломатлиги, тозаллиги ҳақида қимматли фикрларни ёзиб қолдирган. Беруний сувнинг инсон саломатлигидаги аҳамиятини таъкидлаб, "Инсон тозаллиги асосан сувда ювиниш билан бўлади. Сувнинг ҳиди ва таровати билан ҳавонинг ажиб саси келади... Ҳар қандай бадбашара, хунук ва бадҳид бўлган ифлосликни сувчалик тозалайдиган нарса бўлмайди", деб ёзган эди.

Берунийнинг охириги асари - "Доривор ўсимликлар ҳақида" китобининг қўлёзмаси XX асрнинг 30-йилларида Туркияда топилди. Асар "Сайдана" номи билан машҳур бўлиб, унда Беруний Шарқ, айниқса Марказий Осиёда ўсадиган

доривор ўсимликларнинг тўла тавсифини беради.

Амир Темурнинг ёшлиги ҳақида маълумотлар кам учраса-да, айрим манбаларга қараганда, у ёшлигида хат-савод чиқариб, ўз даврининг тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, меъморчилик ва тарих илмларини ўрганган.

Соҳибқирон даврида ҳар бир шаҳарда шифохона бўлган, уларда билимли ва тажрибали табиблар ишлаган. Жумладан, Самарқандда "Дор уш-шифо" номла йирик касалхона бўлиб, унга ўз замонасининг таниқли табиби Мир Саййид Шариф Шерозий (1330-1414) раҳбарлик қилган.

Амир Темур даврида тиббиёт фани шу қадар юксак даражага кўтарилган эдики, ҳатто ўлган одамнинг жасадини балзамлаш усулини ҳам билганлар. 1941 йилнинг 18 июнида ҳукумат комиссияси томонидан Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасида дафн этилган соҳибқирон Амир Темур, Мироншоҳ, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Султон ва Бибиҳоним мақбарасидаги Бибиҳонимнинг дахмалари очилганда, уларнинг жасадлари мўмиёланганлиги аниқланган. [8, Б 20-21]

Амир Темур аҳоли ўртасида ҳар хил касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишига қарши тадбирларни ҳам амалга оширган. Аҳолининг моддий-маънавий ва маданий жиҳатдан яхши яшашига катта эътибор берилган. Халқнинг соғлигини сақлаш, беморларни даволаш, етим-есирлар ҳақида ғамхўрлик қилиш соҳасида муҳим ишлар амалга оширилган.

Мамлакатимиз сиёсатида инсон омили доимо устивор бўлиб келган. Бугунги кундаги аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, тиббий, маданий-маърифий турмуш тарзини фаровонлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар бунинг яққол мисолидир.

Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарағай Кўрагоний) даврида халқнинг соғлигини сақлаш, беморларни даволаш, етим-есирлар ҳақида ғамхўрлик қилиш соҳасида муҳим ишлар амалга оширилган.

Мирзо Улуғбек даврида илм-фаннинг юксалиши табобатга эътибор кучайишига, машҳур табиблар етишишига имкон яратди. Ҳаттоки, табиблар орасида моҳир жарроҳлар ҳам бўлган. Улардан бири Тожиддин Ҳақим бўлиб, анча мураккаб операцияларни ҳам қилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу табиб операциядан олдин жарроҳлик асбобларини олов устида қиздириб сўнг ишлатган. Операция вақтида эса қўлини тез-тез майда қилиб тўғралган пиёзга ботириб олган. Маълумки, пиёзда микробларни ўлдирувчи фитоидлар бўлади. Ўт устида қиздирилган асбоб эса тамомила микробдан ҳоли бўлади (стерилизацияланади). Бундан маълумки, Тожиддин Ҳақим ярани айнатувчи жонзодлар мавжудлигини билган ва уларнинг ривожланишига йўл қўймаслик учун юқорида айтилган чораларни кўрган. Бу жиҳатдан, Тожиддин Ҳақимни Ўрта Осиёда антисептика усулининг асосчиси, дейиш мумкин. [9, Б 20-21]

Ҳар бир касбнинг ўз тарихи, ҳар бир ишнинг ибтидоси бўлгани сингари тиббиётнинг ҳам ўз тарихи бор. Тарихдан хабардор бўлиш эса келажак учун пойдевор.

Хулоса қилиб айтганда, аждодлар маънавий меросини ўрганиш, уларни келажак авлодларга етказиш бугуннинг талаби. Шундай экан, бугунги кундаги ютуқларимизнинг тамал тоши бўлиб хизмат қилаётган буюк аждодларимизнинг дурдона асарларини асрашимиз ва улардан унумли фойдаланишимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. Арзикулов Р.У. Соғлом турмуш тарзи асослари (Соғлом турмуш тарзи тарихи ва назарий асослари) I жилд Тошкент: "Дизайн Принт", 2005 14-б (Arzikulov R.U. Sog'lom turmush tarzi asoslari (Sog'lom turmush tarzi tarixi va nazariy asoslari) I jild Tashkent: "Dizayn Print", 2005 14-b)
2. Абу Бакр Ар-Рази. Духовная медицина. Душанбе: Ирфон, 1990 86-б (Abu Bakr Ar-Razi. Dухovnaya meditsina. Dushanbe: Irfon, 1990. 86-b)
3. Арзикулов Р.У. Соғлом турмуш тарзи асослари (Соғлом турмуш тарзи тарихи ва назарий асослари) I жилд Тошкент: "Дизайн Принт", 2005 18-19б (Arzikulov R.U. Sog'lom turmush tarzi asoslari (Sog'lom turmush tarzi tarixi va nazariy asoslari) I jild Tashkent: "Dizayn Print", 2005 18-19-b)
4. "Сихат-саломатлик" журнали 2003 йил 4-сон, 18-19-б ("Sihat-salomatlik" jurnali 2003 yil 4-son, 18-19-b)
5. У.Каримов, Ҳ.Хикматуллаев. Абу Али Ибн Сино Тиб қонунлари (уч жилдлик сайланма) Ж. 1, Т.; А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 11-б (U. Karimov, H.Xikmatullaev. Abu Ali Ibn Sino Tib qonunlari (uch jildlik saylanma) J. 1, T.; A. Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1993 11-b)
6. Арзикулов Р.У. Соғлом турмуш тарзи асослари (Соғлом турмуш тарзи тарихи ва назарий асослари) I жилд Тошкент: "Дизайн Принт", 2005 33-б (Arzikulov R.U. Sog'lom turmush tarzi asoslari (Sog'lom turmush tarzi tarixi va nazariy asoslari) I jild Tashkent: "Dizayn Print", 2005 33-b)
7. Абдуллаев А.А. Очерки истории развитие медицины в Хорезме Ташкент М. 160-б (Abdullayev A.A. Ocherki istorii razvitiye meditsini v Xorazme Tashkent M. 160-b)
8. "Сихат-саломатлик" журнали 2003 йил 1-сон, 18-19-б ("Sihat-salomatlik" jurnali 2003 yil 1-son, 18-19-b)
9. "Сихат-саломатлик" журнали 2003 йил 2-сон, 18-19-б ("Sihat-salomatlik" jurnali 2003 yil 2-son, 18-19-b)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Мадраҳимов Зоҳид Шарофович,
Наманган давлат университети,
Тарих кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАРКАЗЛАРИ

For citation: Madrakhimov Zokhid Sharofovich. Handicraft centers of the Kokand khanate. 2019, vol. 26, issue 2, pp. 67-73

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-26-10>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўрта Осиёдаги энг йирик давлатлардан бири бўлган Қўқон хонлигида 1709-йилдан 1876-йилгача мавжуд бўлган ҳунармандчилик турлари баён этилган. Ҳунармандчиликнинг тўқимачилик, ипакчилик, кулолчилик, темирчилик, заргарлик, дурадгорлик, қоғоз ишлаб чиқариш, бўёқчилик каби турлари ривожланиши билан ҳунармандчилик марказлари ҳақида маълумот берилди.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, Қўқон хонлиги, ҳунармандчилик марказлари, Қўқон, Наманган, Марғилон, Тошкент, Андижон, ҳунармандчилик, иқтисодий марказ, пахта, ипак, ипак ва ярим ипак матолар, жун, кулолчилик, темирчилик, заргарлик, дурадгорлик, қоғоз ишлаб чиқариш.

Мадраҳимов Зоҳид Шарофович,
доцент кафедрасы истории, кандидат исторических наук
Наманганского государственного университета

РЕМЕСЛЕННЫЕ ЦЕНТРЫ КОКАНДСКОГО ХАНСТВА

АННОТАЦИЯ

В статье описываются виды ремёсел, которые существовали в Кокандском ханстве, одном из крупнейших государств Средней Азии, с 1709 по 1876 год. Приводится информация о ремесленных центрах с развитием таких видов ремёсел, как текстильное производство, шелкопрядство, гончарное дело, кузнечное дело, ювелирное дело, столярное дело, производство бумаги, красильное дело.

Ключевые слова: Центральная Азия, Кокандское ханство, ремеслянные центры, Коканд, Наманган, Маргилан, Ташкент, Андижан, ремесло, экономический

центр, хлопок, шелк, шелковые и полушелковые ткани, шерсть, гончарное дело, кузнечное дело, ювелирное дело, столярное дело, производство бумаги.

Madrakhimov Zokhid Sharofovich,
Associate Professor, Department of History,
Candidate of Historical Sciences
Namangan State University

HANDICRAFT CENTERS OF THE KOKAND KHANATE

ANNOTATION

In the article information about types of handicrafts of the khanate of Kokand. One of the big countries of Central Asia in 1709 - 1876. Information about centres of handicrafts such as textile mill, sericulture or silkworm breeding, pottery, jewelry, blacksmith, cart making, binding, paper manufacturing, fabric-dyeing.

Keywords: Central Asia, Khanate of Kokand, centre of handicrafts, Kokand, Namangan, Margilon, Tashkent, Andijan, economical centre, cotton, silk, silk and halfsilk materials, blacksmith, jewellery, cart-making, paper manufacturing.

XVIII-XIX асрнинг 70-йилларига қадар Ўрта Осиёнинг йирик давлатларидан бири бўлган Қўқон хонлиги шаҳарларида хунармандчиликнинг турли соҳалари ривожланган. Баъзи шаҳарлар хунармандчиликнинг айрим турлари фақатгина шу ерда ривожланганлиги билан ажралиб турган.

Хунармандларининг асосий машғулотларидан бири тўқимачилик ҳисобланган. Тўқимачиликнинг асосий хомашёси маҳаллий деҳқонлар томонидан етиштирилган пахта эди. Хонликда кенг тарқалган тўқимачилик маҳсулоти бўз ёки карбас деб номланган. XVIII аср 70-йилларида Ўрта Осиё хонликлари, хусусан, Қўқон хонлигида бўлган Филипп Ефремов, "Қўқон ва унинг шаҳарларида ипак ва ярим ипак маҳсулотлари, бўз ишлаб чиқариш ҳамда улардан чопон ва бошқа буюмлар тайёрлаш ривожланган, қўқонликлар савдода бухороликлар билан рақобатлаша оладилар", - деб ёзган эди [1, С. 104.]. 1813-1814 йилларида хонликка расмий ташриф билан келган Ф. Назаров эса, "Қўқон атрофида пахтачилик ва ипакчилик ривожланган, хунармандлар деҳқонларга нисбатан кўпроқ ва эркаклар билан бир қаторда аёллар ҳам меҳнат қилади. Қўқон хунармандлари тайёрлаган тўқимачилик ва ипак маҳсулотлари бошқа ҳудудлардаги худди шундай турдаги моллардан устун", - деб таърифлаган [2, С.74-76.]. Хонликда Қўқон ва Тошкент шаҳарларида бўз тўқиш ривожланган ва сифати бўйича ҳам таниқли ҳисобланган. Хусусан, Тошкентда "кўк бўз" ва "оддий бўз" турлари кўп тўқилган ва маҳаллий аҳоли билан бир қаторда қўшни ҳудудларда яшовчи чорвадор аҳоли томонидан кўплаб харид қилинган [3, С. 522.].

Хонлик шаҳарларида тўқилган маҳсулотларнинг бир қисмини олача ташкил этган. Олача матосининг асосий харидори чорвадор қозоқ ва қирғизлар ҳисобланиб, улар савдо қиладиган асосий марказлар - Тошкент ва Наманган шаҳарларида бу матони тайёрлаш ривожланган. XIX аср 70- йилларида Наманган бозорида бир рубль турадиган арзон ва чидамли олача матосининг бир якак ва бир иштон чиқадиган бўлаги учун қирғизлар бир ярим яшарлик эчки берган бўлса, шундай матонинг икки бўлагига эса етилган қўйни алмаштирганлар [4, Туркестанские

ведомости. 1880. №49].

Қўқон тўқувчиларининг маҳсулотларидан яна бири чит эди. Читгарлар бўзга махсус тайёрланган қолипларда турли рангдаги гул босишган ва бу мато чит ҳисобланган. Читгарлик ниҳоятда нозик ва мураккаб касблардан бўлиб, хонлик шаҳарлари орасида сифатли чит тайёрлашда Тошкент етакчи бўлган. XIX асрга оид маълумотларга кўра, Қўқон ва Қашқардан Тошкентга ҳар йили катта миқдорда оқ бўз келтирилиб, читгарларга топширилган. Читгарлар матоларни бўяшда бузғунж, туҳмак, сафсар ранг, мош ранг, рўян каби маҳаллий бўёқлардан фойдаланганлар [5, Б.19].

Қўқон хонлиги аҳолисининг асосий машғулотларидан бири ипакчилик бўлиб, ипак ва ипак матолар мамлакатнинг ташқи савдодаги асосий маҳсулотларидан бири эди. XIX аср 60-йиллари охирларида, Қўқон ва Марғилоннинг ўзида тўққиз юзга яқин хонадон ипакчилик билан шуғулланган бўлиб, ҳар бир оилада 1 тадан 3 тагача тўқув дастгоҳи бор эди. Оиланинг 2 - 3 аъзоси шу иш билан машғул бўлган ва ҳар бир оила ҳафтасига икки қадоқ [6, Б. 567] дан беш қадоққача ипак тайёрлаган [7, Б. 30]. Тахминий ҳисобларга қараганда, Қўқон ва Марғилонда ишлаб чиқарилган ипакнинг йиллик миқдори 5560 пудга тенг бўлган [8, С. 137].

Хонликда тайёрланган ипак анча сифатли бўлиб, мамлакат бозорлари хом ипак ва ипак матолари билан машҳур эди. Қўқон хонлиги хунармандлари томонидан тайёрланган ипак сифатига қараб - "чилла", "тафил", "сарноқ" ва бошқа навларга бўлинган. Шунингдек, хонликда ипак маҳсулоти йигирилиб, калава ҳам тайёрланган. Мамлакатдаги энг юқори сифатли калава "наманганники" ҳисобланган [9, С. 97].

Ипакдан турли матолар тўқилган. Қўқон, Марғилон, Наманган ва Хўжанд хунармандлари ипак матолар (кановиз, шойи, атлас ва ҳ.к.), ярим ипак матолар (беқасаб, банорас, адрас) ишлаб чиқарганлар. Хонликнинг йирик бозорларидан бири ҳисобланган Марғилонда ипак ва ипак матолар савдоси йил давомида қизгин амалга оширилган. XVIII аср 70-йилларида хонликда бўлган Ф.Ефремов ипак матолар тайёрлаш тўғрисида ўз эсдаликларида, "Марғилон бозори марказида катта думалоқ тош устун бўлиб, унинг баландлиги 40 сажень [10, С. 374], йўғонлиги 2,5 саженга тенг бўлган ва бу ерда турли матолар тўқишар экан" [11, С.41], - деб ёзган эди. 1813 - 1814 йилларда Марғилонда бўлган Ф.Назаров, "...шаҳарда турли фабрикалар бор, уларда форс парчалари, бахмаллар ва турли Осие газмоллари тайёрлайдилар. Уларни Бухоро ва Қашқарга сотадилар" [12, С.49], - деб ёзган. Шунингдек, XIX аср ўрталарида В.В.Вельяминов-Зернов, хонлик бозорларида Марғилон ва Хўжандда тайёрланган ипак матолар, оқ ва яшил рангдаги чопонлик газламалар машҳур ҳисобланади [13, С. 48], - деб қайд этган.

Қўқон хонлиги хунармандлари томонидан тайёрланган матолар орасида атлас таниқли ҳисобланган. Марғилонда бу газлама "атлас" ёки "жиба арқоқ" номи билан машҳур бўлган [14, Б.115]. Архив маълумотларига кўра, 1876 йил Қўқонда 276 та шойи, 428 та ип-газлама тўқиш устахонаси, 232 йигирув дастгоҳи ва йилига 3000 аршин атлас ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган кўплаб устахоналар ишлаб турган. Шунингдек, Хўжандда ҳам "дурия" номи билан аталувчи атлас тури ишлаб чиқарилган бўлиб, бу мато Марғилон ҳамда Қўқонда тайёрланган атласлардан қолишмаган ва хонлик бозорларидан ташқарида ҳам анча машҳур бўлган [15, С.122]. Водий шаҳарларида тайёрланган матолар катта миқдорда Тошкент бозорларига келтирилган ва бу маҳсулотлар шу турдаги Тошкент матолари билан рақобат қила олган [16, С. 254].

Қўқон хонлигида етиштирилган ипак ва пахта хомашёси ҳамда улардан

тайёрланган маҳсулотлар Ўрта Осиёнинг ички бозорларида ўзига хос мавқеига эга бўлган. Бироқ, бу маҳсулотлар қўл меҳнати асосида тайёрланган ва аксарият ҳолларда уларнинг сифати талаб даражасида эмаслиги, XIX бошларидан Ўрта Осиё бозорларига инглиз ва рус молларини кириб келиши билан рақобатбардошлик қобилиятини йўқотган. Натижада, Қўқон хонлиги ҳам бошқа Ўрта Осиё хонликлари каби хомашё етиштирувчи мамлакатлардан бирига айлана бошлаган.

Ўрта Осиё халқлари орасида рўзғорда кенг ишлатиладиган кулолчилик маҳсулотларига талаб доимо катта бўлган. Бухоро ва Хива хонликлари каби Қўқон хонлиги ҳам ўзига хос кулолчилик мактабига эга эди. Қўқон хонлиги кулолчилик маркази Риштон шаҳри ҳисобланиб, бу ерда тайёрланган маҳсулотлар нафақат шаҳар, балки қишлоқ аҳолиси эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этган. Хонликда қўплаб қурилишлар олиб борилиши натижасида катта шаҳарларда ғишт қуядиган хумдонлар вужудга келган. Хусусан, Россия истилосига қадар Намангандаги Янгиариқ каналининг чап қирғоғида ғишт қуювчи хумдонлар бўлган ва уларда тайёрланган ғиштлар маҳаллий иншоотларни барпо қилишда, мадраса, масжид, карвонсарой ва бошқа қурилиш ишларида кенг фойдаланилган [17, С. 513].

Хонликда ёғоч ва металл ишлов бериш, темир буюмлар ишлаб чиқариш ҳам ўзига хос тарзда ривожланган. Қўқон, Тошкент, Наманган ва Андижон шаҳарларида ёғочга ишлов берувчи, темир буюмлар ишлаб чиқарувчи ва бошқа кўплаб устахоналар мавжуд бўлиб, улар асосан бозорлардаги ҳунармандчилик дўконларида жойлашган. Уларда тайёрланган маҳсулотлар дўконларнинг ўзида сотилган. Хонлик шаҳарларида ҳунармандларнинг бундай дўконлари кўпчиликти ташкил этиб, XIX асрда биргина Қўқоннинг ўзида 400 га яқин мисгар, 100 га яқин кандакор фаолият юритган [18, Б. 103]. Шунингдек, Россия истилосига қадар Тошкентда 100 дан ортиқ темирчилик устахонаси мавжуд бўлиб, уларда тайёрланган буюмлар хонлик ва қўшни дашт аҳолиси томонидан қадрланган [19, С.72]. Хонликнинг дарё бўйларида ва уларга яқин ҳудудларида жойлашган шаҳарларида қайиқсозлик ва кемасозлик ҳам тараққий этган. Бу шаҳарлар жумласига, Қўқон, Тошкент, Наманган ва Хўжанд шаҳарларини мисол қилиш мумкин. Металлга ишлов бериш ва ундан турли буюмлар ясаш маркази сифатида хонликдагина эмас, балки Ўрта Осиёда ҳам ўз ўрнига эга бўлган шаҳарларидан бири Наманган ҳисобланган [20, С. 139-140]. Қуролсозлик ривожланган бу марказда милтиқ ва қиличлар тайёрланган [21, С.146-147]. Темирчилик хонликнинг бошқа шаҳарларида ҳам тараққий этган. Хусусан, Чуст, Шаҳрихон, Қўқон, Пойтуғ, Қорасув шаҳарлари Фарғона водийсининг 5 та металл буюмлар, асосан, пичоқ ишлаб чиқариш марказлари бўлиб, уларнинг учтасининг бозори Андижонда жойлашган [22, Б. 123].

Қўқон хонлигида тараққий этган ўзига хос ҳунармандчилик турларидан бири аравасозлик эди. Аравасозлик Қўқон, Тошкент, Наманган ва Марғилон шаҳарларида ривожланган бўлиб, хонликда тайёрланган аравалар "Қўқон арава" номи билан Ўрта Осиёда танилган. Чунки, Қўқон аравасозлик ва эгар-жабдуқ тайёрлаш бўйича Ўрта Осиёда етакчилик қилган. Қўқон арава 25 - 40 пуд [23, Б.196] гача юк кўтара олган ва асосан отлар ёрдамида манзилга олиб борилган. Бу аравалардан ички ва ташқи савдода фаол фойдаланилган. Хусусан, XIX аср 20-йилларида Бухорда бўлган Е.К.Мейендорф, ".....қўқонлик савдогарлар Бухорога ўз молларини аравада келтирадилар", - деб ёзган эди [24, С.108].

Хонлик аҳолисининг кўчманчи халқлар билан иқтисодий алоқалари ривожини мамлакатда кўнчилик ва терига ишлов бериш ҳунарининг тараққиётига самарали

таъсир кўрсатган. Бундай ҳунарлар ривожланган марказлар - шаҳарлар эди. Қўқон, Тошкент, Андижон ва Ўш шаҳарлари кўнчилик марказлари бўлиб, бу ерларда терини қайта ишлаш ва ундан пойабзал тайёрлаш билан бирга теридан кийим-кечак, бош кийим, сув ва қимиз учун мешлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган [25, С.21]. Хусусан, мамлакат пойтахти Қўқонда чорва териларини ошлаш, ишлов бериш, турли рангга бўяш ва улардан этик, кавуш, маҳси тайёрлаш ҳам анча равнақ топган эди. XIX аср 60-йилларида Тошкентда теридан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан 60 та дўкон шуғулланган [26, С.17]. Хонликда тайёрланган пойабзалларга маҳаллий аҳоли билан бир қаторда чорвачилик билан шуғулланувчи чўл ва тоғ олди ҳудудлар аҳолиси, асосан, қозоқ ва қирғизлар орасида талаб катта бўлган [27, С. 71].

Пойтахт Қўқонда тайёрланган қоғоз Ўрта Осиёда машҳур ҳисобланган ва илм аҳли орасида қадрланган. XVIII аср бошларида Қўқонда иккита қоғоз ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд бўлиб, уларнинг бири шаҳарнинг "Мўйи Муборак" дарвозаси яқинида, иккинчиси шаҳар яқинидаги Чорку қишлоғида жойлашган эди [28, С.414]. Қўқонда ишлаб чиқарилган қоғоз бутун Ўрта Осиё бозорларига олиб кетилган.

Хонлик шаҳарларида ўсимликлардан турли рангдаги бўёқ тайёрлаш ва ип-газлама, ипак ҳамда ипак матоларни бўяш ҳунари ривожланган эди. Хонликда бу соҳада Наманган етакчилиги қилган. Бу шаҳарда ипакни бўяшда асосан норпус (қора анор) бўёғидан фойдаланилган бўлиб, хонликнинг турли ҳудудларидан бу ерга катта миқдорда ипакни бўятиш учун олиб келганлар [29, С. 498]. Қўқон хонлигида Ўрта Осиёнинг бошқа хонликлари каби рўян (марена) деб номланган бутасимон ўсимлик илдизидан табиий қизил рангдаги бўёқ тайёрланган ва у билан қизгин савдо амалга оширилган. Бу бўёқ ҳам хонлик ҳудудида асосан Наманганда тайёрланган [30, С. 24].

Қўқон хонлигида маълум бир ҳунармандчилик турининг ривожланганлиги ва ўзига хос маҳсулот турлари билан алоҳида марказлар ажрала бошлаган. Шаҳарларда ҳунармандчиликнинг тараққий этиб бориши рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ҳам кўпайтирган. Натижада, маҳаллий ўтроқ аҳоли билан бир қаторда чўл ва тоғ зоналарида яшовчи аҳоли хонлик ҳунармандлари томонидан тайёрланган маҳсулотлар билан ўз эҳтиёжларини қондира бошлаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ефремов Ф. Странствование в Киргизской степи, Бухарии, Хиве, Персии, Тибет и Индии в возвращение его оттуда через Англию в Россию. - Казань, (Wandering in the Kyrgyz steppe, Bukharia, Khiva, Persia, Tibet and India, returning him from there through England to Russia. - Kazan) 1811. - 160 с.

2. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. - СПб., (Nazarov F. Notes on some peoples and lands of the middle part of Asia. - SPb)1821. - 98 с.

3.Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве / Собрание литературных трудов. Том II. - СПб.: Тип. М.Стасюевича, (Gaines A.K. Management of Tashkent under the Kokand rule / Collection of literary works. Volume II - SPb. : Type. M. Stasyurevich)1898. - 741 с.

4. Наливкин В. Торговля пригонными баранами в Наманганском уезде // Туркестанские ведомости. (Nalivkin V. Trade in fitted sheep in Namangan County /

/ Turkestan Vedomosti) 1880. - №49.

5. Агзамова Г. А. Сўнги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик ва савдо. - Т.: Ўзбекистон, (Agzamova G. A. Handicrafts and trade in medieval Asian cities. - Т.: Uzbekistan) 2000. - 52 б.

6. Қадок - оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, 400 грамга тенг (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - М.: Рус тили нашриёти, II том. (Package is a unit of weight weighing 400 grams.) 1981.

7. Тўлаганова М. А. Ўрта Осиё ва Россия савдо алоқаларида Фарғона областининг маъқеи. Тарих фан. номз... дисс. - Т., (Tolegova M A. The role of the Fergana region in trade relations between Central Asia and Russia. History. nomz ... diss.) 1972. - 200 б.

8. Коканъ // Туркестанский сборник. Том 30. (Kokan // Turkestan collection. Part 30) 1870. - С. 130-145.

9. Петровский Н. О. О шелководстве и шелкомотании в Средней Азии. (Petrovsky N. O. On sericulture and silkworming in Central Asia)- Т., 1873. - С. 120 с.

10. Сажень - 2,134 м.га тенг бўлган узунлик ўлчов бирлиги (Sachen is a unit of length measuring 2,134 m) (Русча - ўзбекча луғат. - Т., 1984.).

11. Ефремов Ф. Девятилетнее странствование. - Москва, (Efremov F. Nine-year wandering. - Moscow) 1952. - 160 с.

12. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. - Москва, (Nazarov F. Notes on some peoples and lands of the middle part of Asia. - Moscow) 1968. - 98 с.

13. Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских. ИРГО. - СПб., (Velyaminov-Zernov V.V. Commercial value of the Kokand Khanate for Russians. IRGO. - SPb) 1854. - 87 с.

14. Агзамова Г. Марғилон хунармандчилиги оид айрим маълумотлар // Марғилон шаҳрининг Жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференцияси материаллари. - Тошкент - Марғилон, (Agzamova G. Some information on Margilan crafts // Role of Margilan in the history of world civilization. Proceedings of the International Scientific Conference on the 2000th Anniversary of Margilan. - Tashkent - Margilan) 2007. - Б. 114-117.

15. Пашино П. И. О Фабричной и торговой деятельности в Туркестанской области // Известия ИРГО. Том II. (Pashino P.I. On Factory and Trading Activities in the Turkestan Region // Bulletin of the IRGO. Volume II) - СПб., 1867. - С. 120-139.

16. Потанин Н. И. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина (1830) // ИРГО. Том V. Часть XVIII. (Potanin N.I. Notes on the Kokand Khanate of the corral Potanin (1830) // IRGO. Volume V. Part XVIII) - СПб., 1856. - С. 254 - 289.

17. Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. (Middendorf A.F. Essays on the Ferghana Share) -СПб., 1882. - 604 с. 18. Абдуллаев Т. XIX - XX асрларда ўзбек кандакорлиги. (Abdullaev T. Uzbek handicraft in the 19th and 20th centuries)- Т., 1974. - 128 б.

19. Показание сибирскаго казака Максимова о Коканском владении // Вестник ИРГО. Книжка III. - СПб., (Testimony of the Siberian Cossack Maximov about the Kokansky possession // Bulletin of the IRGO. Book III. - SPb) 1860. - С. 65-75.

20. История народов Узбекистана. Том II. - Т., (The history of the peoples of Uzbekistan. Volume II) 1947. - 512 с.

21. Пашино П. И. Туркестанский край в 1866 году. -СПб., (Pashino P.I. Turkestan Territory in 1866. -SPb.,) 1868. - 178 с.

22. Мусаев Д., Ҳошимов Ҳ. Андижоннинг XIX аср охири - XX аср бошлари даври хунармандчилиги тарихини ўрганилишига доир // Марғилон шаҳрининг Жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференцияси материаллари. - Тошкент - Марғилон, (Musaev D., Hoshimov H. Studying the history of craftsmanship of Andijan in the late 19th and early 20th centuries // The role of Margilan in the history of world civilization. Proceedings of the International Scientific Conference on the 2000th Anniversary of Margilan. - Tashkent - Margilan,) 2007. - Б. 122-124.

23. Пуд - 16,3 кг. га тенг оғирлик ўлчов бирлиги (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. (Poodle - 16.3 kg. Weight unit (National Encyclopedia of Uzbekistan).)- №7.- Т., 2004.).

24. Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. - Москва, (Meyendorf E. K. Puteshestvie from Orenburga in Bukhara. - Moscow) 1975. - 183 с.

25. Сухарева О. А. Из истории городских и сельских поселений Средней Азии (второй половины XIX - начала XX в.) // Жилище народов Средней Азии и Казахстана. - Москва, (Sukhareva O. A. From the history of urban and rural settlements of Central Asia (the second half of the XIX - early XX centuries) // Housing of the peoples of Central Asia and Kazakhstan. - Moscow) 1982. - С. 10-47.

26. Гейер М., Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте. - Т., (Geyer M., Nazarov I. Handicrafts in Tashkent) 1903. - 32 с.

27. Показание сибирского казака Максимова о Коканском владении // Вестник ИРГО. Книжка III. - СПб., (Testimony of the Siberian Cossack Maximov about the Kokansky possession // Bulletin of the IRGO. Book III. - SPb.,) 1860. - С.65-75.

28. Федченко А. Оби джуазъ - писчебумажная фабрика в Кокане // Туркестанский сборник. Том 57. (Fedchenko A. Obi juaz - paper station in Kokan // Turkestan collection. Volume 57.) 1878. - С. 413-418.

29. Краузе И. О. Красильном искусстве туземных жителей Туркестанского края // Туркестанский сборник. Том I. - Т., (Krause I. O. The dyeing art of the indigenous inhabitants of the Turkestan Territory // Turkestan collection. Volume I.) 1872. - С. 493-500.


30. Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских. ИРГО. (Velyaminov-Zernov V.V. Commercial value of the Kokan Khanate for Russians. IRGO) - СПб., 1854. - 87 с.

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Нуркулова Рая Рузиевна,
Жиззах давлат педагогика институти доценти

ИСЛОМ КАРИМОВ - МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ

For citation: Nurkulova Raya Ruziyevna. Islam Karimov - founder of independent Uzbekistan..2019, vol. 26, issue 2, pp. 74-79

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-26-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада миллий тарихимизнинг энг кескин ва таҳликали даврида, турли зиддиятлар авж олган, мамлакатимизда миллатлар ва фуқаролар ўртасида уруш хавфи юзага келиб, иқтисодиёт оғир аҳволга тушиб қолган пайтда Ислам Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари этиб сайланиши ва унинг тарихий аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: мустақиллик, халқ, миллат, совет даври, урф-одатлар, диний қадриятлар, маънавий жасорат, миллатлар, фуқаролар, иқтисодиёт.

Нуркулова Рая Рузиевна,
доцент Джизакского государственного
педагогического института

ИСЛАМ КАРИМОВ - ОСНОВАТЕЛЬ НЕЗАВИСИМОГО УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В статье подчеркивается историческое значение избрания Ислама Каримова на пост Президента Узбекистана в самый бурный и опасный период нашей национальной истории, в разгар конфликта, угрозы войны между народами и гражданами страны и экономики.

Ключевые слова: независимость, народ, нация, советская эпоха, обычаи, религиозные ценности, моральное мужество, нации, граждане, экономика.

Nurkulova Raya Ruzievna,
Associate Professor of Jizzakh State Pedagogical Institute

ISLAM KARIMOV - FOUNDER OF INDEPENDENT UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article highlights the historic significance of Islam Karimov's election as President of Uzbekistan in the most turbulent and dangerous period of our national history, at the height of the conflict, the threat of war between nations and citizens in the country, and the economy.

Key words: independence, nation, nation, Soviet era, customs, religious values, moral courage, nations, citizens, economy.

Жаҳон цивилизациясида алоҳида ўрин тутадиган, кўп асрлик бой тарихга эга бўлган Ўзбекистон заминидан бутун дунёга машҳур бўлган буюк давлат арбоблари, машҳур қомусий алломалар етишиб чиққан. Ўзбек халқининг бой давлатчилик тарихида ўзининг Ватан ва халқ олдидаги буюк хизматлари билан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов мустақил Ўзбекистон давлатига асос солди ва уни тенглар ичра тенг бўлишга эришишида фидоийлик кўрсатди. Ўзбекистон тарихан жуда қисқа давр мобайнида дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Дарҳақиқат, тарихнинг бурилиш палласида тарихнинг ўзи миллат қайғуси, халқ дарди билан қалби ёнган ва шу мақсадда миллатнинг дардларига дармон бўлишни ўзига олиб мақсад қилиб қўйган буюк шахсларни тарих саҳнасиغا чиқаради. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ана шу буюк ва олий мақсад йўлида жасорат билан майдонга чиққан эди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек: "Бутун онгли ҳаётини Ўзбекистонимиз учун, унинг мустақиллиги ва озодлиги, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан равнақ топиши учун бағишлаган буюк юртбошимизни миллий тарихимизнинг энг кескин ва таҳликали, туб бурилиш даврида, халқимизнинг дардига дармон бўлсин, деб Яратганнинг ўзи майдонга чиқарди[1, Б.340].

"Элим деб, юртим деб, ёниб яшайлик", деган фикр И.Каримов ҳаётининг мазмуни бўлди. Ўзбекистон истиқлоли учун курашдек оғир ва масъулиятли вазифани ўз зиммасига олди. Она юртимизнинг бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилишни олий саодат ҳисоблади. Шу она юрт фарзанди бўлганидан фахрланди.

Биринчи Президент И.А.Каримов бу ҳақда: "Жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз Ўзбекистонимиз яккаю-ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизни зиммамизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланишни истардим...

Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин"[2, Б.90].

Шуни айтиш жоизки, республикамизда 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошида юзага келган вазият ўзбек халқининг мустақиллиги учун бўлган курашни

тезлаштириб юборди. Республикамизда ўтган мураккаб ва оғир вазият юзага келган эди. Собиқ мустабид тузум давридаги пахта якка ҳокимлиги, мустамлака тузумига хос бир ёқлама ривожланган иқтисодиётнинг ҳалокатли оқибатлари, аввало, одамларнинг турмуш тарзида, уларнинг жон бошига тўғри келадиган даромад даражасининг ўта пастлигида яққол намён бўлган эди.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўзининг "Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида" асарида шундай ёзади: "Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман, мамлакат аҳолисига нисбатан икки баравар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўртача ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаяпти" [3,Б.5-6]. Аслида эса, мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, одамларнинг кун кечирини учун камида 85 сўм зарурлигини назарга олсак, одамларнинг зўрға учма-уч кун кўраётгани аниқ бўлади.

Бутун республикада пахта якка ҳокимлигининг тобора кучайиши, ижтимоий-иқтисодий вазиятни тобора оғирлашиб боришига олиб келган эди. "Бир ҳовлида, - деб ёзади Биринчи Президент И.А.Каримов, - бештадан оила яшаганини шахсан ўзим кўрганман. Бундан ҳовлиларда яшаш айниқса қариялар учун жуда азоб эди. Тасаввур қиласизми, улар эрталаб туриб, қаерда таҳорат олишни билмасдан қийналар эди. Эшигини очса, остонасигача пахта экилган [4,Б.87]". Кўринадики, пахта якка ҳокимлиги шу даражада кучайган эдики, одамларнинг остонасигача пахта экилган эди, фақат томларнинг усти қолган эди.

Қишлоқ аҳолисининг томорқа ерларини тобора камайтириб борилиши ижтимоий аҳволни оғирлашишга олиб келган эди. Аҳвол шу даражага етган эдики, пахта тераётган одамларнинг устидан самолётдан заҳарли дорилар сепилиб натижасида турли касалликлар кўпайган эди. Марказга эса, ўзбек халқининг соғлиги эмас, "оқ олтини" керак эди.

Хуллас, собиқ СССР даврида Марказ томонидан олиб борилган зўравонлик сиёсати шу даражага етдики, 6 миллион пахта топшириш, ўзбек халқининг зиммасига юклатилди. Унинг устига марказ томонидан халқимизни камситиш, уни менсимаслик, ғурурини поймол қилиш сиёсати натижасида ўзбек халқи "порахўрлик"да айбланди, тухмат ва бўхтонлар гирдобиди қолди. Марказдан Гдлян ва Ивановлар бошчилигида юборилган терговчилар гуруҳи республика аҳолисини, қўрқув, ваҳимага солди.

Сиёсатшунос олим Леонид Левитин ёзганидек, Ислом Каримов ҳокимият бошқарувини қўлга олган пайтда Ўзбекистон ҳалокат ёқасига келиб қолган эди. "Энди ҳеч ким фожиали воесалар оқимини орқага қайтара олмайдиганга ўхшарди. У ҳокимият тепасига мамлакатни бало-қазолардан сақлаб қоладиган киши сифатида келди. Шунинг учун мен уни пешонасига сиёсий, етакчилик битилган киши, деб атаган бўлардим [6,Б.37]".

Мана шундай шароитда И.А.Каримов 1989 йилнинг 23 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланди. У ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашга катта эътибор қаратди. Бироқ, собиқ Иттифоқдаги айрим бузғунчи кучлар таъсирида 1989 йилнинг май ойининг охирида июнь ойининг бошларида Фарғонада бошланган миллий низолар, 1990 йилнинг июлида қўшни Қирғизистоннинг Ўш вилоятида ўзбеклар

ва қирғизлар ўртасидаги миллатлараро низолар И.Каримовнинг аниқ позицияси, узоқни кўра оладиган донишмандлиги, маънавий жасорати туфайли эришилди. Шунини таъкидлаш жоизки, ўша даврдаги қалтис ва оғир вазиятдан айрим ақидапараст кучлар ҳам ўз ниятлари йўлида фойдаланишга уриндилар.

1991 йилнинг 9 декабрида Наманган шаҳрида бир гуруҳ кўпоровчи кучлар Ўзбекистонни ислом давлатига айлантириш даъвоси билан чиқдилар. Улар республика раҳбари билан шахсан учрашишни талаб қилдилар. И.А.Каримов таҳликали вазиятда оломон орасига бир ўзи кириб борди ва уларнинг талабларини эшитди. Бу талаблар мутлақо қонунга зид бўлиб, яхшиликка олиб бормаслигини уларга уқтирди. И.А.Каримовнинг донишмандлиги, мустақкам иродаси ва салоҳияти билан беҳуда қон тўкилишига йўл қўйилмади.

Буюк етакчи И.А.Каримов мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият таҳлил қилиб, аввало аҳолининг иқтисодий, моддий аҳволини яхшилаш зарурлигини англади. Шу мақсадда, 1989 йилнинг 17 августида "Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида" қарор қабул қилинди. Натижада 1989-1990 йилларда бир ярим миллиондан кўпроқ оилага қўшимча ер берилди, жами 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди. Республика аҳолиси олдидаги долзарб муаммолардан бири ана шундай ҳал қилинди. Бу эса республиканинг мустақиллик сари илк қадамлари эди.

1989 йилнинг 21 октябрида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг XI сессия "Ўзбекистоннинг давлат тили тўғрисида"ги Қонунини қабул қилиниши, 1990 йил 24 мартда президентлик лавозимининг жорий этилиши, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг XII чақириқ иккинчи сессиясида (1990 йил 20 июнь) қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Мустақиллик Декларацияси" навбатдаги мустақиллик учун қўйилган қадамлар бўлди.

Ана шундай вазиятда, яъни 1991 йилнинг 19 августида Москвада давлат тўнтариши қилишга уриниш юз берди. Ўша вақтда И.А.Каримов Ҳиндистонда расмий сафарда эдилар. 19 август куни хориж сафаридан қайтиб, 20 август куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсати, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокида қўшма мажлис ўтказди. Унда юзага келган вазиятга Ўзбекистоннинг муносабати билдирилди. Ўзбекистон ССР Президентининг республика аҳолисига Мурожаати эълон қилинди. Унда, жумладан, шундай сўзлар алоҳида таъкидланган эди: "...Марказдан, бошқа баъзи бир жумҳуриятлардан қандай қарорлар чиқмасин, ваъдалар берилмасин, ҳар қандай чақириқлар, даъватлар, йўл-йўриқлар кўрсатишга ҳаракатлар бўлмасин, биз ўзимиз танлаган йўлимиздан қайтганимиз йўқ[10,Б.24]", деб очиқ-ойдин баён қилинган эди.

Ана шундай ноқулай тарихий шароитда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Олий Кенгаш сессиясини чақиришни ва унда "Ўзбекистон давлат мустақиллиги ҳақида қонун" қабул қилишни таклиф қилди. Республикамизни оғир таназзул ҳолатидан чиқаришнинг ягона йўли - Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини таъминлашдан иборат эди.

Мустақиллигимиз бунёдкори И.А.Каримов бу ҳақда "Бугун халқимизга шу нарса аниқки, ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга эришишнинг ягона йўли бор. У ҳам бўлса - республиканинг мустақилликка эришишидир", - деган эдилар.

Ўзбекистон мустақиллигининг меъмори, И.А.Каримов ташаббуси билан, ўзбек

халқининг асрий орзусини амалга ошириш мақсадида республика Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари сессияси 1991 йил 31 августда чақирилди. Ушбу сессия Ўзбекистон давлат мустақиллигини эълон қилишида катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Сессияда Биринчи Президент И.А.Каримов томонидан Ўзбекистоннинг давлат Мустақиллиги эълон қилинди.

Мухтасар қилиб айтганда, Биринчи Президент И.А.Каримов буюк келажак, ўзбек халқининг фаровон бахт-саодати, маърифий ҳаёт кечириши йўлида чорак аср мобайнида катта матонат билан меҳнат қилди.

Президент Ш.М.Мирзиёев айтганларидек: "Биринчи Президентимиз биз учун янги ҳаёт, янги жамият асосчиси, мустақил Ўзбекистон бунёдкори сифатида тарихимизда мангу қолади, юксак ибрат намунаси бўлиб қалбида абадий яшайди". [12,Б.41]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -Б.340. (Mirziyoev Sh.M. We build our great future with our brave and noble people. -Tashkent: Uzbekistan, 2017. -3,340.)

2. Каримов И.А. Юксак маънавият энгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. -Б. 90. (Karimov I.A. High spirituality is an invincible force. - Tashkent: Spirituality, 2008. -P. 90.)

3. Каримов И.А.Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида. -Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -Б. 5-6.(Karimov I.A. Uzbekistan is on the threshold of independence. - Tashkent: Uzbekistan, 2011. -P. 5-6.)

4. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажакки йўлида хизмат қилиш энг олий саодат. -Тошкент: Ўзбекистон, 2015. -Б.87.(Karimov I.A. It is a great pleasure to serve the future of the native land and the great future. -Tashkent: Uzbekistan, 2015. -P.87.)

5. Мирзиёев Ш.М.Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -Б.405.(Mirziyoev Sh.M. We build our great future with our brave and noble people. -Tashkent: Uzbekistan, 2017. -P.405.)

6. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. -Тошкент: Ўзбекистон, 2001. -Б.37.(Levitin L. Uzbekistan is at a historical turning point. -Tashkent: Uzbekistan, 2001. -P.37.)

7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -Б.8.(Karimov I.A. Uzbekistan is on the threshold of gaining independence. -Tashkent: Uzbekistan, 2011. -P.8.)

8. ЛевитинЛ. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. -Тошкент: Ўзбекистон, 2001. -Б. 49.(Levitin L. Uzbekistan is at a historical turning point. -Tashkent: Uzbekistan, 2001. -P. 49).

9. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -Б.8.(Karimov I.A. Uzbekistan is on the threshold of gaining independence. -Tashkent: Uzbekistan, 2011. -P.231.)

10.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -Б.8.(Karimov I.A. Uzbekistan is on the threshold of gaining independence. -Tashkent: Uzbekistan, 2011. -P.24.)

11. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажакки йўлида хизмат қилиш энг олий саодат. -Тошкент: Ўзбекистон, 2015. -Б.87.(Karimov I.A. It is a

great pleasure to serve the future of the native land and the great future. -Tashkent: Uzbekistan, 2015. -P. 76.)


12. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -Б.405.(Mirziyoev Sh.M. We build our great future with our brave and noble people. -Tashkent: Uzbekistan, 2017. -P.41.)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ражабова Дилноза Ярашовна,
Бухоро давлат университети ўқитувчиси

АМИР САЙЙИД АБДУЛАҲАДХОН ФЕНОМЕНИ ВА УНИНГ ТУРКИСТОН ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

For citation: Rajabova Dilnoza Yarashovna. The phenomenon of Amir Sayyid Abdulahadkhan and his role in the history of Turkestan. 2019, vol. 26, issue 2, pp. 80-86

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-26-12>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бухородаги манғит ҳукмдорлари (1753-1920 йиллар) сўнгги вакилларида бири Амир Саййид Абдулаҳадхон ва унинг ҳукмронлик фаолиятига оид ўша давр маҳаллий тарихчилар асарлари таҳлили берилган.

Калит сўзлар: маҳаллий тарихчилар, тахт вориси, ислоҳот, бунёдкорлик, темир йўл, гимназия, армия, шифохона.

Раджабова Дилноза Ярашовна,
преподаватель Бухарского государственного университета

ФЕНОМЕН АМИРА САЙИДА АБДУЛАҲАДА ХАНА И ЕГО РОЛЬ В ИСТОРИИ ТУРКЕСТАНА

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается анализ преобразований Амира Саида Абдулаҳадхона, одного из последних представителей Мангытских правителей Бухары (1753-1920 годы) и краеведов того периода о его царской деятельности.

Ключевые слова: краеведы, наследник престола, реформа, творчество, железная дорога, гимназия, армия, больница.

Rajabova Dilnoza Yarashovna,
Lecturer at Bukhara State University

THE PHENOMENON OF AMIR SAYYID ABDULAHADKHAN

AND HIS ROLE IN THE HISTORY OF TURKESTAN

ANNOTATION

This article describes the analysis of the reigning reforms of Amir Sayyid Abdulahadhon, one of the last representatives of the Mangit dynasty of Bukhara (1753-1920) and local historians of that period about his royal activity.

Keywords: local historians, heir to the throne, reform, creativity, railway, gymnasium, army, hospital.

Ўзбекистон тарихида сулолалар, хонликлар даври кенг ўрганилган бўлсада, хон ва амирларнинг фаолияти бевосита чуқур тадқиқ этилмаган. Жумладан, Бухоро амирлигини бошқарган манғит сулоласи (1753-1920 йй) сўнгги ҳукмдорларидан бири Амир Саййид Абдулаҳадхон (1883-1910 йй) фаолияти илмий тадқиқ этилмаган мавзулардан ҳисобланади. Мустақиллик берган имкониятларидан бири хорижий нашрлар, архивлардаги даврий матбуот материаллари, турли ҳужжатлар, шунингдек, маҳаллий тарихчилар асарларидан қиёсий таҳлилий ёндашув асосида тарихий воқеъиликни англашдир. Амирлик бошқарувида кўплаб ислохотлари билан ўзбек давлатчилиги тарихида ўзига хос ўрин тутган Саййид Абдулаҳадхон ҳақида ўша давр тарихчилари асарларида турлича маълумот берадилар.

Бухоро амирлигининг XIX аср 2-ярмидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, маданий турмуш тарзи, хусусан Амир Абдулаҳадхон ҳақида маҳаллий тарихчилар Мирзо Абдулазим Сомий, Мирзо Салимбек, Муҳаммад Али Балжувоний, Аҳмад Дониш каби муаллифлар асарларида қимматли маълумотларни ёзганлар. Кейинчалик эса Амир Олимхоннинг ўғли Саййид Мансур Олимий асарларида ҳам бу давр ҳақида аниқ тавсифлар берилган. Бухоро амирлигида ушбу давр ислохотлари ҳақида гувоҳлик берувчи қимматли манбалардан яна бири Амир Абдулаҳадхоннинг хотиралари битилган кундалиги ҳамдир.[1]

Манғит ҳукмдорлари, улардан Амир Абдулаҳадхонга илмий муносабатини билдирган мустақиллик даври тарихчиларидан Қ.Ражабов, С.Иноятов, Ҳ.Тўраев, Д.Жамоловаларнинг ишларида ҳам Амир Абдулаҳадхон ҳукмронлиги даври ҳақида умумий маълумот берилган.

Ушбу мақолада Бухоро амирларидан бири Амир Саййид Абдулаҳадхон ва унинг ҳукмронлик фаолияти тўғрисида ўша давр маҳаллий тарихчилар асарларидаги қарашлари келтириб ўтилган.

Амир Абдулаҳадхоннинг тахтга келиши ҳақида Аҳмад Дониш "Рисола"да шундай деб башорат келтиради "...Музаффардан кейин кимки давлат бошига келса, тахтга ўтирса, асрни янгиловчи бўлади, мамлакатда тартиб ўрнатади".[2,Б.111]

Абдулаҳадхон амир Музаффар (1860 - 1885)нинг 14 ўғлидан тўртинчиси эди. Дастлаб амир Музаффар тўнгич ўғли Абдумалик Тўра (1848 - 1909)ни тахт вориси этиб тайинлайди. Аммо Шаҳрисабз ҳокими Жўрабек ва Бобобекларга қўшилиб ҳокимият учун курашганлиги натижасида Амир Музаффархон уни тож-тахт вориси ҳуқуқидан бутунлай маҳрум этади(1868). Айти пайтда Чоржўй беги вазифасида бўлиб турган ўғли Нуриддин (1851 - 1868)ни тож-тахт вориси этиб тайинламоқчи бўлганда, тўсатдан вафот этади. Сўнгра ўғли Абдулфаттоҳ (1856/57 - 1869)ни тахт вориси этиб тайинлаб, 1869 йилда рус императори Александр II ҳузурига юбориб, тахт ворислигига император розилигини олишга эришади. Аммо тўсатдан Абдулфаттоҳ ҳам вафот этади. Шундан сўнг амир Музаффар Абдулаҳадхонни тахт

вориси этиб тайинлайди.[3,Б.34]

Абдулаҳадхоннинг валиаҳд сифатида тасдиқланиши 1883 йилда рус императори Александр III (1881 - 1894) ҳузурига Ҳисор ҳокими Остонақул қўшбеги, Мирза Салимбек парвоначи каби бир гуруҳ Бухоро аъёнлари билан Петербургга юборилганида бўлган. Бу ҳақида Мирза Сомий Бўстоний шундай деган: "...Рус императори Николайнинг вафотидан сўнг тахтга келган Александрга Амир Музаффархоннинг табриги топширилгач, Саййид Абдулаҳадхонга ҳам валиаҳдлик ёрлиғи берилган." [4,С.45-46] Абдулаҳадхоннинг ўзига хос тараққийпарварлик, ислоҳотчилик фазилати мана шу ташрифдан бошланади. У Бухоро амирлигининг жаҳон тараққиётидан анча ортда қолганини англаб, ҳамма соҳаларда жиддий ўзгаришлар қилиш зарурлигини тушуниб етади. Амир Абдулаҳадхон ҳокимият тепасига келганда, мамлакатда амалдорларнинг ўзбошимчалиғи, маҳаллий ҳокимларнинг оддий аҳолига ўтказаетган зулми ортиб кетган эди. Ҳатто, айрим бек ва ҳокимлар марказий ҳокимиятга бўйсунисдан бош тортиб, мустақил бўлиш учун ҳаракатланаётган эди.[5] У дастлаб бошқарув тартибларини ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилади. 1886 йилда Амир Абдулаҳадхон амирликдаги зиндонларнинг бир қисмини ёпишга буйруқ беради. Оғир тан жазоси беришни, қулликни бекор қилади.

Амир Абдулаҳадхон даврида ўн йил мунший вазифасида ишлаган Мирза Муҳаммад Абдулазим Сомий Бўстоний (1839-1914) ўз даврида тарихчи, адабиётчи, шоир, ҳаттот ва "нутқ устаси" сифатида ҳам танилган. У амир Музаффархон давридан бошлаб сарой хизматида бўлган. Сомий бир неча адабий ва тарихий асар ёзиб қолдирган. "Мирот ул-ҳаёл" ("Хаёл кўзгуси"), "Иншо", "Тухфаи шоҳий" ("Подшонинг туҳфаси"), "Тарихи салотини манғития дор-уссалтанаи Бухорои шариф" ("Бухорои шариф салтанатидаги манғит ҳукмдорлари тарихи") шулар жумласидандир. Сўнгги икки асар тарихга оид бўлиб, унда XIX аср охири ва XX аср бошларидаги воқеалар гувоҳи сифатида баён этилади.[4] "Тарихи салотини манғития" асарида Амир Абдулаҳадхон фаолияти ҳақида кенг маълумот берилмаса-да, унинг тахтга келишидаги тарихий вазият, манғитлар сулоласи ҳукмронлиги силсиласи, ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Бухоро амирлигида Абдулаҳадхоннинг амалга оширган айрим ислоҳотлари ва дипломатик муносабатлари айтиб ўтилган.

Унинг замондоши бўлган таниқли бухоролик тарихчи Мирзо Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим(1850-1930) сўнгги учала Бухоро амири даврида ҳам юқори лавозимда ишлаган. Унинг тарихга оид асарлардан "Тарихи Салимий" ва "Кашкўли Салимий. Таворихи муттақадимин ва муттаахирин" асарларида Чингизхон давридан то Бухоро амирлигининг тугатилишигача бўлган даврлар ёритилган. Мирзо Салимбек аввал Нарпай ва Зиёвуддин ҳокими бўлган, кейин девонбеги вазифасига кўтарилган. Останақул қўшбеги девонида йигирма ёшида мирзаликдан иш бошлаган Мирзо Салимбек Бухоронинг Тошкентдаги вакилидан (Туркистон генерал-губернатори Розенбах даврида) то Бухоро амирлигининг турли вилоятлари ҳокимлигигача бўлган юқори мансабларни эгаллаган. Амирликнинг сўнгги йилида у бош закотчи бўлган, амирлик қулатилгандан сўнг барча амир мансабдорлари каби ҳибсга олиниб, мол-мулки мусодара этилади. Ҳибсдан озод этилгач, Бухоро арки тарихини ёзишга мўлжалланган "Тарих жамияти" комиссиясига аъзо бўлган.[6,Бет.179] У Амир Абдулаҳадхоннинг барча борадаги ислоҳотлари, Петербург ва Москва шаҳарларига ташрифлари ҳақида қимматли маълумотлар берибгина қолмай, ўзи ҳам уларда фаол иштирок этганлигини бошқа рус шарқшунослари ҳамда ўша давр маҳаллий матбуоти материаллари ҳам тасдиқлайди.

Мирза Салимбек "Кашкўли Салимий" асарида амир ҳақида : "...Бир қанча улкан бинолар курдирди. Мадинайи Мунавварада ва Маккаю Муаззимага олий такиягоҳлар бино қилди. Бухоройи Шарифда сарой тижорати иморат қилди. Хусусан, Петербургда Жомеъ масжиди бино қилди. Бу масжидда мамлакатни хирожини бир қисмини сарф қилди. Ўша асрда ҳеч бир подшо бу тариқа ҳар бир рус вилоятига масжид мусулмонлар учун бино қилмаган эди. Петербургда намозхон мусулмонлар учун бирорта ҳам масжид йўқ эди. Бухоро подшосининг диндорлик фаолияти орқали Бухороли усталар ажойиб масжидни бунёд қилдилар,"[7,Бет.305]-деб ёзади. Амир Абдулаҳадхоннинг бунёдкорлик ишларини Абдулазим Сомий[4,Б.118] ҳамда Аҳмад Дониш асарларида[2,Б.122] келтирганлар.

Амир Абдулаҳадхон 1888 йилдаги Россия ҳарбий ишлар вазирлиги томонидан Бухоро-Самарқанд темир йўли қурилишига, Закаспий темир йўл тармоғининг Бухорогача етиб келиши почта, телеграф ва телефон хизматларини ҳам жорий этилиши ҳомийси бўлган. У ҳукмронлиги даврида мамлакатга рус капитали кириб кела бошлаб, кичик тадбиркорлик ва хусусий мактабларга йўл очиб беради. Бу ислохотлар ҳақида юқоридаги барча асарларда эътироф мавжуд.

Бу даврда яшаган машҳур шоир, мутафаккир ва маърифатпарвар тарихчиларидан бўлмиш Аҳмад Дониш(1827-1897) XIX аср ўрталарида Бухоро амирлигида илғор фикрлари билан ажралиб турган. Бухоро манғитлари сулоласи тарихи ва ўз даврининг ижтимоий-сиёсий қарашларига оид "Наводур ул-вақое"("Нодир воқеалар") ва "Рисола" номи билан ҳам танилган "Рисолае мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони манғития" ("Манғит амирлари тарихи ҳақида рисола") каби асарларини ёзган. Асардаги мулоҳазалар ўз даври сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизими аҳволи, уларнинг танқидий таҳлили ва таклифларини акс эттирган.

XX аср бошларида ёзилган қимматли манбалардан яна бири Муҳаммад Али Балжувонийнинг "Тарихи Нофеий"("Фойдали тарих")асари бўлиб, у милодий 1923-1927 йиллари битилганлиги қайд этилган.[8,Б.126] Бу асар кейинги давр тадқиқотчилари ва шарқшунослари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилганлигини ундаги воқеалар талқинининг материал сифатида фойдаланилганлигидан билиб оламиз. Асарда Амир Абдулаҳадхон ҳукмронлигининг сўнгги йиллари, Карманадан туриб олиб борган сиёсати, маҳаллий задагонлардан аҳолининг норозилик чиқишлари-низолари, давлат ички ишлари, амирлик бошқарувига ҳам рус сиёсий агентлигининг аралашуви ҳақида фикр боради.

Амир Саййид Абдулаҳадхон ва манғитлар сулоласи ҳақида маълумот бергучи қимматли манбалардан яна бири Амир Саййид Абдулаҳадхоннинг невараси Саййид Мансур Олимийнинг "Бухоро-гаҳвораи Туркистон"("Бухоро-Туркистон бешиги") асари бўлиб, муаллиф 1931йили Афғонистонда туғилиб кейинчалик Туркияда умр гузаронлик қилган. Отаси ва аждодлари ҳақида қизиқарли маълумотларни қолдирган муаллиф шўролар истилосигача бўлган даврни ёритган. Асар 1996 йили Туркияда араб ва форс тилларида нашрдан чиққан бўлиб, унда манғитлар хонадони ҳукмронлиги даври ва тарихи баён этилган. Шунингдек, ушбу асар амир Абдулаҳадхоннинг давлат бошқарувидаги сиёсати, ўтказган сиёсий, ҳарбий, савдо ва пул, маданий ислохотларини очиб беради. Унинг даврида маориф соҳасида ҳам янгилашлар рўй бергани, маърифатпарварлар қўллаб-қувватланганлиги, умрининг сўнгги кунларида амирликни Карманадан туриб бошқарганлиги каби далиллар кўплаб муаррихлар манбалари билан асослаб берилади. Жумладан, Абдулаҳадхоннинг илм-маърифат аҳлини қўллаб-қувватлабгина

қолмасдан, "Ожиз" тахаллуси билан назмда ижод қилганлиги тўғрисида унинг топшириғи билан ёзилган Ҳожи Нейматулло Муҳтарамнинг "Тазкират-ул-ашъор" номли асаридан билиш мумкин дейилади [9, Б.47]. Муаллиф амирнинг ҳукмронлиги даврида Бухоро амирлиги сарҳадлари, шунингдек, унинг бунёдкорлик ишлари ва умрининг сўнгги даври ҳақида ҳам ёзиб қолдирган. Йигирма олти йиллик ҳукмронлигидан сўнг 52 ёшида вафот этган Амир Абдулаҳадхон Карманадаги ҳазрати Қосим Шайх қабристонида дафн этилгани битилган.

Амир Абдулаҳадхон Москва ва Санкт-Петербургга бир неча бор расмий ташриф билан борган бўлиб, бу ҳақида ўзининг 1892 йил декабрь- 1893 йил февраль ойларидавомидаги сафари тафсилотлари битилган кундалигида ёзиб қолдирган. Ушбу кундалик Исмоилбек Гаспиринский томонидан 1894 йилда Қозонда "Бухоро амири ҳазратларининг кундалиги" сарлавҳаси остида нашр қилинган. Асарда рус маданияти ва у орқали Европа цивилизацияси ютуқлари билан танишгани, 1892 йил декабрида бошланган сафарнинг сабаби ўғли Мир Саййид Олимхонни Петербургдаги ҳарбий олий мактабга ўқишга жойлаштириш мақсади эканлиги ёзилган.

Амир Абдулаҳад Петербургга сафари давомида Асхабод (Ашхабод), Боку, Тифлис (Тбилиси) каби шаҳарларда ҳам бўлиб, у ердаги ижобий ўзгаришларни диққат билан кузатади. Дониш Амир Абдулаҳадхон ўз бошқарувининг тўққизинчи йили беш ойлик Россия сафарига борганлиги, Тифлис (Тбилиси)га ташрифи ҳақида ҳам маълумот беради. [2, Б.131] Амир ва унинг ҳамроҳлари Тбилиси шаҳридаги 800 талаба таҳсил олаётган гимназия фаолияти билан танишади ва кейинчалик шунинг каби 1897 йил Бухоро шаҳрида ҳам ногирон ва муомалага лаёқатсизлар учун замонавий тартибдаги ногиронлар уйи ташкил этилиб, улар кунига икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. [10] Петербургда эса император томонидан аҳолининг хавфсизлиги йўлида ташкил қилинган ўт ўчириш командасининг фаолияти билан танишади ҳамда давлат ҳисобидан фаолият кўрсатувчи ҳар икки жинсдаги кўр ва кар болалар учун таъсис этилган мактабни бориб кўради [1, Б.153-154].

Худди шу даврда амир ҳомийлиги ва назорати остида Бухоро шаҳрида замонавий шифохона ва дорихона фаолият юритган. [11, Б.92]

Амир Бухорога қайтишда Тбилиси шаҳридаги ипакчилик станцияси ва ўт ўчириш командасининг казармаси иш фаолияти ҳамда Бокудаги керосин заводи, у ердаги асбоб-ускуналар ва уларнинг ишлаши структураси билан ҳам танишади. У 1895 йилда таркиби 2000 кишидан иборат бўлган, амирликнинг йирик шаҳарларида хизмат қилиши мўлжалланган Бухоро милициясини ташкил қилади. 1908 йилда эса армия сонини қисқартиради. Бу пайтда армияда 12 батальондан иборат пиёда, яъни 8200 сарбоз, 52 офицер ва 12 батальон командири, 2 та отлич эскадрилья (600 солдат, 50 офицер, 2 та эскадрон командири) ва 300 тўпчи мавжуд эди [3, Б.38]. Бу ислоҳотлари учун Амир Абдулаҳадхонга "Амири лашкар" унвони берганлар дейди Саййид Мансур Олимий [9, Б.50].

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири ва XX аср бошлари Бухоро манғитлари вакиллари билан Амир Саййид Абдулаҳадхон (1885-1910) феномени ва унинг Туркистон тарихида тутган ўрнига маҳаллий тарихчиларнинг ёндашув, фикр ва мулоҳазалар турличадир. Уларни шу даврга оид тарихий манбалар, хорижий шарқшунослар хотиралари ва ёзишмалари, оммавий матбуот ва даврий нашрлар архив фондларидаги материаллар ва ҳужжатлари, кейинги мустақиллик йиллари

тадқиқотлари билан қиёсий таҳлил этганда мунозарали қарашлар юзага келади. Давр хусусияти ва муаллиф манфаатидан келиб чиқиб, тарихий воқеиликка объектив ёндашилса, Амир Абдулаҳадхон ислохотлари ва бошқарувига муносабатлар хилма-хил бўлганлиги намён бўлади. Шунга қарамай, Бухоро амирлигида яшаб, тарихийликнинг шоҳиди ва қатнашчиси бўлган маҳаллий муаллифларнинг манғитлар сулоласи, унинг сўнгги йилларида кечган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий жараёнлар, маҳаллий ҳукмдорлар фаолиятлари ва аҳолининг турмуш тарзи ҳақидаги ёзма мерослари бирламчи ва қимматли манбадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Точный перевод дневника его светлости эмира Бухарского. Представляет И.Гаспринский из Бахчисарай. Казань, 1894.;2.Бухороамири ҳазратларининг кундаликлари. Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари,1998. №3. (The exact translation of the diary of his serene highness the Emir of Bukhara / / Is presented by I. Gasprinsky from Bakhchisarai. Kazan. 1894.; 2. The diaries of his Emir of Bukhara.Social thought.Human rights, 1998.Number 3.)
2. Дониш А. Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. Ёўлдошев Қ. таржимаси. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти.Тошкент, 2014.(Donish A. A brief history of the pamphlet or house of mangites. Yoldoshev Q. translation. State Scientific Publishing House "National Encyclopedia of Uzbekistan".Tashkent, 2014)
- 3.Жамолова Д. Бухоро амири Абдулаҳадхон ва унинг сиёсий фаолияти. Ўзбекистон тарихи, №1.2018. (Jamolova D. Emir of Bukhara Abdulahadkhon and his political activities.HistoryofUzbekistan, № 1.2018.)
- 4.Мирза Абдал Азим Сами. Тарихи салатин-и мангитийа (История мангитских государей). Издание текста, предисловие, перевод и примечания Епифановой Л. - М. Москва, 1962.(Mirza Abdal Azim Sami. Tarihi Salatin and mangatia (History of Mangit dynasty). Edition of the text, Preface, translation and notes Epifanova L.-Moscow, 1962)
5. Тўраев Ҳ. Бухоронинг еттинчи ҳукмдори. Бухоронома,2002 йил 30ноябрь.(То'raev H.The seventh ruler of Bukhara. Bukhara, 2002, 30 November'.)
6. Епифанова Л.М.Рукописные источники поистории Средней Азии. Период присоединения ее в России. Ташкент. "Наука",1965.(Epifanova L. M. Manuscript sources on the history of Central Asia. The period of its accession in Russia. Tashkent. "Science", 1965)
7. Мирза Салимбек. Кашкўли Салимий.Таворихи муттақадимин ва муттаахирин. Бухоро: "Бухоро"нашриёти, 2003й. (Mirza Salimbek. The Keşka'li Selimiy.Tavarixi muttakadimın and mutteexirin. Buxoro:"Buxoro" publishing house, 2003y.)
- 8.Муҳаммад Али ибни Муҳаммад Сайид Балжувоний.Тарихи Нофеъй. Тожик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов, З.Чориев. Тошкент: Академия, 2001. (Muhammad Ali ibn Muhammad Seyid Beljuvani.History Nofe'y. Translated from the Tajik language, the author of the word head and comments is Sh.Vahidav, Z.Choriev. Tashkent: Academy, 2001.)
- 9.Сайид Мансур Олимий. Бухоро-Туркистон бешиги/Форс тилидан таржима, таржимон томонидан номидан сўз боши ва айрим изоҳлар муаллифи Ҳ.Тўраев.

Бухоро,2004.(Sayyid Mansur Alimiy. Bukhara-translation from the cradle of Turkistan/Persian, the beginning of the word on behalf of the translator and the author of some comments Н.То ' раев. Bukhara, 2004.)

10. Местные известия. Богодельная его высочества Эмира // Туркестанские ведомости. № 9.1897йил.2 февраль.(Local news. Almshouses Highness the Emir // Turkestan statements.№ 9.1897 year.2 February.)

11.Исмоилбек Фаспарали. Туркистон саёҳатлари (Қрим-татар тилидан Тоҳир Қаҳҳор таржимаси) // Жаҳон адабиёти. 2010. № 10.(Ismail Gaspirali.Turkish travel (translation from Crimean-tatar language to Tahir Kahhor) / / / World literature. The 2010. Number 10)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№26 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000